


**САМАР
НУРОВ**



Қисса

Ўзбекистон
„Ёш гвардия“ нашриёти
Тошкент — 1970

Бу қисса қашқадарёлик биринчи қишлоқ ўқитувчиси, жасур комсомол қиз Жамила Жумаева ҳақида, унинг жўшқин ҳаёти тўғрисида ҳикоя қилади.

Жамила ўн етти ёшида узоқ қишлоқлардан бирига бориб, мактаб очади, жоҳил кишиларнинг фиксқу фасод, дўқ-пўписаларига қарамай, ҳар бир хонадонга маърифат нурини олиб киради. Бир лаҳзали фаолиятида чақмоқдек чақнаб, маърифат осмонида ўчмас юлдуз бўлиб қолади.

Савр шамоли эсиб, дашт, тоғ-тош, дарёлар ёшарган. Юрагим типирчилаб, болалигим ўтган қирларга талпинаман. Кўнглим дўстларимни қўмсайди. Кўз олдимга толларнинг ипакдек майин попуги келиб, муаттар ҳиди димоғимни қитиқлайди. Тол хивичидан «от» миниб кўча чангитганларимиз, исмалоқ териб, сигир боққанларимиз, кўприк устида оёқни осилтириб ўтириб, бўтана сувда оқиб келаётган бошмалдоқдай тутларни териб, ҳовучлаб еганларимиз, тишни қамаштирувчи довуччалар ҳаёл ойнасидан лип-лип ўтаверади. Чиллак ўйнаган боғот, варрак учирган ажриқзор, сўқмоқ четидаги бойчечак, нурдан либос кийган дов-дарахтлар... Қишлоқдаги ҳар бир девор коваги, ҳар бир дарахт шохида болалик хотиралари мудраб ётгандек.

Шу кунларнинг бирида қишлоқдан кутилмаганда хат келди. Ҳарфлари нотаниш. Тўлқинланиб очдим:

«Ҳурматли ўқувчимиз. Жамила номли ўрта мактаб коллективи сизни мактабимизнинг собиқ ўқувчилари кечасига таклиф этади.

Мактаб директори Зулайхо опангиз».

Шу баҳона бўлди-ю бир соат учиб, ярим соат машинада юриб, Лаъмонга кириб бордим. Мактаб олдида машинадан тушдим. Кўчанинг нариги бетидан силлиқ таралган сочлари думалоқ юзига улуғворлик кашф этган Зулайхо опа узун киприклари остидаги мулойим қўй кўзлари билан менга тикилиб келарди.

— Ассалому алайкум, — дедим қўлимни кўксимга қўйиб.

— Кел, ўғлим, кел, — Зулайхо опа меҳрибонлик билан тирсагимдан ушлади. — Сизларни топиш ҳам қийин.

— Кечикмадимми?

— Вақтида келдинг. Лекин, кўп ўқувчиларимиз келишолмайди шекилли. Улугбек чет элда конференция-

да экан. Академияга қўнғироқ қилувдик, доклад қилади, бир ойларда қайтар, дейишди. Санобар докторлик диссертациясини ёқлагани Ленинградга кетибди. Асрор, ўзинг биласан, мунажжим. Қаердалигини ҳам айтишмади, давлат сири экан.

У ўзига жуда ярашадиган ҳаво ранг костюм кийган. Кўкрагида «Халқ маорифи аълочиси» значоги, ҳар хил медаллар...

Бир томони пахтазорга туташ боққа кирдик. Ботўридаги арчалар остида ёлғиз қабр бор. Оқ ятак кийган кенг пешонали киши бел билан нав-ниҳолларнинг остини юмшатиб юрарди. Зулайхо опа бош қимирлатиб унга салом берди. У ҳам бошини қимирлатиб, алик олди-да, пахтазор ёқалаб ўтган ариқ томон кетди. Опа унинг орқасидан маъюс тикилиб, чуқур хўрсинди:

— Танирсан Хуршид амакнини?

— Ҳа.

— Унга қийин, жуда қийин. Юрагида армон қолган. Қолхозда бригадир. Қишин-ёзин шу қабрга ҳар кун бир келиб кетади. Билиб қўйганинг яхши, ўғлим, ҳар бир ҳарф қишлоққа қон билан, қурбон билан кирган. Мана булар, — у кўкрагидаги медалларни кўрсатди, — безак эмас, қат-қат хотиралар. Ахир, ҳаётимиз ўз-ўзидан шундай тўқис бўлмаган-ку! Унинг ҳар бир ғиштини қанча-қанча машаққатлар билан теришган.

Қабр олдида бош эгиб, ўйланиб қолдим. Майса гилами қоплаган тупроқ тепача устида ёлғиз лолақизғалдоқ гуллаб турибди. Чўғдек ёрқин, ипакдек майин гул япроқлари қуёш нурида товланади. Шабада унинг нозик япроқларини ўпиб ўтганда гунчалари орасидаги бағри қон юраги кўриниб кетади. Назаримда, қизғалдоқ шу тупроқ остида ётган қизнинг муҳаббатга лиммолим юрагида униб, ёруғ жаҳонга, қуёшга ўша қиз кўзи билан боқиш учун чиққандек.

Сўқмоқдан юриб, ариқ бўйига бордик. Қирғоқдаги эски чархпалак олдида чинор. У яшил пайпоқ, кенг кўйлак кийган жувондек шохларини ёйиб турибди.

Бутун томирлари билан азиз ерни қучоқлаб, мағрур турган улкан чинорнинг мудраган шохларини шамол силкитди. Япроқлар уйғониб, шивирлашга тушди. Тингланг китобхон, у ўзининг қайноқ муҳаббатини, ширин жонини Сизларга бахш этган фидои муаллима қиссасини сўйлаб бераётир:

I

Маориф шўъбаси жойлашган болохонадор ҳовли дарвозаси олдида четан арава турибди. Ҳаво дим. Аравага қўшилган қорабайир бошини силкитиб, кўзлари ва бурни устига қўнган чивинларни ҳайдади. Орқа оёқларини эринчоқлик билан ерга дук-дук уриб депсинди-да, сўнг яна кўзини юмиб, сукутга кетади.

Қамчинини бўз яктагининг ёқасига тиқиб қўйган ўрта бўй, ориқроқ, яноқлари бўртиб чиққан, чўкинқираган шокосасида кичик қора кўзлари милтираб турган ўттиз беш ёшлардаги киши пахса девор билан ўралган ҳовлидан бир челак сув олиб чиқиб, отни суғорди.

У қолган сувни ғилдирак гупчагига, араванинг орқасидаги тўрга осиб қўйилган бир боғ беда устига сеппиб, челакни шоти тагидаги михга илиб қўйди. Белбоғини ечиб, қайта боғлади. Елкаси билан шотига суяниб, маориф шўъбасининг дарвозасига тикилиб турди. Ҳовлидан «хайр, хайр» деган сўзлар, оёқ шарпалари, эшикнинг очилиб ёпилгани эшитилди-ю, хаял ўтмай дарвозадан ўрта бўй, ҳаво ранг кўйлак кийган қиз чиқди. Оёғида бўти, бошида оқ рўмол. У бошини чап томонга сал эгган ҳолда майда-майда одимлаб, арава ёнига келди. Тиккага келган қуёш ёғдусидан шаҳло

кўзлари бир оз қисилди. Тарвуз мағзидек лаби чиройли очилиб, аравакашга салом берди:

— Ассалому алайкум. Раҳмон акамисиз?

— Ваалей...— Раҳмон ака қизга қарамасдан унинг қўлидаги қора клиёнка қопланган чамадонни олиб, аравага қўйди. Эгарнинг қошига илдирилган жиловни олиб, бир қўлини аравага тираб, сакради-да шотига икки оёғини осилтириб ўтирди. Қиз ҳам миниб олгач, қамчинни ҳавода ўйнатиб, тизгинни силтаб тортиди:

— Чув-в.

Қорабайир сўлиқ чайнаганча, бир меъёрда йўрғалаб кетди. Арава гилдираклари юмшоқ тупроқ кўрпаси устида из қолдириб борарди. Нам тезда буғланиб кетиб, арава гупчаклари гичирлай бошлади. Шотидаги миҳга илинган челақ силкиниб, бир меъёрда «тинқ-тинқ-тинқ-тинқ»иллайди.

Йўл тупроғи элангандай майин, билқиллаб турибди. Икки гилдирак чизиб келаётган изларни от тўғидан кўтарилган пахтадай юмшоқ чанг ёпмоқчи бўлиб, арава ортида қолиб кетади. Шамол қирлардаги жизғинак бўлиб ётган гиёҳлар ҳидини олиб келиб, димоғни қитиқлайди. Отнинг ёли, қизнинг бошидаги дуррани тортқилиб, шўхлик қилади. Сукунат Раҳмон аканинг юрагини сиқди, орқасига бир оз ўгирилиб, пичан устида оёқларини узатиб, атрофга жимгина тикилиб бораётган қиздан мушоҳада билан сўради:

— Қағдан келяпсан, сингил?

Чўл осмонига, бир-бирининг орқасидан зинапоядек кўриниб турган адирларга тикилиб, хаёлларга кўмилиб келаётган қиз бирдан сергакланди.

— Узоқдан, жуда узоқдан. Қозон деган жойни эшитганмисиз?

Раҳмон ака бошини силкитиб, йўқ ишорасини қилди ва:

— Бизда ош пиширадиғон қозон бўлади, — деди.

Қизнинг юзига табассум югурди:

— Йўқ, Қозон — Тотористоннинг пойтахти. Бизларнинг Самарқанддай. Нўғайлар юрти.

Раҳмон ака «ҳа, ҳа» деб бошини силкигди.

— Исминг нима?

— Жамила!..

— Исминг ҳам, гапларинг ҳам ўзвайсан-ғу, лекигин..

— Ҳа, кийинишим, юриш-туришим ўхшамайдими?

— Қайдам. Қандай шамол учирди сени бу ёғларга?

Қизнинг юзларида ҳалиги беғам шодликдан асар ҳам қолмади. Товуши маъюс эшитилди:

— Фалакнинг гардиши экан, Раҳмон ака... — деди энтикиб.

— Тақдир деғин...

— Ҳа, тақдир...

Ёўл тоб еган узун арғамчидек қирлар устидан эгри-бугри чўзилиб кетган. Арава шу арғамчининг бир учидан тортиб, ғилдирагига ўраётгандек имиллаб борарди. Қиз отнинг тер босган қизғиш сағрисига қараб, бирдан сесканди. Ён томонга бурилиб ўтирди. Хаёли чувалашиб, хотирасида болалигидаги қўрқинчли манзара жонланди. Қитобхон, бу қиз қаерда билим олган, қаердан келиб қолди бу ерга деб ўйлаётгандир.

...Отасининг узун бўйли, қотмадан келган, дарвишнамо кийинган, сарғиш чўққи соқолли Ғалимжон абзи деган дўсти бўларди. У Жамилаларникига кун оша кириб турар, ҳамма вақт совға-салом билан келиб, кичик Жамилани боши устида кўтариб:

— Кўзичоғим, — деб эркалар, сўнг ерга қўйиб, сочларини силарди. Жума аканинг бўш вақтини топиб, уни халқ орасидаги мақол, ривоят, қўшиқ, удумларни айтиб беришга ундарди. Уларнинг гурунги баъзан тонгга уланиб кетарди.

Ғалимжон абзи чиқиб кетгандан кейин онаси:

— Хотинлардан ҳам сергапсизлар-ей, бир-бирларингизнинг оғизларингизни пойлаб, кимларнинг ғийбатини қиласизлар мунча, — дерди кўзлари қизарган Жума аканинг олдига чойнакни келтириб қўяркан.

— Бу Ғалимжон қурғур одамни «қитиқлаб», қаердаги гапларнинг бошини қўзғайди, — дея отаси паҳмоқ соқолини силарди. Чойнакдан ёпинчигини олиб, чой қайтараркан. — Ҳайронман, нима қиларкин буларни ёзиб олиб. Эрта яна келаркан,— деди.

— У «гап халта» ҳеч тўлмас экан-да,— норози бўлиб бидирларди Фотима хола.

— Кўп зиқна бўлаверма, хотин. Ҳар одамнинг меҳри бир нарсага тушади. Уқимишли одам бўлса ҳам уй-жойини ташлаб, бор-бурдидан айрилиб, шу ёқларда юрибдики, бирор нарсани билади-да. Унгида ҳам, тушида ҳам мақол, қўшиқ. Ёзиб олиб нима қиласан, деса-сам, бу халқ мулки, йўқолиб кетмасин, халққа қайтараман, дейди. Яхши одам. Қизингизни ҳам ўқишга ўргатмоқчи, — дерди суюниб отаси.

Баҳор кунларининг бирида Жамила мис кўзани билагига илдириб, булоққа кетди. Адирдан гуллар териб, бошига чамбарак қилди. Кўзани ярим қилиб, белига қўйиб келаётганда ёнидан бир тўда отлиқ шамолдек тўс-тўполон билан ўтиб кетди. Қизча уларнинг ортидан анча тикилиб турди-да, сўнг уйига йўл олди. Айвонда отаси боши танидан жудо бўлган ҳолда қора қонига ботиб ётарди. Қизча кўзани тушириб юбориб, жон ваҳимада, она, деганча уйга югурди. Ичкари уйда очиқ сандиқ олдида онаси деворга боши билан суянганча тилини тишлаб қолган. Кўйлагининг очиқ ёқасидан кўкрагида дағал этикнинг кўм-кўк тамғадек изи кўриниб турарди.

Босмачиларнинг катта бир тўдаси шу қишлоқда ик-

ки кун бурун қўлга тушган эди. Қолганлари «ҳамма ишни ана шу динсиз Жума қиляпти, у кофирлар билан, орган билан тил бириктирган» деб уникига бостириб келган эди.

Қиз фарёд чекиб, бир онасининг, бир отасининг ёнига югурди. Ранги-қути учган қўни-қўшнилар биринкетин кела бошлади. Шу алпозда дарвозада Ғалимжон абзи ҳам кўринди.

Кишилар ота-онасини қабристонга қўлма-қўл элтиб, ёнма-ён кўмдилар. Қайтиб келишди. Ҳамма сукутда. Қўни-қўшнилар қиз тақдирини ўйлашарди. Бунини сезгандек Ғалимжон абзи сўз бошлади:

— Шулай. Бандалик экан бит. Раҳматлик Жума менга доим, боламини ўзинг ўқитасан-да, дерди. Бошпанасиз қолмасин бит. Мен уни олиб кетаман. Раҳматликнинг тузини кўп тотганман. Уша қарзини узам инди.

Алғов-далғов йиллар, очарчилик, бунинг устига ўзларининг ҳам жўжабирдай болалари бўлган қариндош-уруғлар қиз болани олишга ҳайиқиб туришган эди.

— Майли, Жуманинг охириги хоҳиши экан,— дейишди кўниб.

Ғалимжон абзи уй-жойларни қизнинг номига хатлаб, яқин қариндошларидан бирига қараб туриш учун қолдирди. Қўлёмаларини тартибга солиб, орадан ўн кунлар ўтгандан кейин бутун қишлоқ билан хайр-хўшлашиб, Жамилани Қозонга олиб кетди. Жамила Қозонда хотин-қизлар техникумини тугатди. Мана, етти йилдан кейин ишга келяпти...

От яқин орада сув борлигини сезиб кишнади, одинини тезлатди. Яна бир қир ошиб, сувсиз сойдан ўтилгач, йўл дарёга қиялаб бориб, юлғин, жийдазор оралаб кетди. Офтобда ун сепилгандек оқариб турган жийда барглари нафас олаётгандек майин тебранади. Йўл-

дан четроқда бир чайла тиккайиб турибди. Қашқа шу чайла орқасидан бурилиб, сўнг Аму қумликлари томон оқиб кетади. Бу ернинг ҳавоси мусаффо, салқинроқ эди. Атрофда қовоқ, қовун-тарвуз палаклари қорайиб кўринади. Қишлоқда ери йўқ хонадонлар баҳорда бу ерга кўчиб чиқиб, қовун экишар, то совуқ тушгунча чайла қуриб ўтиришарди.

— Чанқоғбости қилиб олайлик, — Раҳмон ака от жиловини чайла томонга бурди. Йигирма қадамлар қолганда отни тўхтатиб, шотидан ирғиб тушди. Тизгинни эгар қошига қўйди:

— Ҳо, ким бор?

Чайладан бошига қизил гарди рўмол ташлаган, узун бўйли, олача кўйлак кийган жувон чиқди. Бир қўли билан ёқасини ушлаб, юзини тескари бурганча сўради:

— Ҳе, не дейсиз?

— Сув бер.

Жувон индамай ичкарига кириб кетди. Катта сопол товоқ кўтариб чиқиб, эшикнинг олдига қўйди-да, юзини кўрсатмай яна чайла томонга бурилиб турди. Раҳмон ака товоқни олиб келиб қизга узатди:

— Ич синғлим.

— Ўзиз ичинг.

— Йўқ, сув кичикдан.

Қиз товоқни қўлига олди. Қир гиёҳларининг ёқимли бўйи димоғига гуп урилди. Муздек чалоп юзида лахта-лахта мой кўпиклари сузиб юрарди. Роҳат қилиб тўрт-беш қултум симирди. Товоқни Раҳмон акага узатди.

Раҳмон ака товоққа энди лабини теккизганда, Жаммила:

— Ибий, буни қаранг, — деб ерга энгашди.

— Ҳа, нима гап? — Раҳмон ака ўнг қўли билан товоқни ушлаб, чап қўлининг кафти билан лабини артди.

Қиз икки қўлини тиззасига тираб, энгашганча қумлоқ тупроқ устидаги элан-биланг изга тикилиб турарди. Раҳмон ака изни дарҳол таниди:

— Бўғма илон экан.

Илон изи юлғин остидаги юмронқозиқ инининг олдига келиб йўқолган. Раҳмон ака секин юриб бориб, из йўқолган ерда тўхтади. Қиз оёқ учида юриб борди. Раҳмон ака кўрсатгич бармоғи билан юлғин остига ишора қилди:

— Қара.

Қум юзасидан майда заррачалар паға-паға бўлиб билинар-билинмас учаётган эди. Бўғма илон нафас оляпти, тумшуғининг учи кўриниб қолган. Орқароқда эса, қумдан бир жуфт кўз чиқиб турибди. Илон одамдан кўрқиб қимирлаганда устидаги қумлар тўкилиб, сал ботиқ пешонаси ва тангачалар қопланган тумшугининг юқори қисми очилиб қолди. Қалқончалар билан қопланган боши, қорнидаги қалин қора-қўнғир доғлар кўринди. У қумда тобланиб, ғаним пойлаб ётган эди.

Раҳмон ака бўш товоқни чайла эшиги олдига қўйиб келди.

— Илонлар кўп экан, — деди қиз, юраги сесканиб.

— Чу-у,— деб қамчинини боши устида силкитди Раҳмон ака. Бир оз тери қотиб, тани совиган от қишлоққа яқинлашаётганини сезиб, қулоғини диккайтириб, одимини тезлаштирди. Раҳмон ака қиз томонга бошини бурди:— ҳа, зағарли, аврайдиган маккорлари ҳам бор бу атрофда...

II

Арава икки ёни пахса деворли боғ кўчага кириб бо-раётганда кун оға бошлаган эди. Қишлоқ жимжит. Шу пайт рўпарадан тор кўчани чангитиб, икки суворий келиб қолди. Раҳмон ака отни чув-чувлаб, аравани туп-

роғи тўкилиб, шох-шаббалари очилиб қолган кўприк ёнида тўхтатиб турди.

Олдинги оёқларини кўтариб кишнаётган чарс, асов саман устида шоп мўйлов, бугдой ранг, кенг яғринли, кунгираддор телпак кийган, қирқ ёшлардаги киши тизгинни тортиб турарди. Орқадаги қора тўриқда лаби дўрдоқ, узун бўйли киши. Шоп мўйловли киши аравада оёқларини йиғиштириб ўтирган қизга суқланиб тикилди-да, сўнг Раҳмон акага ўгирилди:

— Қани, Раҳмон, торт араванги.

— Арава бурилолмайди. Сизлар салт отлиғ, девор бағирлаб ўтсаларинг бўларди.

Шоп мўйловли кинояли илжайди. Катта, чиройли қора кўзлари қисилди:

— Ширкатни оти бурила олмайдим, бировларнинг безазорига бемалол бурила олади-ку, ҳе-хе-хе.

— Ахир...

Орқада жим турган дўрдоқ лаблининг сабри чидмай, отининг биқинига ниқтаб, олдинга ўтди. От бўйинини буриб, эгасининг тиззасини тишламоқчи бўлди. Аммо, у отнинг қулоғи остига жаҳл билан бир қамчи тушириб, сўнг, — сен билан али-бали айтиб ўтирамин энди, — дея нақшдор қамчиси билан аравакашга ўқталди. Аравага қўшилган от ҳуркиб, филдирак ариққа сурилиб кетди. Отларнинг бир биқини деворга, бир биқини арава гупчагига суйкалганча дўпир-дўпир ўтиб кетди. Аравакаш уларнинг ортидан сўкиниб қолди:

— Ҳа, занғарлар...

— Қим у? — сўради қиз.

Раҳмон ака, қиз киши ҳам эркакни сўрайдим, дегандек хўмрайди:

— Бозор, ёнидағиси шериги.

Раҳмон ака аравадан тушиб, отни жиловидан етаклаб бораётганда дарёдан сув ичиб келаётган пода йўл-

ни тўсиб олди. Қажава қоринли бир ола говмиш думини кулча қилиб сағрисиға қўйганча, йўлда кўндаланг турарди. Сигир эғасини таниди шекилли, бўйинини буриб «мо»лади. Эринчоқлик билан бошини эғиб, орқа оёғининг туёғи билан бўйинини, қулоғининг орқасини қашиди. Сўнг оёғи орасидаги қабарган елинини эҳтиёт қилгандек соллона-соллона кетди. Қуюқ чанг аравани ўраб олди. Улар пода ўтиб кетгунча турдилар. Орқада таёғини елкасига ташлаб, узун олача қўйлак кийган, қош, киприкларини чанг босган, юзлари офтобда чўяндай қорайиб, оёқлари торс-торс ёрилган бола келарди. Раҳмон ака уни тўхтатиб, гап тайинлади:

— Асрорбой, жиян, бизнинг оладан бохабар бўл. Кўп чоптирма. Сигирлар билан шохлашмасин. Куни яқин. Туғса ҳар кун Хосият холангдан қаймоғ қатиғ олаверасан.

— Хўп, тоға, хўп. Ўзи ҳўкизларга кўп сўйкамасинда...

Қиз орқасига ўгирилиб, бола тупроқ йўлда кўринмагунча унга тикилиб борди. Тор, ифлос кўча. Йўл ёқасига тўкилган ахлатларни товуқлар титкилаб юрибди. Девор орқасидан боласини қарғаётган аёлнинг товуши эшитилди.

Араванинг ғичирига боғотлардан қулоқ-думлари кесилган итлар ҳуриб чиқар, ириллашарди. Дарвозаларнинг қия очиқ тирқишларидан, деворларнинг нураган ерларидан бошига нимча, яктак ёпинган хотин-халажларнинг ҳайратомуз, таҳқирли башаралари кўринарди.

— Вой-вой, ана беҳаё. Юзи очиқ, этаги тўпигини ёпмайди...

— Ҳе, юзи қурсин. Болдирлари очилган. Энди худо урди эркакларни.

— Муаллима эмиш.

Кўчанинг охирида ариқдан новга сув очаётган кенг

пешонали йигитнинг кўзи ҳам аравада ўтирган қизга тушди. Тушди-ю, юраги типирчилаб, арава орқасидан узоқ термилиб қолди: муаллима шу экан-да.

* * *

Арава мачит олдидан ўтиб, ўнг томондаги тор кўчага бурилди. Икки пахса деворли чорбоқ олдида тўхтади. Олдин Раҳмон ака, кетидан муаллима чорбоққа кирди. Бир уй ва даҳлиз. Олди айвонли. Томи қамиш билан ёпилган. Чорбоқнинг гувалак деворлари у-бу еридан нурай бошлаган. Бу ерда ёлғиз кампир туради. Жамила супада эгнидаги чангни қоқди, кампир билан сўрашгач ийманиб уйга кирди.

— Раис Исомбой юборди, муаллима вақтинча шу ерда тураркан, — деди Раҳмон ака қизнинг чамадонини даҳлизга олиб кираркан. — Ўзи келолмас, иши кўп.

Кампир уйи ўртасидаги наMAT устига пўстак ёзди. Қуроқ дастурхон солди. Чегаланган эски кўк чойнак, сопол пиёла олиб келди. Ўзи уйнинг қийшайган деворига қўйилган тирговичга суяниб ўтирди. Бир пиёладан чой ичдилар. Раҳмон ака пиёла гирдини кафти билан артиб, дастурхоннинг бир четига тўнтариб қўяркан, юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.

— Энди она-бола бўлиб тураверасизлар, — деди-да, уйдан чиқиб кетди.

Чойдан кейин кампир катта қозонда сув иситди. Жамила кир ювди. У ювган кирларни силкиб-силкиб дорга йиқитганда оқ паранг кўйлагини туртиб турган бўлиқ кўкраклари тўлғонарди. Бел оғриғидан нолиб, ўчоқ бошида мис ҳовончада ялпиз туйиб ўтирган кампир унга ер остидан суқланиб тикиларкан, ўғлини эслади: бе-бош бўлмаса ҳозир шундай бир қизни олиб келиб, қўлтиғимга таянч қилиб қўярди...

Қизнинг ёйдек қошлари, тиниқ юзи, ёноқларига соя

ташлаб турган узун, қуюқ киприкларига ҳавас билан қараб, ютинди. «Қандай бефаҳм ота-она экан, шундай нарсани узоқ қишлоққа ёлғиз юборибди».

Айвон шифтига ин қурган фотма-чумчуқ қўҳр-қўҳр-лаб, кампирнинг хаёлини бўлди. Кампир хўрсиниб, ўчоққа суяб қўйилган чилимни олди. Оташкурак билан ўтни титкилаб, кичик бир чўғни сархонага қўйди.

— Бўлди қил, қизим, Жамилахон. Худонинг куни кўп, — кампир бурушуқ лабларини найга қўйиб, тутунни ичига тортди.

Қиз сочини ёйиб, тоғарага чойдишдан сув қуйди:
— Ҳозир энажон.

Шу пайт қизни яна бир киши пинҳона кузатарди. Чорбоғ тўрига синчиклаб тикилган киши попукли гилам дўппи кийган, кенг пешона йигитни кўрарди. У кўчада ўсган беҳининг ғадир-будир танасига суяниб, девор сарҳовидан ўйчан қўй кўзларини кир ёяётган қизга тикиб турарди. Қия очиқ лаблари устидаги қора мўйлови нафас олганида билинар-билинемас титрайди. Қизнинг елкасидан қуйи тушган қора баҳмал сочи, кўйлаги этагидан оқариб кўринган болдирлари йигитнинг назаридан қолмади. Оқиш тиниқ юзига зеб бериб турган қора кўзлар, балоғат таровати барқ урган дуркин сийна...

Қиз уйга кириб кетгач, йигит япроқлар шивирига қулоқ тутиб, беҳи остида анча турди. Дордаги кирлар шамолда тебраниб, кет энди, кет энди, у чиқмайди, дегандек силкинади. Қуёшнинг дарахтлар учуда илашиб турган қизғиш толалари узлиб, ҳавода эриб кетди.

Йигит сўқмоқдан бораётганда қамишлар орасидан юзи тиндаланган ой бош кўтарди. Унинг шўъласида дарё симоб ранг тусга кирди. Йигит қумлоқ қирғоққа етгач, энгашиб, почаларини тиззасигача шимарди. Сувдан кечиб ўтди.

У катта дарвозадан атрофи пахса билан ўралган қўрғонга кирди. Ички-ташқи томорқали ҳовли. Ташқарида пахса бостирма, офилхона. Йигит сарҳовузни айлашиб ўтиб, чорбоғ тўридаги болохонали уйга яқинлашганда ичкари боғдан қулоқ-думи кесилган ит чопиб келди. Финшиб эгасининг оёғи остида бўйнини ерга суйкаб ётди, эркаланди.

Йигит елкасидаги белни товуқхонага қўйиб чиқаётганда, ошхонадан хотин кишининг паст, ташвишли овози эшитилди:

— Хуршид?

Йигит жавоб бериш ўрнига томоқ қириб йўталди. Юз-қўлини ювмасдан, баланд супа устидаги гиламга чўзилиб ётди. Кўзини юмиб, хотирасида ҳалиги қиз сиймосини тикламоқчи бўлди. Кўзи очилиб кетаверди. Секин-аста кўтарилаётган ой, атрофда сочилиб ётган юлдузлар унга қизнинг қуралай кўзларини эслатди. Йигит юраги ширин ҳислар билан лиммо-лим. Ҳаво асал ва сутга йўғрилгандек ёқимли. Бутун борлиқ табассум қилаётгандек кўринди кўзига. Кўнглининг бир бурчида ҳувиллаб турган бўшлиқ илиқ ҳис, ҳаяжон билан тўлади. Бу ёруғ оламда яшаш қандай яхши! Далалар, боғлардан ёқимли куй эшитилади. Йигит қулоқ солди. Йўқ, кўкрак қафасидан чиқиш учун гурс-гурс ураётган юрак садоси бу. Йигирма баҳорни кўриб, ҳали бирор хотиннинг қўлшни ушламаган, кишини маст қилувчи иссиқ ҳароратини сезмаган йигит ҳаётинга янги бир киши тонгдек оҳиста кириб келди, қалбида бир исм ўрнашиб қолди. У қўшиқдек жарангдор, баҳор шабадаси янглиғ ёқимли: Жамила! Жамила! Жамила! Лекин, у йигит учун ҳали осмондаги ойдек узоқ, ойга эса қўл етмайди, унинг жамолига узоқдан суқланиб боқиш мумкин, холос.

Тушига донм ҳўкиз, омон, жийрон кирадиган йигит бугун ҳалиги қизнинг юлдуздай порлаган кўзларини кўрди. Хуршид қизнинг васлига восил бўлиб, ипакдек мулойим қўлини энди ушлаётганда уйғониб кетди. Кўзини уқалаб, ўрнидан турди. Онаси фонус олиб уйдан чиқди. У ёқ-бу ёққа қараб:

— Олапар, ҳа ўлгир, қайт изингга,— деганча итнинг орқасидан борди.

Боғ тўридаги кичик дарвоза олдида юкнинг оғирлигидан терга ботган уч от пишиллаб, нафас олиб турарди. Шоп мўйловли киши шошиб эгардан тушаркан:

— Понисни ўчиринг, она,— деди. Чопонини ечиб, кампирнинг елкасига ташларкан, сўради:

— Хуршид қани?

— Супада, ухлаб ётувди, уйғотайми?

— Йўқ, керак эмас. Ўзимиз саришталаб оламиз.

Бозор бир қоп буғдойни елкасига олиб, энкайганча ертўла олдига борганида у ерда тик турган қора сояга кўзи тушди. Тиззалари қалтираб, қопга санчадек ёпишган бармоқлари бўшашаётганда уни таниди:

— Хуршид! Ҳе астафурулло... Товуш бермайсанми,— дедида қопга суйанганча ўтириб қолди.— Қел, кўтаришиб юбор.

Соя ҳамон қимирламасдан турарди.

— Сенга айтяпман, гўрсўхта!

— Ҳаром нарасага қўл урмайман.

— Ҳаром, ҳаром дедингми?!— мўйловдор қаддини ростлаб, укасига бошдан оёқ тикилди. — Пешона тери билан етиштирган қоп-қоп буғдойларимни олиб кетишди ҳаром-паром демай. Нима, меники ҳароммиди, меҳнатим ҳароммиди! Қани айт-чи? Ўзинг ҳам ейишга келганда ҳаром-ҳалолнинг фарқига бормаёсан-ку! Кимнинг нони билан қоринингни қаппайтириб юрибсан ўзинг?!

Шундай уддабурро, бақувват акаси ҳозир кўзига аламзада, аянчли ўғри бўлиб кўринди:

— Мен унисини билмайман. Шунча халқ меҳнат қилиб, қаҳатчиликда тиш кирини шимиб турганда, сиз...

— Билмасанг, билиб қўй!

Мўйловдор жаҳл билан қопни елкасига олиб, энди ер тўлага кирмоқчи бўлган эди, йигит унинг йўлини яна тўсди.

— Қоч деяпман!

— Қирмайсиз.

— Ут бу ёққа! — муйловдор бир қўлини қопдан бўшатиб, тўқмоқдек мушти билан укасининг кўкрагидан итарди. Хуршид икки қадам орқага гандираклаб кетди.

— Утмайсиз! — йигит яна эшикни тўсди. Мўйловдорнинг елкасидаги қоп ерга тушиб, буғдой атрофга сочилди. У билан изма-из келаётган икки киши ертўлага қопни олиб киришди. Мўйловдор эса укасига шивирлаб, пўписа қила бошлади:

— Сен болага бир бало бўлибди. Қонимни қайнатма кўп! Майли, жаҳл чиққанда ақл қочади. Лекин, бу нарсалар тўғрисида бировга...

— Айтаман! — деди йигит тап тортмай, — ўғри, ўғри дейман.

Бу сўз мўйловдорнинг мясида момақалдироқдай акс садо бера бошлади: «Ўғри, ўғри, ўғри... Эл билса нима дейди?» Унинг ўзи ҳам шу сўздан жирканса-да, алам устида бу ишларни қилиб юрган эди. Мўйловдорнинг юзида бирорга ҳам тук қимирламади. Катта қора кўзларида ваҳшиёна совуқ ўт чақнади. У укасининг рафторига қараб, феъли айниб, хиёнат кўчасига кирганини сезди:

— Ҳаддингдан ошаверма, бола! Сенга кўрсатиб қўяман ҳаром, ҳалолнинг фарқини. Виждон қўриқчиси!—

Зарб билан иягига теккан муштдан Хуршид ертўла зинапоясига ағдарилиб тушди. Боши остонага урилиб, эшик ёнида турган ўткир кетмон тиғи чап қўлининг икки бармоғини кесиб юборди. Ўрнидан тураётганда лабига илиқ, шўртанг суюқлиқ оқиб тушаётганини сизди.

— Бари бир тинч қўймайман.

Хуршид гандираклаб ертўладан чиқаётганда мўйловдор яна сўради:

— Айтасанми?

— Айтаман, — дейиши билан йигитнинг биқинига, қулоғи остига яна муштлар туша бошлади.

— Бозор-р-р! Улдириб қўясан уни! — Она югуриб келиб, ўглининг билагига ёпишди. — Қўй, қўй деяпман. Бошингдан қолсин жанжалларинг...

Хуршид ерга қапишиб анча ётди. Атрофда оёқ шарпалари тингач, ён-верини икки қўли билан сийпалаб кўра бошлади. Ёнида кўз ёш қилиб турган онаси ташвишланиб сўради:

— Ҳа, нимани қидиряпсан?

Йигит онасининг гапига қулоқ солмай, гандираклаб ўрнидан турди. Ҳовлидан чиқиб кетди. Қишлоқ совети эшиги ёнига бориб, зулфинни тақиллатмоқчи бўлди. Бирор андишага бордими, ёки ҳоли етмаганиданми, тақиллатмади, деворга сирганиб йиқилди, ётиб қолди. Унинг шарпасидан магазиннинг бир бурчагидаги қамиш қапада мудраб ўтирган қоровул уйғонди.

Қоровул уни суяб, ҳужрасига олиб кирди. Бармоғига эски наmatнинг бир парчасини куйдириб босиб, сурп рўмолча билан маҳкам боғлади.

— Э, болам-э, қаерлардан келяпсан, бармоғингдан айрилибсан-ку! Эҳ-эҳ-эҳ, ёшларнинг энг мўмин қобили сен бўлсанг...

Йигит кўзини очиб, чолга тикилди-ю, индамади. Қоровул қўлини белбоғига артиб, ўрнидан турди.

— Сен ётавур, табиб топиб келмасам бўлмайди,—
дея эҳ-эҳлаганча ҳужранинг паст эшигидан бош эгиб,
ташқарига чиқиб кетди.

Шу-шу Хуршид уйига қайтиб бормади.

III

Бозор меҳмонхонага кириб, бошини чопон билан ўраб ётди. Мияси шанғиллаб, укаси айтган сўз ҳамон такрорланарди. Пешонаси тиришиб, кўзи юмилмайди. Урнидан туриб, ҳовлига чиқди. Укасини кўп кутди. Ана келади, мана келади... Тонг отиб, кун ёйилганда ҳам қайтиб келмади. Қизарган кўзларини уқалаб, чор-боғдаги баланд супага бориб ўтирди. Кўнглига қил сиғмай турганда хотини келиб чойга чақирди:

— Бор, бор ўша ёққа! — уни жеркиб ташлади. Тескари ўгирилиб, икки тирсагини тиззаларига тираганча бошини ҳам қилиб сукутга кетди. Онаси келтириб қўйган чойга ҳам қарамади. Кўнгли ғаш, нохуш ўйлар миясини зирқиратади. «Ҳозир тўрт-беш агентни эргаштириб келиб, мана, ўғри шу одам! Ўғирлаганлар ичида шу ҳам бор», деса-я.

Йўқ, келмади. Қуёш анча кўтарилиб, супа ёнидаги чинни қайрағочнинг меҳмонхона эшиги олдида чўзилиб ётган сояси судралиб, супа лабига келди. Бозор йўлга қараб, сўнг чойни қайтарди. Хаёллари дайди қушдек тентираб, ўт-олов йилларига етаклаб кетди.

Бозор Раҳмон билан тенгқур. Иккиси ҳам ўртамиёна оиладан. Болалигидан қишда сандал талашиб, ёзда Жангаллик ариғидаги гумнинг бўтана сувида чўмилишиб, талашиб-тепалашиб ўсишган. Иккисининг ҳам отаси ёшлигида қазо қилиб, оналарининг қўлида қолишди. Раҳмон етим-есирликда қорни нонга, эгни кийимга ёлчимай ўсди. Кўнгилчан, содда, ҳинматли йигит бўлди. Қишда кўчалар тизза бўйи балчиқ бўлган-

да у эринмай ирмоқ очиб, кўлмакларни ариқларга оқи-
зиб юборар, бировнинг томи қуласа, индамай бориб қа-
рашарди. Қишлоқнинг ўлиги борми, тириги борми —
Раҳмон ўша хонадонда ҳозир у нозир, хизматга тайёр
турарди.

Бозор ўн бир ёшга қадам қўйганда онаси шу қиш-
лоқли бадавлат бир кишига эрга тегиб, орадан бир
йил ўтганда ўғил туғди. Ўғай отадан бегонасирагани
учунми, Бозор баджаҳлроқ, муғомбирроқ бўлиб ўсди.
Хуршидга аввал нафрат билан қараб юрди-ю, у тета-
поя бўлиб, ширин тил чиқарганда илиқ меҳр қўйди. Шу
орада ўғай отаси ҳам оламдан ўтиб, рўзғор, саккиз та-
ноб ер, бир от ва ҳўкиз унга мерос қолди.

Баҳор келиб, дала ишлари бошланиб кетганда Бо-
зор онасининг маслаҳати билан Раҳмонни ёрдамга ча-
қиғарди. Ҳар кун эрталаб Бозор отнинг жиловидан
ушлаб олдинда, Раҳмон эса орқадан ҳўкизни етаклаб,
далага ер ҳайдагани боришарди. Иккисининг ҳам бел-
боғига биттадан қотирма тугилган. Чўнтаклариди тур-
шак.

Одатда Бозор далага етар-етмас чўнтагидаги тур-
шакни еб бўлиб, Раҳмонга қўл чўзарди.

Бир оз изғирин эсиб турган ўша кун ҳам Бозор
қишлоқ кўчасидан далага чиққунча киссасидагини еб
бўлиб, орқасига ўгирилмай, қўл чўзди:

— Раҳмон-н, ол гўлиндан.

Раҳмон индамай унинг кафтига тўрт дона туршак
қўйди. Бозор оғзига солиб, лунжини дўппайтириб ши-
миб кетаверди.

Иигирма-ўттиз қадам юришгач, яна қўл чўзди:

— Қани, жўра, ол, жуда гўштдорда руҳижононанинг
гўлини. — Данагини чақиб, мағзини кирт-кирт чайнар-
кан тилини чапиллатиб, мақтади: «Мағзи буғдой нон-
дай-а».

Раҳмон унинг кафтига яна уч дона туршак қўйди. Бозор оғзига икки туршакни солиб, шимиб кетаверди. Шу пайт Раҳмоннинг кўзи йўл ўртасида қиров босиб ётган туя қумалоқларига тушди. Энгашиб, учтасини олиб, липпасига қистириб қўйди. Туршакни шимиб бўлган Бозор данакларни қарсиллатиб чақиб, пўчоғини туфлаб ташлади-да, яна орқасига қўл чўзди:

— Раҳмон, жўражон, ол энди.

Раҳмон липпасидаги қумалоқни олиб, индамай унинг кафтига қўйди. Бозор ҳеч нарсадан хабарсиз, унинг иккитасини бирданига оғзига ташлаб, тили билан ямлади. Сўнг тишлади-да, ютинди:

— Ва-ақ, ва-а-ақ, туф-ф, ва-ақ! — у Раҳмонга ўгирилди. — Нима бу, лойми?

— Яхшилаб қара, гў-гўлин-ку, — деди Раҳмон ўзини соддаликка олиб.

— Гўлин? — Бозор кафтида қолган бир «туршак»-ка қараб, кўнгли айниди.

— Ҳа, нима бўлди?

Бозор енглари билан лабларини артаркан «ўзи ҳам билмасдан берганга ўхшайди» деб ўйлади, сир бой бермаслик учун:

— Лойли экан,— деди ўзини ўқчишдан зўрға тутиб.

Шундагина Раҳмон хоҳолаб кулди. Бозор жўраси атайлаб қўлга туширганини сезиб, сўка кетди:

— Ҳақ, эшак калла, итган тараган...

Шу пайт уларнинг кўзи дарё томондан оқ эчкини улоқчаси билан олдига солиб ҳайдаб келаётган оқ сурп кўйлакли, камзулча кийиб, бошига гарди рўмол ташлаган қизга тушди. Қўлидаги хивич билан эчкини ҳайдаб келаётган қиз йигитларга яқинлашганда, рўмолининг учи билан оғзини бекитиб, катта шахло кўзлари билан йигитларга яширинча қиё боқди. Раҳмоннинг на-

зарида, қиз табассум қилгандек, қиё боққанида ёйдек қошлари силкиниб, ўзига имлагандек туюлди. Юраги жиз этиб кетди. «Бир қишлоқда туриб шу пайтгача парво қилмабман-а! Қиз бола баҳорнинг илиқ ёмғирида ер остидан бирдан патиллаб чиқадиган кўзиқориндек сал кунда етиларкан-қоларкан».

Бозор ҳам ҳалиги воқеаларни унутиб, қиз ортидан маҳлиё тикилиб қолди. Бу — гўдаклигида ота-онасини вабо олиб кетиб, авлод, ақраболаридан ёлғиз қолган эмакисининг қўлида тарбияланиб, бўйи етиб қолган Хосият эди. Амакиси оғир дардга чалиниб, икки йилдан буён уйда инқиллаб ётар, агар тузукроқ ердан одам чиқса, қизни «кўзи очиқлигида» маҳр талаб қилмасданоқ узатиб, акасининг ва ўзининг чироғини ёндириб, сўнг «гўрида тинч» ётмоқчи эди.

Қиз муюлишга етганда орқасига яна қайрилиб қаради-да, йигитларнинг тикилиб туришганидан уялганиданми ёки нозу истиғноданми, бир кулиб, одимини тезлатиб, тор кўчага кириб кетди. Бозор, қиз кўздан ғойиб бўлгунча унга тикилиб турди. Сўнг Раҳмоннинг ҳам унга тикилиб турганини кўриб, юзи қизарди. Кўкрагида рашкка ўхшаш бир нарса қимирлаб қўйди.

Шундай қилиб, қиз бир эмас, бирданига икки йигитнинг юрагига чўғ солиб қўйди. Улар ҳар бири олдинроқ совчи юборишни кўнгилларига тугиб қўйишди. Қиз кўз қочириб қараганда, унинг қайрилма киприклари кўзга кўринмас бир маънони ирғитдики, у Раҳмон юрагига тушиб, дукиллаб бошлади. Ранги ўчиб, хўрсинди. Лекин, Раҳмон: «қуруқ сўз қулоққа ёқмас. Қўлимда тийиним бўлмаса, кимни сўппайтириб уникига юбораман. Хотин олишдан олдин «жулдир кийимини ямаб, ўзининг қорнини тўйғазсин, дейишмайдимиз?» каби андишаларга бориб, нафасини ичига ютиб юраверди. Бозор эса, дарахт шохидаги нақш олмадек етилган

барно қизни тезроқ ўзиники қилиб олишга шошиларди. Онаси «сенга ўша етимча муносибми?» деганига қармай, шуни оламан деб, қишлоқнинг баобрў кишиларидан совчи юбориб, қудаларни кўндирди. Эрта бош тўй—фотиҳа. Ҳар икки хонадонда тараддуд, югур-югур.

Шу алғов-далғов куни қуёш ботиб, қоронғилик чўкканда Раҳмон тор йўлакдан бориб, боғ тўридаги сув даҳнасидан Хосиятларнинг боғига кирди. У нашвати панасига ўтиб, шу хилват жойдан супада, тандир ёнида, айвонда ғмирлашиб юрган кишиларни кузата бошлади. Ясан-тусанган қиз-жувонларнинг ўтинхона ёнидаги пастқам уй — хамирхонага тез-тез кириб чиқишларидан йигит Хосиятнинг ўша ердалигини сезд. Бир нарса юрагини ўртарди: «Кўнгли кимдайкин? Асрор келишимни Хосиятга айтганмикин? Дод-фарёд кўтариб, шарманда қилса-я? Майли, бошга тушганни кўз кўради». У ҳозир шарманда бўлиш, дўстидан ажралиш у ёқда турсин, ўлимдан ҳам қўрқмасди.

Қоронғилик қуюқлашиб, яқин қўшнилари уй-уйига тарқалишди. Тўйхонада қолганлар уйга кириб, чой ича бошладилар. Оёқ товушлари тинди. Осмондаги юлдузлар ёрқинроқ чарақлаб, ўроқдек ой оппоқ булутлар даврасидан сузиб чиқди. Енгил шабада дарахтларнинг учини силкитиб ўтди.

Юраги тўлиб, кун бўйи йиғлаган қиз бошига рўмол ташлаб, ташқарига чиқди. Аммалари «майли, кун бўйи ўтиравериб нафаси қисилиб кетди» деб индамадилар. Қиз супа зинасидан тушиб, тандир томон бурилди. «Келганмикин? Қаерда турганикин? Бу кўргиликка шўрлик амаким бардош бероларми? Одамлар нима дейди?» Унинг шамолига тандир кифтида ёниб турган қора чироқнинг «тили» қийшанглаб пирпиради. У йўлакдан девор ёқалаб чорбоғ тўридаги ҳожатхонага бораётганда данакдек кесакча оёғи ёнига келиб тушиб,

полизга туташ ток жўякдан паст, ҳаяжонли товуш эшитилди:

— Хосси...

Қиз сесканди-ю, товушни таниди. Бир лаҳза турган жойида қотиб, ток новдаларига тикилди. Тандир устидаги чироқ шуъласида япроқлар орасидаги икки қора кўз митти юлдузчадек милтираб турарди. Бадани ёқимли ҳис ва ваҳимадан жимирлаб кетди. Йигит япроқлар орасидан қўлини чиқариб, имларди. Қиз орқа-олдига қаради-да, тезгина ток панасига ўтди.

— Хосси... — йигитнинг илиқ нафаси қизнинг қулогига, дудоқларига урилди.

Қиз ҳам меҳри жўш уриб, ширин бир орзиқиш билан:

— Раҳмон ака, — деди. Кичик қулоғидаги ёқут тошли ҳалқа ялтираб кетди.

— Жоним...

Улар висол лаззатига фарқ бўлиб, бир зум жим қолдилар. Ёқимли жимлик. Гўё жимлик қоронғилик пардасига бурканиб, уларнинг ёнига келиб ўтирган-у, нафас олишдан қўрқарди. Фақат қўш юракнинг гуп-гуп ургани сезилади. Қиз йигитнинг бўйнидан қўлларини олди. Белига зарпечакдек чирмашган забардаст қўлларни бўшатди. Сирганиб елкасига тушган рўмолини бошига қайта ёпди. Энтикиб:

— Кетинг, сиз бегона, номаҳрамсиз, шарманда қилманг бизларни, — деди.

— Йўғ-ғ, бир қадам ҳам нари кетолмайман. Кетсам, дўзах ўтларига бўлса ҳам с-сен билан бирга бораман.

— Кечикдийиз. Отига бўлса ҳам совчи юбормадиз-а. — Қизнинг товушида ноз-истигно, таъна оҳанги бор эди. — Мен эсам кута-кута... — У ибo билан бошини эгди.

— Хосси, нима қилай, қўлим қисқалик қилиб қолди.

— Кетинг, — деди қиз йигитдан бир одим узоқла-

шишга сабри бардош беролмаслигини сезиб турса-да. Безовталаниб, япроқлар орасидан чироқ ёниб турган уйга қаради. Ҳамма ҳориб, чой ичиш билан машгул бўлгани учунми, ҳеч ким ташқарига чиқмасди. Йигит қизнинг майда ўрилиб, чиройли елкасига қора шалолалардек ёйилиб турган сочларига, атлас кўйлакни туртиб, ҳар нафас олганида типирчилаган қушдек кўтарилиб тушаётган бўлиқ кўкрагига суқланиб тикилди. Ютиниб:

— Кетмайман, — деди.

— Нима қиламиз, бўлмаса? Қочамизми?

— Йўғ, қочмаймиз ҳам. Қочиб қаерга ҳам сиғардик.

— Бўлмаса мени... шарманда қилиб ташлаб кетасизми?

— Йўғ. Шу уй-жойимизда яшайверамиз.

— Қандай қилиб?

— Йўли бор.

— Қани, айтинг тезроқ?

Йигит белбоғига осилган қиндан шартта ханжар суғуриб олди. Унинг тиғи япроқлар орасидан тушиб турган хира ёруғликда ялтираб кетди. «Бозорни ўлдирмоқчи бўлса керак» деб ўйлаган Хосиятнинг аъзойи бадани дағ-дағ титрай бошлади. Йигит қизнинг билагидан ушлади:

— Сочингни кесаман!

— Сочимни?! — Қизнинг нафаси ичига тушиб кетди. Қошлари фироқ билан ажралиб қўшилди. Кўзлари чақнади.

— Ҳа, бошқа иложи йўғ энди.

Қиз бошини йигитнинг кўксига қўйиб, товуш чиқармай йиғлади. Танида ҳамон титроқ бор эди...

Юрагида ўт ловиллаб, икки-уч кундан буён яхши ухлаёлмаган Хосият бу тун бир ёнбошлаб ётганча муродига етгандек қотиб ухлади. Уни ўртага олиб ётган хотинлардан бири азонда уйғониб, пешонабоғини боғ-

лаётганда кўзи Хосиятнинг лўлаболиш устида тўлганиб ётган икки ўрим сочига тушди. Сочнинг бир ўрими хотинга калта кўринди. Учи ёстиқ остида қолибдими, деб тўгриламоқчи бўлиб тортган эди, билакдек йўгон соч қўлига келди. Хотиннинг юраги ортга тортиб кетди. Нафасини ютиб, аввал уйга кўз югуртириб чиқди. Ҳеч ким йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, ёнида ётган хотинлардан бирини секин уйғотди. Униси-бунисини, буниси-унисини туртди. Қиз кўзини очганда тўрт-беш хотин унинг ёстиғи атрофида тизилиб, кесилган сочга ҳайратомуз тикилиб туришарди. Хотинлардан бири ҳабар берган эканми, амакисининг хотини эшикдан:

— Вой ўлмасам, — деганча шошиб уйга кирди. Хосиятнинг сочини кўриб, ранги бўздай оқарди. Деворга суяниб, беҳол ўтирди. Икки қўлини ерга тираб яна:

— Иби мен ўлай, қариганимизда бизларни шарманда қилдинг-ку, — деди.

Териси суягига ёпишиб, чўп бўлиб қолган амакиси қалтираб-қалтираб келиб, уйнинг ўртасида ҳолсизланиб, оёқларини узатиб ўтирди. Қиздан хабардор бўлиб турмагани, ғафлат уйқусида ётишгани учун хотинини, қариндошларини сўқди. Қизни бўғизлайман, ўлдираман, деб пўписа қилди. Сўнг жаҳлдан тушиб, уйнинг бир бурчагида йиғлаб ўтирган қизга дўқ урди.

— Бас қил, овозинг ўчгир. Менинг бирдан бир умидим сен эдинг. Эшигимни очиб, чироғимни ёқиб ўтирарсан, дегандим. Жувонмарг.

Қиз тингач, кенг енгларини оғзиларига тутиб ўтирган хотинларга қаради:

— Сочи узун, ақли калталар, санлар қаёққа қараб ўтиргандинглар? Қайси аблаҳнинг иши экан бу?

Хотинларнинг бирортаси ҳам лом-мим демади. Улар шўрлик қиз тақдирини ўйлаб, сукутга кетишган, ҳар бирининг ичини мушук таталаётган эди. Табнийки, бу

воқеадаң кейин ҳеч бир йигит қизга ўгирилиб қарамайди. Удум бўйича қизнинг сочини кесган кимса ўғрими, мусофирми, калми, шолми, песми, моховми унга эр бўлади. Хотинлар шуни ўйлаб, қизнинг ҳолига ачинишаётган, нима бўлса ҳам тузукроқ одам бўлсин бахтига, деб хаёлнинг минг бир кўчасига кириб чиқаётган эдилар.

Тушга яқин ҳеч ким кутмаганда Раҳмон дарвозани тақиллатиб, сочни берганда мотамсаро хотинларнинг елкасини босиб турган харсанг тош қулаб, энгил нафас олишди. Уйдаги кўрпачада чўзилиб ётган чол ҳам ёстиққа қўлини тираб, қадинин ростлади. Раҳмоннинг товушини таниб, кўнгли бир оз таскин топиб, яна тўшагига чўзилди. Ёш ҳалқаланган кўзига уйнинг вассажуп шипи хира кўринди. Шундай қилиб, Хосият тўй ва «тўққиз»сиз, ёпиқ ва «бортовогим»сиз Раҳмонники бўлди.

Бу воқеадан кейин бир туршакни иккига бўлиб еган дўстларнинг йўли иккига ажралди.

* * *

Бозорнинг қўлида бирор касби йўқ бўлса-да, у но-мусли, гайратли киши эди. Тақдирнинг ўша зарбидан кейин у орадан икки ой ўтар-ўтмас аччиқ устида Истатхоним исмли қари қизга уйланди. Келин бадавлат оиладан бўлиб, дароз, оёқлари ингичка, кўкраги текис, оғзи катта, қулоқлари шалпанг эди. Унинг қўли нинзипга анча қовушиб, онасидан тикиш-илишни ўрганиб олган, қишлоқдаги хотинларга ўз билганича кўйлак-дэзим, эркакларга серпахта чопон, астар-авра яктак тикиб бериб, оз-моз даромад қилар, шундан бўлса керак, керилиброқ юарди. Анча сергап, давраларда лабини буриб, чатма қошларини учуриб, бир гап бошласа ҳеч кимга сўз бермасди. Эр-хотиннинг ҳусни ҳам, муҳабба-

ти ҳам, тотув туриши ҳам мол-мулкка боғлиқ деб тушунарди у. Лекин, орадан бир йил ўтар-ўтмас бу фикрларнинг нотўғрилигига ўзи ҳам ишонди. Бу орада Хосият қиз туғди. Исмини Зулайҳо қўйишди. Бозорнинг хотини эса туғмади. Истатхоним курк товукдек қақиллаб, «авлиё-амбиё»ларга югурди, қоқтирди, дуо ўқитди — бўлмади. Шундан сўнг Бозорнинг ўшасиз ҳам хотинига илимай турган кўнгли бадтарроқ совиб кетди. Бирдан-бир юпанч — ўзини деҳқончиликка урди. Тонгда сут чойми, ёвгонми ичиб, бир дона зогора, бир ҳовуч туршакни қўйнига тиқиб, ҳеч кимга гапирмай, далага кетади. Далалар экинлар майсаси билан қопланиб, дарахтлар шиға гуллаганда унинг кўнгли ҳам бир оз ёришади, ҳосил омборга тушгач, қаварган қўлларни, қалби ором олади. У салкам ўн таноб ерни бир ўзи ағдариб, экиб-тикиб, ҳосилини саранжомлайди. Унинг одамлар билан ҳам, дунёдаги янгиликлар билан ҳам иши йўқ. «Мачит бекорчининг жойи, сиёсат — вайсақиларнинг иши,—деб ўйларди у. — Деҳқоннинг мачити, номози ҳам, сиёсати, қўшиғи ҳам, тиркчилиги ҳам — ер. Шу қора ер ота-боболаримизни боқиб келди, бизларни ҳам боқадди. Ер меҳнат қилганни сира алдамайди».

Гўё авлод-аждодларидан қолган бу қора ердаги ишларни бир ўзи ниҳоясига етказмоқчидек урингани-уринган.

Чиндан ҳам ер Бозорни алдамади. Икки йилда омборини донга тўлдириб, яхши бир саман от сотиб олди. Босгирма ёнига молхона қурдирди. Уроғидан тортиб, эгар-жабдуғигача янгилади. «Бу йил бирор кишини ёрдамга чақирмасам, иш тинкамни қуритди» деб юрганда, қишлоқда, ширкат тузилармиш, деган гап тарқалиб қолди. Бозор «бу нимаси экан», деб зимдан кўз-қулоқ бўлиб юрган кунларнинг бирида бирданга беш киши унинг чорбоғига бостириб кирди. Фақат Исом актив шу

қишлоқдан бўлиб, қолган тўрт кишини Бозор танимасди. Улар отларини бошоққа инган жўхори пайкалига ҳайдаб юбориб, тўғри омборга киришди, бостирмада кавшаниб ётган ҳўкиз, қўй-эчкини рўйхатга олишди. Бозор супа ёнидаги қайрағочга суянганча ўнг қўли билан қора мўйловини силаб, солиқчи-агентларга тикилиб турди. Улар қип-қизил буғдой, сап-сариқ макка уруғини дарвоза олдидаги икки аравага аралаш-қуралаш ортиб бўлишганда Бозор улар билан изма-из юриб, дарвозадан чиқди. У кўринишдан жуда бамайлихотирга ўхшарди. Лекин бу сокинлик тез оқар дарёнинг устидек алдамчи эди. Кўзларини қисиб, Исом активга юзланди:

— Бўлдими? Қани, тезроқ шиқиллатиб қол туёгингни!

Исом активнинг ёнида ўтирган бақа кўзли, башанг кийинган бақбақали киши кўкрак чўнтагидан занжирли элтин соатни кафтига оларкан тўнғиллади:

— Кўзингни ёғ босибди, мошдек очиб қўямиз. Ҳукумат одамига дағдаға қиляпсанми! Айтмасанг ҳам ўзимиз йўлни биламиз. Молларни эрта-индин олиб кетамиз, ҳозир боқишга емимиз йўқ. Хатта тушган, бирортаси нари-бери бўлса, бошинг билан жавоб берасан!

— Ҳа, оловур, ол, олиб кетавур, энангнинг қалинига бериб қўйган моллар бу, олиб кетасан! Хотинга-лоқлар!— деди Бозор вужуди газабдан қалт-қалт титраб.

Исом актив бақакўзнинг қулоғига энгашиб пичирлади. Сўнг бошини кўтариб, кинояли илжайди. Бақакўз унинг зада жойидан ўйиб олди:

— Энангизники бўлмаса, келинники бор, ҳи-ҳи-ҳи.

Бу — Бозорнинг Хосиятга уйланомай қолиб, қалинини қайтариб олгани, шарманда бўлиб Истатхонимни

уйига қалинсиз олиб келганига ишора эди. Бозорнинг нафаси ичига тушиб кетди. Бўйинини ҳам қилиб, Сармоқларини синдириб юборгудай қайира бошлади. Томоғига бир нарса тикилиб, аъзойи баданини шилимшиқ тер босди. «Шулар учун қон ютиб, ҳар қарич ерга тер тўкиб ишладимми ҳали?» Уни шу пайтгача меҳнат қилишга ундаган томир гўё узилди-ю, кўнглида аччиқ, тахир бир алам қуйқаси қолди. Ич-ичидан сизиб чиқаётган ғазабдан лаблари пирпиради:

— Яхшиликча кетиб олинглар. Бўлмаса...

— Ҳо,— деди бақакўз бақбақасини шишириб, Бозорга истеҳзоли тикиларкан, — пўписалари ҳам дурусту. Ҳайда, чув-в.

Аравалар олдинма-кейин ғичирлаб йўлга тушди. Бозор дарвоза олдида қотиб қолди. Қўл-оёқларидан бир лаҳза дармон қочди.

Аламдйида Бозор бу адолатсизлик қоронғисида ўйланиб, боши қотиб турганда бир умид ялт этиб миясини ёритиб юборди: Тоштемир! Фақат ўша қайтариб олиб беради молларимни!

Лекин бу милтиллаган ёруғлик жаҳаннам тубига судраб кетишини ўшанда у ўйлаб кўрмаган эди. Қош қорайиши билан саман отини эгарлаб, қўшни қишлоқдаги Тоштемир деган каллахўрникига борди. Тўртбеш меҳмон бор экан. Улар билан ўтириб, шароб ичди, ошхўрлик қилди. Кайф билан кўнгли бир оз ёришди. Меҳмонлар тарқалишгач, Бозор мезбонга воқеани айтиб берди, аравалар ҳали районга етмагандир, тўртбеш йигит топиб берсангиз, йўлдан кесиб чиқардим, деди.

— Қўйинг, — деди Тоштемир унинг елкасига қўлини қўйиб, — ҳали қийратамиз уларни...

Шу тун Бозор у ердан «Бу замон зўрники экан. Ана, биздан кўринг талашни» деган ақида билан қайтди.

Йўлда отининг жиловини тортиб, оёғини узангига тираганча экинзорларига тикилди. Ҳар бир марза, ариқ унинг кўзига ёшлигини, танидаги шарбатни ютган баало-қазодай кўринди. Пўрсилдоқ тупроқ экин экилмай қолиб кетди. Сув йўллари кўмилди. Анҳордаги ортиқча сув шу пайкалларга оқиб, қишлоқда энг унумдор ҳисобланган Бозорнинг ери безгак уясига айланди. Экинзорлари билан бирга унинг ўзи ҳам бир оз сўлди. Камгап, жаҳлдор бўлиб қолди. Бозор шериклари билан олдин қўй-эчки, бузоқларни ўғирлаб, Чоршанба бозорида пуллаб юришди. Сўнг омборларга кирадиган бўлишди. Мана, шу тун ҳам бир бойнинг ғалласини босиб, жой-жойига саранжомлашди. Бозор икки қопини уйига олиб келганда Хуршид билан тўқнашган эди...

* * *

Соч-соқоли ўсиб кетган Бозорнинг эгиндан аччиқ тер ҳиди анқиб турибди. Миясида «ўғри, ўғри, ўғри» деган сўзлар яна такрорланди. Ўзидан-ўзи ғижинди. Кўзлари уйқусизлик ва ғазабдан қизарган, йўлга қараб:

— Келмади,— деди. Ўзининг товуши ўзига хириллаб эшитилди. Дарвозага тикилганча чойнакдаги сўнгги чойни пиёлага қуяётганда қопқоқ тушиб кетиб, пиёланинг остидан дарз кетди. Тундаги тўқнашувдан кейин укаси билан ўзи ўртасидаги муносабат энди асл ҳолига қайтмаслигини сезган Бозор чопонининг этагини қоқиб, ўрнидан турди. Супа устида тик туриб, дарвозага, дарвоза оша йўлга қаради: «Келмади, кўнглида бўлса аллақачон келарди. Нима ишлар бўлаяпти ўзи? Нима қилдим?»

Чойнак-пиёлани олгани келган онаси унинг хаёлини бўлди:

— Бор, болам, укангдан хабар олиб кел. Қаерларда санқиб юрибдийкин?

Бозор мянсада чувалашиб ётган фикрлар тугунини хилватроқда ечиш учун боғ тўридаги кичик дарвозадан чиқиб, дарё томонга кетди.

Йўлда Муқим тоғага дуч келди. У аравага беда ортган. От пишиллаб, уни зўрға тортиб борарди.

— Ҳорманг, тоға.

— Бор бўл, жиян, — тоға отга қамчи урди.

Бозор, отга раҳми келиб, арава орқасидан қараб қолди. «Ем еб юрган от бир арава бедага шунча қора терга ботадимиз?».

Тушдан кейин қишлоқ оралаб, қоровулнинг дўконига кирди. Чол кундузи сартарошлик қилиб, тунда идорани қўрирди. У қишлоқдаги ҳамма гаплардан биринчи хабардор бўларди. Дўконда устадан бошқа киши йўқ. Чол очиқ дарча олдида мудраб ўтирган экан. Бозорнинг шарпасини сезиб, кўзини очди. Унга супа лабидан жой кўрсатди. Бозор қалпоғини ечиб, супага қўйди. Чол мужмал кўринса-да, тез ишларкан. Бир зумда Бозорнинг сочини сидириб чиқди. Сўнг унинг лабини бармоқлари билан чўзиб, мўйловини қайчилади.

— Мана иним, қирчиллаган йигитча бўлдинг-қолдинг.

Бозор ўрнидан туриб, ёқаларини қоқди. Қалпоғини тақир бошига қўндирди. Яктагининг ён киссасига қўл солиб, Хуршидни кўрмадингизми деб сўрамоқчи бўлганда, чолнинг ўзи гап очиб қолди:

— Укангин иккала бармоғи ҳам ишдан чиқибди. Узининг ҳоли яхши. Лекин, зинҳор уйга бормайман дейди. Бозоржон, иним, нима бўлди ўзи? Ўт ўраётувдим, ўроқ кесди, дейди, ҳеч ўроқ кесганга ўхшамайди...

«Айтмабди!» — Бозор бир оз енгил тортди. Чолнинг саволига жавоб бермай, чўнтагидан пул олиб чўзди:

- Қарашиб туринг.
- Хўп. хўп. Айтгандай, янгиликдан хабаринг борми?
- Йўқ, нима бўпти?
- Илойим нонкўр қилсин, жамоа омборидаги донни тунда супуриб кетишибди.
- Бозорнинг устидан гўё бир челак совуқ сув қуйилди. «Айтганмикин? Хуршид айтганмикин? Айтган бўлса, тамом. Нима керак эди менга ўша ғалла? Уйда ундоним етарли эди». — У чолга синчков тикилди:
- Кимни омборидаги донни?
- Колхознида!
- «Ажаб?! Нима гап ўзи? Қанақа колхозники?»
- Ким айтди?
- Одамлар. Изини топишолмабди. Ерда одамнинг ҳам, отнинг ҳам изи йўқ. Латта судрагандай из қолган дейишади.
- Ўзингиз бориб кўрдингизми?
- Йўқ, жиян. Бу ердан қимирлаб бўладими?

IV

Жамила ювиниб-тараниб, янги паранг кўйлагини, пошнаси баланд этигини кийди. Бошига ғижим рўмол ўраб, чошгоҳда идорага борди. Исом актив, сенга қишлоқ совет секретарини қўшмоқчи эдик, тоби қочиб қолибди. Ҳозирча ўзинг рўйхатни олаверасан, жиян, деди.

— Майли.

Асрорни ёнига олиб, уйма-уй кириб, хонадонлар билан танишди. Болаларни рўйхатга олди. Тушга яқин Асрор подага кетди. Жамила Ғулом тоғаникига борди. Эр-хотин айвон супасида ҳасратлашиб ўтиришарди.

— Қани, даладан бир қоп ташвиш кўтариб келдиз-

ми? — деди Ҳаловат хола тиззасидаги тикишдан кўзини олмай. Фулом ака хотинига жавоб бермай, тескари ўгирилиб ўтирди. Икки қўлини тиззасига тираб, қийиқча танғилган бошини кўтариб, осмондаги докакдек булутларга тикилди:

— Ёғмади, ёғмади-я, — деди афсус-надомат билан. — Арпаку обинайсоннинг икки ёмғири билан сўлари бўлди. Бир селпиб ўтса, буғдой бош оларди. Бу тирикчиликни нима қиламиз-а!

— Кўпчилик нима бўлса бизлар ҳам шу-да, — тасалли берди хола эрига. — Мунча куйнаверманг. Худого шукур, Санобаримиз ҳам дастёр бўлиб қолди.

Қизининг исмини эшитиб, Фулом аканинг ранги ўзгариб кетди. Фулом акада ер йўқ. У қишлоқ мулласининг вақфдаги ерининг бир бўлагини ишлаб, ҳосилнинг ярмини унга берар, ярмини ўзига олар эди. Шу йил баҳорда Оловхон, тузоқ иппини узоққа ташлаб, агар истасангиз шу ер-сув бутунлай сизники бўлиши мумкин, деди. Мулла Санобарга кўз қирини ташлаб юрганидан Фулом ака хабардор, бу сўз шунинг ошкора ифодаси эди. Шўрлик ота икки ўт орасида қолди. Бир томондан ҳали ўн тўртга тўлмаган қизини унга бергиси келмас, иккинчи томондан ер-сувдан ҳам умид узиб кетолмасди. Кўп ўйлаб, мулоҳаза қилиб, ўзини-ўзи юпаташ учун важ-корсонлар қидириб топа бошлади: «Қиз бола меҳмон. Бари бир эрга тегади. Ота-онасига болиш бўлмайди-ку. Берсам берақолдим-да, шариат тўққиз яшарликда никоҳга рухсат беради-ку. Ота-боболаримиз бирор нарсани билишганки, бунга йўл қўйишибди. Санобар эса она қорни билан ҳисобласа ўн тўртга қадам қўйяпти, Оловхон тагли-томирли, илмли, одамшаванда киши. Бизларга ерини ҳам бериб қўйибди. Унинг сазасини синдириш кўрнамаклик бўлади. Шу билан ундан олган икки юз танга бўнакдан ҳам соқит

бўламан», деб ўзини-ўзи юпатмоқчи бўлди-ю, лекин буни хотинига айтишга юраги дов бермади. Ўзининг ҳам оталик меҳри товланиб, бу таклифга бўйсунушга мажбурлигидан жигари қон бўлди. Қадоқ кафтларини бири-бирига ишқалаб, гапни бошқа ёққа буриш учун баҳона ахтарди. Ер, ҳўкиз, омовдан бошқа нарсани кўрмаган деҳқоннинг хаёлига нима ҳам келсин. Ўғирланган уруғликни эслади:

— Уша ғалла топилмади-я, ҳар биттаси нўхатдай-нўхатдай сара уруғлик эди.

— Уйи куйсин илойим, ким экан кўпчиликнинг оғзидаги ошга кўз олайтирган?

— Топишолмабди. Раис, муаллима, совет секретари бориб кўришибди. Омборхона эшигининг зулфи суғирилган экан. Бу ишда қишлоқдан бировнинг қўли бор, дейишяпти.

— Қоровул қаердайкин?

— Раҳмон фалокат босиб, уйига кетган экан.

— Шўрликка қийин бўлибди-да...

— Ҳа... Худди осмондан тушгандай бирорта из ҳам қолмабди, Раҳмоннинг бўйнига сиртмоқ бўлиб тушса оғир-да... — Жамила бу ҳасратнинг охирини эшитиб қолди. Шундай бир пайтда ўқиш, мактаб тўғрисида гап очиш бу кишиларнинг қулогига гул қистиришдек бўлишини сезган Жамила дарвоза олдидан секин изига қайтди. Чол унинг шарпасини сезиб қолиб, йўталди-да, юзини тескари бурди. Кампир тиззасидаги тикиш-илишини ёнига қўйиб, ўрнидан турди.

— Келинг, болам.

— Санобарни бир кўриб кетай девдим, — деди Жамила ийманиб, орқасига ўгириларкан.

— Аммасиникига кетувди. Келинг, чой тайёр.

— Раҳмат, — қиз орқасига бурилди, — бошқа вақт бафуржа келарман.

Эри рўйхуш бермай, тескари ўгирилиб ўтиргани учун Ҳаловат хола уни ўгиришга унча қистамади.

Қиз дарвозадан чиқиб, кўздан ғойиб бўлиши билан Гулом ака хотинига ўгирилиб, бароқ қошларини чимирди:

— Болангни зинҳор мактабга юборма. Туз-намакка сийдиртирармиш...

Бу гапдан холанинг эсхонаси чиқиб, ёқасини ушлаб қолди:

— Вой ўлай, кўринишидан туппа-тузукка ўхшайдику....

Жамила тор кўчадан чиқиб, арава йўлга бурилганда рўпарадан бир тўда одам ғала-ғовур билан келарди. Челакларнинг, мис тоғораларнинг «танқ-тунқ-тинқ»и болаларнинг қий-чувига қўшилиб, киши юрагига ваҳима солади. Ҳаво дим. Терак, тутларнинг учи лиқ этмайди. Қалдирғочлар «чирқ-чирқ-чирқ»лаб ер бағирлаб учади-да, яна баландга кўтарилиб кетади. Кишилар олло-таоллога ялиниб-ёлвориб, ҳар хил дуоларни ўқиб, кўча чангитиб боришади. Орқадан келаётган болаларни таниб бўлмайди. Афт-башараси, сочлари, кокиллари чанг. Кўпларининг кўзлари қизариб, милкларни йиринглашган. Кўзларини тарс-тарс ёрилган бармоқлари, чанг енглари билан артиб, ишқалаб, қарвон ортида қолиб кетган бўталоқдек шаталоқ отиб чопишади.

Йўл четидан узун бўйли, симоб ранг нафис чакмон кийган, танғиб ўралган оқ салласининг печини елкасига тушириб олган мулла Оловхон боряпти. У қишлоқда янги мактаб очиладиган бўлгандан кейин «ҳукумат билан ўчакишиб бўлармиди» деб, хатибликни йиғиштириб қўйди. Қишлоқ аҳлининг ихтиёри билан мачитга имом бўлди. «Мурид овлаш» баҳонаси билан онда-сонда қўшни қишлоқларга бориб, назир-ниёз олиб келар,

касал ё жинниларни дуо қилар, у-бу ёққа хат ёзиш, бирор ердан келган дуои-саломни ўқиб бериш, қишлоқдаги ҳар хил расм-русмларни ўтказиш унинг зиммасида эди.

Қишиларнинг ғала-ғовури ҳамон тинган эмас. Мулла ҳар замонда тўхтаб, орқасидан эргашиб келаётган оломонга қарайди. Энг олдиндаги кишининг қўлида бел дастасига эски кўйлақлар кийгизилиб ясалган «одам». Хонадонлардан бошига камзул, ятак ёпинган жувонлар, болалар қумғон, челақларда сув чиқариб, «сув париси»нинг устидан сепишарди ва қўл кўтариб илтижо қилишарди:

— Э, худойим, даргоҳинг кенг, марҳамат қил.

Юзлари чангга беланиб, чувиллашиб чопаетган болалар орасида узун бўйли, ориқ, қотмагина Асрорни Жамила энди пайқади:

— Асрор, Асроржон!

Бола товушни эшитиб, у ёқ-бу ёққа аланглади. Муаллимани кўриб, тўхтаб турди. Жамила ўзининг кифти баравар келадиган Асрорнинг тирсагидан ушлаб, кўзига қаради. Киприк, қошлари, қора кўзларининг ақлли боқишлари худди Оловхоннинг ўзгинаси. Меҳрибонлик билан сўради:

— Ҳа, нима қилиб юрибсан? Бормадингми?

— Бораётувдим, йўлдан булар чиқиб қолди.

— Бор. Подачи бобонг кутиб тургандир.

— Онамни сўрай.

— Онангни!?

— Ҳа, бу одамлар худодан ёмғир сўрашяпти, мен подани дарёда ҳам суғоравераман. Мен онамни сўрамоқчийдим.

— Нима бўлган унга?

Бола ютинди. Ингичка, узун бўйнидаги томирлари бўртиб кетди. Юзини ён томонга бурди:

— Бир-икки кишидан, менинг онам қаерда деб сўров-
дим, худо ўз омонатини олган, жойи жаннатда бўл-
син, дейишди. Худо олган бўлса берсин-да, онамни.

Бола кишилар кетидан чопмоқчи бўлиб, олдинга ин-
тилаётганда Жамила унинг қўлидан ушлади:

— Йўқ, укажон, онангни энди тополмайсан.

Улар дарё томон кетишди.

Оломон эса қишлоқ четидаги қуруқ ариқ бўйига
борди. Оловхон чўкка тушиб, қиблага қараб қуръон
оятларидан ўқиди. Нималарнидир пичирлаб, охири:

— Парвардигор, сендан ҳеч нарсани аямаймиз. Бе-
ва-бечора, етим-есирларнинг оҳ-воҳига қулоқ сол, улар
марҳаматингга мунтазир,— деди юзига фотиҳа тор-
таркан.

Мулланинг пичир-пичиридан ҳеч нарса тушунмай
ўтирган кишилар ўзбекча айтилган кейинги сўзларнинг
маъносини англашиб, улар ҳам фотиҳага қўл очишди.

Мулла ўрнидан турди. Бир-бир одимлаб, ариқ бўйи-
даги гулмихга боғланган буқача ёнига борди. Кимдир
челакда сув келтирди. Мулла бир осмонга, бир буқага
қараб, яна пичирлади, челакка қўл ботириб, буқача ус-
тига бир-икки ҳовуч сув сепди.

Шундан сўнг уч деҳқон буқачани тушовлаб, йиқи-
тишди. Бир чоригининг қўнжидан пичоқни олиб, «бис-
милло» деганча буқача устига энгашди.

Орадан ҳафта, ўн кун ўтди ҳамки, қурбонликнинг
фойдаси кўринмади. Ёмғир ёрмади.

Жамила ўйланиб қолди: «Бир парча сувли ерга та-
лашиб, худога ёмғир деб ялингунча дарёдан сув чиқар-
са бўлмайдимиз?» У Асрор билан дарё қирғоқларини
узоқ айланди.

* * *

Жамила қишлоққа келган куниданоқ кампирнинг
товуқлари қўноққа чиқиши билан ётиб, сўфи азон айт-

масдан туришни одат қилди. Қора чироқни тутатиб, ўтиргунча, эрта турса, ҳамма ишларни битказиб олади. Бугун ҳам эрта турди. Чит кўйлагини кийди. Бошига оқ рўмолни ташлади. Икки кўлига челақ кўтариб, кўчага чиқди. Сўқмоқдан дарё қирғоғига борди. Дили яйраб, энгашиб, челақни сувга ботираётганда қалқиб турган тўлқинлар устида ўз аксини кўрди. Бошидаги рўмолни олиб, пешонасидаги сочларини текислаб, икки ўримини орқасига ташлади. Ювиниб ўрнидан турди. Дарёга, Қўнғир тоғи тизмаларига тикилди. Кўз ўнгида янги бир манзара намоён бўлди: дарёдан қишлоққа бир ариқ сув шарқираб оқяпти. Мевазор ёғлар, яшил экинзорлар. Атлас кўйлақ кийган қизлар саватларда мева теришяпти, йнгитлар ташияпти...

Қуёш қорнини уфқдан узиб олиб, кеч қолган йўловчидай шошар, қирғоқдан майин ҳовур кўтариларди. «Тезроқ борай, қишлоқ советида кутиб туришгандир».

Кампир чой дамлаб, тўртта тухум қайнатиб қўйган экан. Жамила тез нонушта қилиб, советга жўнади.

Советнинг раиси гўладан келган, бўйни калта, сочи устара билан қирилган, қирқ беш ёшлардаги киши экан. Жамилани ўрнидан туриб қаршилади:

- Кел, киравер. Хўш, бугун нима қиламиз?
- Мактабни бориб кўрсак, девдим.
- Майли.

* * *

Оловхоннинг ўғай акаси алғов-далғов пайтда Мозори Шарифга қочиб кетган эди. Унинг ичкари-ташқарили катта ҳовлиси бўш қолган. У ерни колхоз омборга мўлжаллаб, бир уй ва даҳлизни мактабга ажратган эди. Катта хона ўн бир болорли. Шифти вассажуфт. Деворларида ганчкор токчалари бор. Икки деразаси ҳовлидаги супага қараб очилади. Жамилага маъқул тушди.

— Яхши, — деди деразаларини очиб кўраркан. — Фақат ойна қўйиш, парта, стул....

— Сени олиб келган Раҳмонни мактабга қоровул қилиб тайинлаймиз. Қам-кўсти бўлса ўша тузатаверадди. Ҳозирча намат тўшаб қўярмиз.

Кўчага чиқишганда Жамила қўлидаги қоғозни очди. Яхлит картон қоғозга чиройли харфлар билан «МАКТАБ» сўзи ёзилган эди. Картонни дарвозанинг тепасига қоқиб қўйди.

Олдин болалар келиб томоша қилишди. Сўнг катталар ҳам. Эски тўни кир ва мойдан ялтираган Муқим тоға кўчадан ўтаётиб, тўхтади. Бойнинг дарвозаси олдида тўпланиб турганларга хира кўзлари билан тикилди-да, сўнг яқинроқ келди:

— Нима гап, раис?

— Мактаб, бу ерда мактаб очяпмиз, Муқим тоға.

Жувозкаш киприксиз, милки қизил кўзларини дарвозадаги ёзувга милтиратиб қадади-да, ҳеч нарса тунунмади шекилли, орқасига бурилиб, мачит томон кетди. Оловхон ҳам бу хабарни шу Муқим жувозкашдан эшитди.

— Муаллима чиройли, ёқимлигина қиз экан, — деди Муқим тоға.— Дарвозада туриб, ўтганга ҳам, қайтганга ҳам, кираверинглар, энди бу эшик сизларга очиқ, деб турибди.

Бу гапларни қўлидаги тасбеҳ тошларини бармоқлари орасидан ўтказаётиб эшитган Оловхоннинг томирлари тортишиб кетди: «Очиқ... Акам ҳавас билан қурдириб, тўй-томоша кўраман, маишат қиламан деган уй энди ўша оёқялангларнинг болаларига қолдимми?!»

Лекин ўзининг бу кайфиятини Муқим тоғага сездирмади.

— Маъқул. Мактабга мос жой, баҳаво, озода. Лекингин, зурёдларимизга мусулмонча сабоқ беришсайди. Бе-

ва-бечораларнинг болалари кофир бўлиб кетишади-да. Шунисиға жоним ачишади...

— Муллам, бу мактабнинг эскисидан фарқи нима ўзи?

— Ислом шариятига бутун зид нарса. Илми ҳикматни ўргатадию, ахлоқ, одобнинг кўчасидан ўтишмайди. Ҳалол-ҳаромни фарқиға боришмайди.

— Чатоғ-ку, охир замон яқин экан-да... — деди Муқим тоға ачиниб.— Муллам, сиз тушунган одамсиз, иложи бўлса бунга йўл қўйманг.

Оловхон индолмай қолди: «Менинг ихтиёримда бўлса-ку, ўзим билардим-а...».

* * *

Шундай жой олинганда Оловхон гинг деёлмай қолганини кўрган деҳқонлар, экинзорларни ҳам олса бўларкан-да, деган фикрга келишди. Илгари тиланчи — лўлилар ҳам киролмаган ҳовлиға болалар бемалол кириб-чиқиб юришибди. Раҳмон ака Жамиланинг хоҳиши билан ёругроқ бўлсин учун катта уйнинг олди деворини икки жойдан ўйиб, деразага жой ҳозирлади. Эски ёғоч тахталар топиб, парталар ясади. Стул ўрнига кундачалар қўйди.

* * *

Жамила тонгда туриб мактабга келди. Раҳмон ака кўринмасди. Ҳовлини супуриб, чиннидай тоза қилди. Айвон, уй шипларига ёпишган ўргимчак уяларини супургининг учи билан илиб олди. Қўшниларикидан бир челақ сув олиб ўтиб, эшикларни совунлаб ювди, латта билан артиб чиқди. Тушда ён қўшнининг хотини чойга чақирди. Чорбоғ ўртасидаги шотуг соя ташлаб турган супада тутхўрлик қилишди. Бир пиёла чой ичиб:

— Раҳмат. Раҳмон акам келмоқчи эдилар,— деб

меzbонга миннатдорчилик билдирди-да, мактабга ўтди. Раҳмондан ҳамон дарак йўқ. Бекор турмаслик учун челақда оҳак қориб, даҳлизни оқлади. Энди айвонга уринаётганда кеч тушиб қолди. Уйига кетди.

Эртаси куни ҳам чошгоҳгача кутди. Раҳмон ака келавермагач, хавотирланиб йўлга чиқди. Икки томони паҳса деворли кўчадан бораётганда нохосдан оёғи тойиб кетди. Бошидаги рўмоли сирганиб, елкасига тушди. Хаёллари ҳам сочилгандек бўлди. Этигига ёпишган сиргир тапписини артиш учун ён томондаги ариқ бўйига борди. Отқулоқ, шўра баргини юлиб олиб, энгашганча этигини артаётганда Раҳмон аканинг қизчасига кўзи тушди. Қизча тиззаларини қучоқлаб, ариқ остида жилдираб оқаётган сувга термилиб турарди.

— Ҳа, Зуллижон, нима қилиб ўтирибсан бу ерда?

Қизча сесканиб, бошини кўтарди. Катта-катта ёқимли қўй кўзларида ёш ҳалқаланди:

— Сиргир... сиргирга ёмон ўт едиргансан, деб онам урдила.

Раҳмон ака бугун-эрта сиргирлари туғишини, Зулайҳо қўйиб онаси, онаси қўйиб Зулайҳо ҳар куни унинг остига юмшоқ хашак тўшаётгани, ҳар тун беш-олти марта уйғониб, хабар олишаётганини айтган эди.

Нима бўлдийкин? Бутун хонадон шунга кўз тикиб турувди-я. Йил бўйи бузоқнинг қулоғини тишлашни орзу қилиб юрган Зулайҳо энди бу ерда йиғлаб ўтирибди. Нима бўлдийкин?

— Қани, юр-чи, — Жамила қизчанинг қўлидан ушлаб турғазди. Рўмолининг учи билан унинг кўзларини артди. Қўл ушлашиб, тор кўча охиридаги икки табақали дарвозага яқинлашишди. Бўсағага қадам қўйишганда ичкаридан ғала-ғовур эшитилди. Номаҳрамнинг кўзи уй ва хотинларга тушмаслиги учун дарвоза олди девор билан тўсиб қўйилган эди. Тўрт бурчакли кичик

ҳовли. Уй олди айвон. Ҳовли ўртасида шовур тортиб турган сиғир, унинг ёнида оқиш-кўкиш қопга ўхшаган нарса ётарди. Атрофини болалар ўраб олишган. Супанинг лабида ўтирган Зулайҳонинг онаси — Хосият икки қўли билан тиззасини шапатилаб, изилларди:

— Шўримиз қуриди. Бу бир офатни олиб келади...

Бузоқ парда билан туғилган эди. Раҳмон ака нима қилишини билмай, саросимада донг қотиб турибди. Жамилани кўриши билан тани зириллаб кетди. Оловхоннинг гапи ёдига тушди: «Нопок одам қишлоқ ораласа унинг қусури бошқаларга ҳам уради». Рост, кеча, потенг ишлатгансан, деб солиқчилар тўрт юз сўмини шилиб кетишди. Қарз-ҳавола билан зўрга қутулудим. Бугун бу ғалва. Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ турмайди. Рост, париштадай қизу, агар бир балоси бўлмаганда шунча йўлдан бу ёқларга дайдиб келармиди. Узининг қишлоғига бормасмиди?» Ҳозир унинг кўзига Жамила жуда ваҳимали, қиз қиёфасидаги сеҳрли бир жодугар бўлиб кўринди. Япасқи няғи тиришиб, юзини тескари бурди. Қизим сенга айтаман, келним сен эшит қабилида хотинига дўқ қилди:

— Нима мунча мишигингни оғизаверасан, йўғол бундан! Пичоғ келтир.

Жамила Зулайҳонинг қўлини қўйиб юбориб, сигир олдида ётган нарсага синчиклаб тикилди.

— Тирик-ку. Фақат пардаси бор экан-да.

Раҳмон Хосият келгирган дудама пичоқни олди.

— Нарироғ тур, синғил, — деди Жамилага. Эҳтиётлик билан пардани тилди. Атрофга зардоб силқиб, бужмайиб қолган парда орасидан сарғиш бузоқчанинг боши, сўнг танаси кўринди. Бузоқча узун, ингичка оёқларини ерга тираб, ўрнидан туришга уринарди. Довдираб-довдираб қаддини ростлади. Балдоқли гулмихга боғлоқли сигир арқонни судраб, бузоқча ёнига келди.

Уни ялаб, тозалаб, юмшоқ, ҳўл жунларини ҳайвоний бир меҳр билан «тарай» бошлади. Хосият суюнганича айвонга югуриб бориб, арпа унидан қилинган бир челақ аталани сигирнинг олдига келтириб қўйди. Сигир аталани ичиб бўлгач, тоғорадаги тертни пишиллаб ея-бошлади. Атрофни болаларнинг қий-чуви босиб кетди.

Жамила бузоқча атрофида уймалашиб юрган болаларга қизиқиш билан бирров тикилиб турди-да, қулоқлари устига ёпирилиб тушган сочларини тўғрилаб, дарвоза томон юрди. Узлари билан ўзлари овора бўлган Раҳмон ака ҳам, Хосият ҳам унинг чиқиб кетганини пайқашмади.

* * *

Кун оққан. Жамила айвонни оқлаб бўлиб, энди супа ёнидаги ўчоқларни теша билан бузаётганда, орқасида катта бир боғ ўт, бир қўлида сопол товоқ кўтарганча Раҳмон ака келиб қолди. Орқасидаги ўтни девор ёнига ташлаб, устига ўроқни санчиб қўйди. Товоқни Жамилага тутди:

— Ма, опанг келагай¹ бериб юборди.

— Э, нима қилардиз овора бўлиб.

— Овораси борми, ўзи келсин деди. Сутли гилвинди қияпти. Мазасини татиб келасан. Ҳа, келагайни тезроқ е. Ҳаво иссиғ, ачиб қолади.

Жамила товоқни кўтариб, ҳали сув олиб чиққан қўшниникига ўтиб кетди. Раҳмон ака ромларни қоқиштириб, деворга ўрната бошлади.

V

Дунё катта бир чиғириқ. Одамлар унга боғлаб қўйилган сон-саноқсиз челақчалар. Хўшлашса ҳам, хоҳлашмаса ҳам вақт суви бу чиғириқни айлантираверади.

¹ Келагай — янги туққан сигирнинг биринчи кун соғилган сутидан тайёрланган овқат.

Челакча бу чигириқдан узилиб, бир чеккага чиқиб ололмаганидек, инсон ҳам шу замон чигириғи билан айланмазеради. Кундузи мактаб, колхоз иши билан бўлиб, шом чўкиши ҳамона Жамила ўзини қаерга қўйишни билмасди. Кампир уйнинг бир бурчагида кўзларини мўлқайтириб ўтирар, деворлардан зах қиди келар, сукунат юрагини гижимларди. Шундай кезларда ҳамма нарсадан воз кечиб, кўзини юмганча бу ердан кетгиси келарди. Лекин, ямоқ кўйлакли қишлоқ болалари, унга умид билан боқишаётган ота-оналар кўз олдига келиб, бошлаган ишини охирига етказмоқчи бўларди. Кун оша ё ҳафтада Асрор хуржиннинг икки кўзи тўла қотган нон келтириб, кампирга ташлаб кетарди. Гоҳида у ош-ҳалоли билан келиб, кампирнинг даҳлизида тунаб қолар, ўтинини ёриб берарди. Шунда Жамила у билан бир-икки оғиз гаплашиб, кўнгли ёзиларди.

Кампирнинг босмачиларга қўшилиб кетган ўғлидан бошқа бир қизи ҳам бўлган. Оғир касалга чалинганда онаси уни муллага «ўқитиш» учун олиб борган. Қиз ярим йил мулланикида туриб, соғайиб, уйига қайтган. Лекин... бошқа бир «дард» билан келган у. Тўрт ой уйдан чиқмай ётган-да, баҳор жалалари қуйиб турган кунларда ўғил туққан. Иснодга чидаёлмай, ўша туннинг ўзида зим-гойиб бўлган. Ўзини дарёга ташлаганми, ё бош олиб кетганми — номаълум. Кампир чақалоқни ювиб, ардоқлаб, оғзига эчки сути қуйиб, вояга етказган. Бола ширин тил чиқариб, шўх шамолдек пилдираб югурадиган бўлганда кампирнинг ўғли босмачиларга қўшилиб кетди. Икки фарзанд доғида қоврилган она бутун меҳрини неварасига бериб, унга суяниб қолди. Бола молга ўч чиқди. Кўчадан пода ўтиб кетаверса, у ҳам қўлига хивич олиб, то далагача борар, бувиси:

— Қайтамиз, кўзичоғим, қайтамиз,— деса ҳам кўнмасди.

Бора-бора кампир уйда қолиб, Асрорнинг ўзи кетадиган бўлди.

— Майли, юраверсин, дастёр бўлиб қолди,— деб кампирни юпатди подачи чол ва болага куррачасини бериб қўйди.

Кампир паришонхотир бўлиб қолди. Илгари икки бўлса, энди уч кишининг йўлига кўз тутади. Кўчада куррачанинг дупури эшитилиши билан югуриб супага чиқади. Ҳозир ҳам кўчада оёқ товушини эшитиб, ташқарига чиқди. Яна тезда қайтиб кирди-да:

— Қоровул экан,— деди Жамилага. Унинг орқасидан қоровул ҳам уйга кирди-ю, ўтирмади:

— Исом чақиртиряпти. Оёгини қўлига олиб, зудлик билан келсин,— деди.

* * *

Исом актив на эскичадан, на янгичадан хабари бор. Саводсизлиги сабабли телба-тескари ишлар қилиб юбораверарди. У вақф ерларини олди. «Бойларнинг гўштини узаман, бурда-бурда қиламан» дерди икки гапнинг бирида дағдаға билан. Оғзаки «қулоқ» қилинганлар мол-ҳолларини яшира бошладилар. Юз хонадоннинг нарсасини ёдда сақлаб бўлармиди! Шунда Исом активнинг эсига муаллима тушди!

Жамила кийиниб чиқди. Улар қишлоқ советига боришганда активлар чорпояда бир-бирларига тикилиб ўтиришарди. Жамила эшикдан кириб, салом берди. Исом актив бош қимирлатиб, қўли билан уй бурчагидаги нон сандиқни кўрсатди. Сандиқ устида шаъм ёнар, ёнида давот, қоз турарди. Қиз этаklarини йиғиштириб ўтириши билан, Исом актив пешонасидан қўлини олиб:

— Бошладик,— деди.

Ўтирганлар сергакланишди.

— Абдулланинг нимаси бор?— сўради Исом. Активлардан бири жавоб берди:

— Пўта тўқийди. Тивитдан, ипдан салла қилиб сотади.

Исом бошини буриб, кўрсаткич бармогини Жамила олдидаги оқ қоғозга бигиз қилиб буюрди:

— Ёз, қулоқ экан.

Ҳайрон бўлиб турган Жамила:

— Ахир...— деяётганда Исом уни жеркиди:

— Гапни бўлма, ёз деяпман. Юқоридан кўрсатма бор.

Жамила қоғоз устига бир оз энгашганча бошни бир томонга эгиб, рўйхатни бошлади.

— Маъруфжонни-чи?— сўради Исом актив.

— Халифа ишлатган.

— Ёз уни ҳам. Қарим алломнинг қанча ери бор?

— Икки таноб. Сигири ҳам бор.

— Қулоқ бўла оладими?

— Ҳа, катта қулоқ у.

— Ёз.

«Уларга бу ҳуқуқни ким берган. Рўзғорини зўрға тебратиб юрган чоракор деҳқон орасидан қидиришадими қулоқни?»— Охири чидай олмай Жамила бошни кўтарди:

— Бу нотўғри, бу англашилмовчилик.

Шу пайтгача ўйга толиб ўтирган Хуршид ҳам луқма ташлади.

— Ахир, булар йил ўн икки ой қўли меҳнатдан бўшамаган деҳқонлар-ку!

Жамила Хуршидни шу ерда биринчи марта кўрди.

Иигитнинг ўйчан кўзлари, кенг пешонасига меҳр билан тикилди. Содда, вазмин гаплари ёқди. Ўзига ҳамфикр топилганидан хурсанд бўлди.

Комиссия аъзолари, сиз нима дейсиз, дегандек тўр-

да тишини ковлаб ўтирган бақакўзга қарашди. Рўйхатни қўлига олиб, тишини ковлаганча ундаги исми-шарифларга кўз югуртириб чиқди. Қоғозни столга қўйиб, пойгакда ўтирган Раҳмон акага қаради:

— Сиз нега йўқ бу ерда?

Раҳмон ака нима деярини билмай, донг қотиб қолди.

Хуршиднинг юраги музлади.

Жамиланинг ручка тутган бармоқлари жонсизланиб, рўйхат устида тўхтаб қолди.

— Аслида сизни тиркаш керак биринчи бўлиб,— деди Раҳмон акадан ҳамон кўзини узмай.— Лекин, камбағалларга қайишганингизни ҳисобга олиб, сурғундан озод қиламиз.

Раҳмон ака енгил тин олди. Томирлари бўшашди. Бақакўз кители устидан қорнини силади:— Уруғликни ўғирлатгансиз. Йигирма тўрт пуд дон, уч минг пул тўлайсиз!

— Қа-қагдан оламан?!— Раҳмон ака ўрнидан турди. Кўзлари катта очилди.— Қимдан?

Бақакўз унинг гапига қулоқ ҳам солмади:

— Гўлликка солманг ўзингизни. Сигирингиз, қўй-эчки, уй анжомлари... Муҳлат бир ҳафта.

Раҳмон аканинг боши айланиб, дунё кўзига тор кўриниб кетди. Икки чеккасини кафтлари билан сиқиб, кўзларини юмди. Қани ҳозир унда Рустами-достон ёки Абомуслимнинг кучи бўлса-ю, бу бақакўзни кафти орасига олиб, чивиндек эзиб ташласа.

— Шу қарор қатъийми?— сўради Хуршид.— Тўғри, у айбдор, лекин ҳали аниқлангани йўқ-ку ким ўғри, ким тўғрилиги?

Бақакўз унга қараб, илжайди.

— Ҳукуматнинг йўл-йўриғи шу, укам. Биз унинг чизган чизигидан чиқолмаймиз.

— Агар «чизган чизиги» шу бўлса, мен норозиман.

Бақакўз гижинди: «Бу оёқяланглар ҳаддан ошяпти. Ҳуқуқни билиб олганини қаранг-а».

— Таъбингиз. Жинойтчини ҳимоя қилганларга ҳам жазо топилади.

— Ахир бечораларни бўйра устида қолдириб бўлмайдик-ку,— эътироз билдирди Жамила.— Газетада, фақат бойлар қулоқ қилинсин, дейилган-ку. Раҳмон акадайларга қайтага ёрдам бериш...

— Жим бўлинг, ўтиринг!— бақакўз столни чертиб, уни жеркиб ташлади.— Бизлар ҳукуматнинг сиёсатини ўтказишда ниҳоятда қаттиққўл бўлишимиз керак.

— Ўртаҳол деҳқон. Ҳалол. Бировни ишлатмаган.

— Қизим, бу ернинг шароитини ҳар ҳолда сиздан яхшироқ биламиз.

Раҳмон акага раҳми келган Хуршид рўйхатга имзо чекишдан бош тортди:

— Сизлар нима десаларинг денглар-у, мен буни поҳақлик ҳисоблайман. Адолат керак.

Бақакўзнинг газаби кўзиб, қовоқлари пирпираб учди:

— Адолатни сендан сўрамаймиз, қулоқбачча.

— Нима?! Қим қулоқбачча!— Хуршид қизариб-бўртиб, ўрнидан турди.— Яна бир қайтар,— у муштини тугиб, бақакўз томон бир-икки одим қўйди. Исом актив унинг йўлини тўсди:

— Қўй, укам, жанжални. Беғалвароқ турайлик. Бас, ўзингни бос.

Газаби қайнаган Хуршид қўлини силтаб:

— Жавоб берасан бу гапларингга ҳали,— деди-да, эшикни тарақлатиб ёпиб, чиқиб кетди.

Бақакўз илжайиб, кулмоқчи бўлди:

— Жўжахўрознинг лўписасини қаранг-а. Ҳи-ҳи-ҳи. Лекин, унинг кулгиси тори узилган дуторнинг тову».

шидек ҳазин эшитилди. Ёнидагилар ҳам буни сезишди. Ҳамма жим бўлиб қолди. Коса остидаги нимкоса очи-лишидан қўрққан бақакўзнинг қовоғи учди, бароқ қош-лари бир оз кўтарилди. Ранги оқарди. «Район ташки-лотларига шикоят қилиб, дод солиб боришса-я! Бошқа-сининг ақли етмаса ҳам бу муаллима тинч турмайди. Ҳали газетадаги гапларни юзимга солди-ку! Бу оёқ-ялангларнинг ҳар бири советнинг кўзқулоғи бўлиб бор-япти. Улардан қутулиш...— у янги ҳийлалар режасини тузаётган эди. «Бирор гап бўлса, ҳамма айбни анави ҳовлиқма Исомнинг бўйнига ағдараман. Хуршид район-га бориб, воқеаларни айтиши мумкин. Бир оз қизикқон бўлса-да, саводи бор, гайрагли, деб уни ранс бўлсин, дейман. Шу билан бу душмандан қутуламан. Ёмон кўрса рансликка тавсия этармиди дейишадди. Сўнг ишга кўмилиб кетади. Шундан кейин ҳам оғзини очадиган бўлса, акасининг кимлигини яшириб юрганнини пеш қи-либ, оғзига ураман...»

* * *

Жамила гамгин ўйлар оғушида уйга қайтди: «Бу нима, тушунмовчиликми? Ё янги ҳаётнинг қонун-қон-даси, оқими ўзи шундаймикан? Аччиқ алафларга қўши-либ, соф, беғубор майсалар ҳам топталаверадики? Эҳ-тимол, умуминсоннинг бахти учун озчиликнинг бахт-сизлиги, қурбон бўлиши адолатдан бўлмасада, зарур-дир. Билмадим, билмадим... Бировнинг тақдирини ик-кинчи бировлар ҳал этишяпти. Бу адолатсиз ҳаракат-ни кўра-била туриб, бирор чора кўролмайман? «Син-фий душманга шафқатсиз, қаттиққўл бўлиш керак? Раҳмон аканинг нимаси душман, Зулайҳоннинг гуноҳи нима, Хосият кимнинг арпасини хом ўрибди?»

У ҳозир ёнида гурунглашиб, кўнглини ёзадиган бир киши бўлишини истарди. Кутилмаганда хаёлига Хур-шид келди. «Хуршид», яхши исм, ўзига жуда мос.

Деҳқонларнинг кўнгли алағда, кўзлари бежо: «Бу қандай аросат? Колхозга кирсанг ғалла, мол-ҳолингдан айрилсанг, кирмасанг — бор-йўғингни зўрлаб шилиб кетишса». Қишлоқ хароб. Хонадонлар ҳувиллайди. Шу аснода, Исом активни бўшатишибди, деган гап тарқалди. Чиндан ҳам у кўча-кўйда кўринмай қолди.

Хуршидни эса, районга чақиртиришди. У идорадан чиқиб, узангига оёқ қўйгани ҳамоно Бозор ҳам уйига йўл олди. Минг қилса ҳам жигари-да! Чидаёлмади: «Қишилар мол аччигида уни ғажиб ташлашади. Нима бўлса ҳам бу йўлдан қайтариш керак уни?»

Бедазорда тушовлаб қўйилган саманни кундузи одамлар кўзи олдида миниб чиқишни лозим кўрмади. Бедапояда кирт-кирт ўт чайнаб турган қора ҳангини тўқимлади. Устига қизил гиламдан тўқилган тарақи хуржунни ташлаб, йўлга тушди. Бир ярим соатларда ғала-ғавурли Қаршига етиб борди. Хиёбон¹ дарвозасидан кириб, катта сарой ёнида эшакдан тушди. Деҳқончилик қилиб юрган кезларида ҳам шаҳарга сабзавот, қишда туршак, майиз келтириб, отни шу саройга боғларди.

Бозор эшакни тушовлаб, сарой тўридаги қовжирай бошлаган тутнинг қуйи шохига боғлаб қўйди. Хуршид миниб келган от ҳам шу ерда эканлигини кўриб, кўнгли бир оз тинчиди. Сўнг саройдан чиқиб, расталарни айланди. Энг аввал Бузрукровот маҳалла нонпазларига дуч келди. Улардан иккита юпқа нон олиб белбоғига тугди, сўнг балиқ пишираётган томонга юрди. Унинг, балиққа кўнгли кетди. «Луқмаи ҳалол»дан лаззатлироқ таом борми!

¹ Хиёбон — Қарши қалъасининг тўртта дарвозаси бўлган. Хиёбон, янги дарвоза, Дарвозатутай, Куйиқдарвоза.

Катта қозон тубидағи ёғда балиқлар жаз-жаз қовриллар, ўчоқ бошида чўнқайиб ўтирган балиқпаз уни капгир билан олиб, ён томонидағи саватга ташларди. Балиқпаз ёрдамчиси уни сопол косаларга солиб, хўрандаларга тарқатарди. Бозор лабини ялаб, бурнининг устини бармоғи билан силади. Белбоғидағи нонни ечиб, ўтириш учун жой қидираётганда, бир чеккада чўккалаб ўтириб балиқ еяётган Хуршидни кўрди. У эрталаб нонушта қилмагани учун қорни очиб, ижрокомдан чиқибок бу ерга келган эди.

— Ие, шу ердამисан?

— Келинг.— Хуршид паришон бир ҳолда ўрнидан турди.

— Ишинг нима бўлди?— сўради Бозор белбоғини девор остига ёзиб қўяркан.

Хуршид, ҳал бўлди, дегандек бош ирғади.

Бозор балиқпазга қараб:

— Бизларга яна бир қадоқ ташланг,— деди.

Индамай балиқ едилар. Хуршид қўлни олдинроқ артиб, хаёл суриб ўтирди. «Тушуниб бўлмайди бу Азимхонга. Баҳор ҳавосидай тоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд. Тўп-пончани ҳам ўз қўли билан берди. Кўчагача кузатиб чиқди. Раҳбар одам Азимхондай керак жойда қаттиқ-қўл, бир сўзли, керак жойда меҳрибон бўлиши керак экан-да...»

Бозор балиқни еб бўлиб, лабларини, қўлини белбоғига артди. Мешкобдан бир коса сув олиб, симирди. Этагини қоқиб:

— Чакки қилибсан, ука,— деди.— Бошинг ғовгадан чиқмайди энди. Оч қорним—тинч қулогим, деб юрганнинг маъқулроқ эди. Бирор ҳийла-макр борми, деб юрагим безовталаняпти.

Хуршид индамади. У ўз хаёллари, режалари билан банд эди.

Бозор укасига қараб, «Энди уйга борсанг ҳам бўларди, ўтган ишга салавот» деди.

— Менинг айтганимга кўнсангиз бораман.

— Нимаёкан сани айтганинг?

— Ғаллани элтиб топширасиз?

— Қандай?!

Бу савол жавобсиз қолди. Чунки, Хуршиднинг ўзи ҳам билмасди унинг жавобини. У икки ўт орасида қолган эди. Бу ишни ошкор қилиб, бегонани аралаштирса, арқон чўзилиб, райондагиларнинг қулоғига бориб етади. Биров тўғри тушунса, биров нотўғри... Лекин, акаси ўз ишидан ўзи афсусланиб юрганини, иложини топса бермоқчи эканлигини сезди.

Укасининг икки бармоғи йўқ чап қўлига кўзи тушиб, Бозорнинг юраги зирқираб кетди.

* * *

Кечқурун эркаклар совет идораси олдидаги майдончада йиғилишди. Кишилар нажот кўзи билан тикилиб ўтиришганини сезган Хуршид бирдан ўзини ўсиб қолгандай сезди. Бўйнига оғир ташвишларни кўтариб келганини ҳис этди. Хаёлига акасининг «оч қорним—тинч қулоғим» деган сўзлари келди.

— Бугун ижрокомда бўлдим,— дея ўрнидан туриб гап бошлади,— Қишлоқ совети президиумининг аҳolini уч йил солиқлардан озод қилиш хусусидаги қарори қабул топилди.

Атрофдан мамнун йўталишлар эшитилди. Кимдир сўради:

— Кўчиб кетганлар нима бўлади?

— Яна текшириш ўтказилади. Мол-мулки ноҳақ рўйхатга олинганларнинг ҳаммаси қайта кўрилади. Менимча, қишлоғимизда адолатсизлик бўлган.

— Тўғри, тўғри!

— Масалан, Оловхон,— Хуршид мулланинг номини тилга олиши билан ҳамма бирдан тинди.— Бир сурув қўй-эчкисини бир туннинг ўзида зим ғойиб қилибди. Ҳайрият, жувозхона билан ўн саккиз таноб ерни олди-га солиб «ҳайдаб» кетолмабди. Агар ҳаракат қилмасак бундан ҳам айрилиб қоламиз ҳали.

— Олинсин ер-мулки.

— Ўзи йўқ-ку?— деган товушлар эшитилди.

Аммо, кўпчилик индамай ўтирарди. Улар «оқ суяк»-нинг мулкига тил текизишга ҳайиқаётган эдилар.

Орқароқда ўтириб, бу гапларни қулоғига қуйиб олган Муқим тоға йиғин тарқалиши билан мачит ёнидаги ҳовлига шошилди. Оловхон наमत устидаги кўрпачада ўтириб, сирланган сопол товоқдан палов еяётган экан. Бўсағада Муқим тоғани кўриб, қаддини ростлади, ташнов¹ томонга бурилиб:

— Келинг,— деди. Чап қўли билан ёнидаги сочиқни олиб эзмалади.

Муқим тоға пойгакда чўккалаб ўтирди. Эғни-бошидан ёғ ҳиди келарди.

— Ош бўлсин, бемалол. Мен ҳозир тамадди қилувдим.

— Бўлмаса чойни қайтаринг.— Оловхон устига сочиқ ёпиб қўйилган чойнакни кўрсатди. Муқим тоға чўзилиб, дастурхонда турган чойнакни олди. Оловхон овқат еб бўлгунча чойни икки қайтариб, бир пиёлага «тангаботар» қуйиб ичди. Девордаги ов милтиққа, янги ғарови чопонга, ерга тўшалган чўғдек гиламга тикилди. «Буларнинг ҳар бири қанча пул туради? Катта қизил гулли иккита араби гилам қани? Ўрнига шол тўшаб қўйибди. Хуршид, Оловхон молларини яширяпти, дегани рост экан-да».

¹ Т а ш н о в — тошнов, ханик.

Оловхон товоқни чеккага суриб, дастурхоннинг икки учини қайтариб қўйди. Муқим тога йиғинда эшитган гапларни оқизмай-томизмай айтди.

Оловхоннинг оқиш манглайи буришиб, чиройли қора қошлари бир-бирига тортилди. Баданидаги барча томирлар ларзага келди. Кўзларининг тубида банг чеккан кишиникидек олов ловиллади:

— Шундай денг. Майли, олсин удда қилиб ишла-толса.

Ичини интиқом ўти ёндирди. «Менинг совунимга кир ювмабди ҳали у. Бобо-бобокалонимдан қолган еримга тегизган тилини кесиб, ола қонига ботирайки, туғилганига минг пушаймон қилсин!..»

Ранги-қути учиб, илдизи сувдан узилган дарахтдай титради:

— Бу зўрлик, ҳаддан ошиш. Ҳукуматнинг қонуни халққа қарши бўлмаслиги даркор. Акс ҳолда... Астаф-фирулло, астаф-фирулло. Сиз бораверинг.

Ичида эса: «Сен ҳам ўшаларнинг бири. Ҳозир ялоқда бир қошиқ ювинди бор учун ёнимда думингни ликиллатиб юрибсан, бўлмаса ўшаларга қўшилиб, сен ҳам вовиллардинг!» деб қўйди.

Унинг афт-ангорига қараб, Муқим тога сесканиб кетди.

VII

Эргалаб. Ҳаво анча салқин. Тунда тушган шабнам кўча тупроқларини бир оз намлаб, совитган. Жамила мактабга келганда уч-тўрт бола кўчанинг офтобрўя томонида тизилишиб, орқалари билан деворга суюнганча оёқларини иситиб ўтиришарди. Бир тўда болалар девор остидан пиёладек чуқурча қазиб, тўрт-беш қадам наридан бориб, чуқурчага ҳовучлаб данак отардилар.

Уларнинг ўйинини кузатиб турган паканагина, бошига киржати проқи дўппи кийган бола муаллимани кўриб, қизил олача кўйлагининг енги билан бурнини суртди.

— Салом, муаллим,— деди шошиб.

Унинг товушига бошқа болалар ҳам бошларини кўтариб, Жамилани кўришди:

— Салом! Салом!

Ориқ, бўйчан бола дадил юриб келиб, ҳатто қўлини ҳам чўзди муаллимага.

— Ҳа, Асрорбой, молларни қаерда қолдирдинг?

— Подачи бобом ўқиб кел, ўзим боқиб тураман, деди.

Шу пайт кўчанинг муюлишидан Зулайҳо ҳам чоғиб чиқди. Соқлари қатиқ билан ювилиб, чилвир қилиб ўрилган, ялтираб турибди. Янги сурп кўйлак кийган. Югуриб келиб, Жамиланинг пинжигга тикилди. У қизнинг пешанасини силади:

— Бузоқчанг катта бўляпгими?

— Ҳа.

— Қўнғироқ чалингунча мен келаман, сизлар шу ерда туринглар,— деб Санобарникига кетди. Қўштабақали дарвозани очиб, ичкарига кирди. Айвонда хола эрининг кўйлагини ямаб ўтирибди:

— Нега кўйлагингиз мудом шонасидан йиртилди-я? Ямайвериб, бир кўйлаклик бўз кетди ўзига ҳам.

— Ҳе, хотин, деҳқон кўйлагини бадандан чиққан шўр тер йиртади. Бу меҳнат аъзойи-баданни парчалаб юбормаганига ҳам шукур қил,— деди супа лабида ўтириб хаскандир ўраётган Ғулом тоға.

— Ассалому алайкум.

Улар олдиларида тўсатдан пайдо бўлган қизга ҳайрон тикилишди. Кампир ҳушини йиғиштириб олиб, игна-ямоғини ёнига қўйди:

— Келинг, болам. Ваалайкум ассалом.

Чол томоқ қириб йўталди-да, ён томонга бурилиброқ ўтирди. «Ҳозир раис келувди. Энди муаллимаси. Тинч қўядими булар — йўқми?». Кампир устига пахтали чойнакпўш ёпиб қўйилган хум чойнакдан пиёлага озгина қуйиб, қизга узатди. Эрининг олдидаги пиёлани тўлдириб қўйди. Қиз олиб, икки ҳўплаб ичди. Пиёланинг лабини кафтига суртиб, холага узатди.

— Қизингиз мактабга бориши керак. Ёши ўтиб қолди.

— Қизим, бизларни тинч қўй. Ота-боболаримиздан бирорта мулла чиқмаган. У ҳам ўз насибасини ўзи те-риб ер...

— Сизларга ишим йўқ. Қизингиз ўқисин дейман, ўзига яхши.

Ғулом ака бармоқлари қалтираб, ёнидаги пиёлани қўлига олди. Бароқ қошлари учиб, чойни ҳўплаётганда, хола истиҳола билан гап бошлади:

— Уни қандай юборамиз? Потихали-ку...

— Бас!— Ғулом ака жаҳл билан қўлидаги пиёлани хотинига отиб юборди.— Кўп мағрайверма!

Иссиқ чой хотинига эмас, унинг ёнида ўтирган Жамиланинг бўйнига сочилди. Қиз қўллари билан бўйнини ушлаб, жим бўлиб қолди. Кампир:

— Иби мен ўлай, нима қилдиз дадаси,— деб бошидан дока пешанабоғини олиб, Жамиланинг бўйнини артди. Учоқ бошига оёқяланг югуриб бориб, деворга осиглиқ турган ошқовоқ-ғаладондан бир ҳовуч туз келтириб, муаллиманинг чой тегиб қизарган бўйнига босди:

— Болажоним-эй, бу чолга ўзи бир бало бўлган. Жаҳли қурсин, отасини ҳам танимайди газаби қайнаганда...

Чол индамай ўрнидан туриб, боғ томонга ўтди.

Эшакка кашшани ортиб, гўнг ташигани молхонага кетди.

— Мен борай энди. Дарс бошланади,— деб ўрнидан турди Жамила. Кампир эрининг «айбини ювиш» учун бўлса керак, анча юмшади:

— Майли, Санобар синглингни ҳам олиб кет. Ичкари уйдади, чақириб қўяй. Уқисин. Лекин, эҳтиёт бўл ундан.

Кампир қизини чақирди. Санобар ясаниб чиқди. Қўлида духоба паранжи-чачвон бор эди.

Санобар оппоқ юзли, бодом қовоқ, қирра бурун, қо-ра қош-кўзли, дуркингина эди.

Жамила ундан ёшини сўради. Қиз онасига қаради. У қизи учун жавоб берди:

— Узум пишигида туғилган эди. Ҳа, ёдимда, ҳусайни, маскалар шарбатга тўлганди.

— Қайси йил?

— Йилими? Ҳа, эсим қурсин. Уша йил ҳам баҳор қурғоқ келган...

— Майли,— Жамила дарсга шошиб тургани учун кампирнинг «мучал ҳисобига» қулоқ солмай чиқиб кетди.

Кампир уларни дарвозагача кузатиб қўйди.

Мактабхона дарвозаси олдидаги супачада Раҳмон ака ўтирган экан. Жамила:

— Раҳмон ака, қўнғироқни чалинг, дарсни бошлай-миз,— деб шошганича бўйнини қўли билан бекитиб, ҳовлига кириб кетди.

Кичик қўнғироқнинг беғубор жаранги қишлоқ устида енгил қанот ёзди. Супада уч-тўртта бўш қоплар ётибди. Девор ёнидаги қозиқларга қўй-эчкилар боғланган. Жамила зинадан супага чиққанида ичкари хонадан болаларнинг чувиллашгани эшитилди:

— Аяй-яй, Улуғбек, Улуғбек — Товуғбек, ай-яй-яй Товуғбек.

У даҳлизга кириб, катта уй эшигини очганда шовқин-сурон бирдан тинди. Болалар кундачаларга, тахта-лар устига, айримлари уйларидан олиб келган намагчалар, пўстак устига бориб ўтиришди. Бўйинларига осилган латта жилдларда на китоб, на дафтар бор. Айримлари бир бурда қотирма, баъзилари туршак, анжир қоқи солиб келишган. Болалар Товуқбек деб аташган биққигина, катта бошига жиякли қалпоқ, эгнига узун олача кўйлак, оёғига дадасининг чоригини кийиб келган шалпангқулоқ бола уйнинг кираверишидаги чап бурчагида пиқ-пиқ йиғлаб, катта қора кўзларини энги билан уқалаб турарди.

— Қани, ўтиринглар, сен ҳам,— деди Жамила Улуғбекка.

Бола деворга суйкалиб, намагчага ўтирди.

Жамила синфга кўз югуртириб чиқиб, сўради:

— Нега уялтирасизлар Улуғбекни?

Асрор сапчиб ўрнидан турди:

— Мен айтай. Кеча тонгда пода ҳайдаб кетаётувдим, Улуғбекларнинг сигири чиқмади. Ҳовлига кириб, офилхонадан ипини ечиб ҳайдаб чиқаётувдим, супадан хўриллаган овоз эшитилди. Қарасам, Улуғбек! Товуқнинг қўноғидек баланд сим алвончда пишиллаб ётибди.

Жамила болаларга сездирмай мийиғида кулди: «Ҳа, ҳали каравотда ётмаган кишилардан куладиган замонлар ҳам келади!».

— Каравот яхши нарса,— деди болаларга.— Узимизнинг чорпоярлар бор-ку. Катта бўлганларингда ҳам маларинг ҳам ўшандақа каравотларда ётасизлар.

Болалар курсида қовушмай, жимиб ўтиришди. Ёғлик қоғоз ёпиштирилган деразалардан тушиб турган нур болаларнинг юзини сарғиш қилиб кўрсатарди.

— Қани, қайсиларингиз ўқишни биласизлар?

Ҳеч ким жавоб бермади.

— Ҳарфларничи?

— Мен!— Асрор ўрнидан турди.

— Ким ўргатувди?

Бола ўнғайсизланиб:

— Қизил аскар,— деди.

Асрор ўтган йил қишлоққа қизил аскар кийинмидаги янги ўқитувчи келганини, икки ҳафта ишлар-ишламас Бешкент туманидаги қайси бир қишлоққа ширкат раиси бўлиб кетганини айтди. Пешанасини қашиб-қашиб кўп ўйланди, лекин унинг исмини эслай олмади.

— Во!— Асрор охири қўлини кўтариб, бош бармогини кўрсатди,— муаллим эди. Оқларнинг қочгани, қизилларнинг қувганини ҳам айтиб берувди. Ўзи ҳам командир бўлган экан.

— Ёзишни ҳам биласанми?

— Биладан!— деди жавоб берди бола. У енг шимариб, доска олдида борди. Бўр билан доскани қитирлатиб ёза бошлади: нон, нон, нон, нон...

Ҳар бир «нон»дан кейин тақиллатиб нуқта қўярди. Агар индамаса тўхтовсиз ёзаверадиганга ўхшарди:

— Бўлди, бўлди. Нега бунча кўп ёздинг?— сўради Жамила.

— Нон-да,— деди бола гўё кўп ёзса, нон ҳам кўп бўладигандек.

Унга тикилиб турган болалар ҳам ютинишиб, айримлари қўллари билан жилдларидаги қотирмаларни ушлаб қўйишди.

— Яна нимани биласан?

— У эски хатни ҳам билади,— деди болалардан бири.

— Йўқ, билмайман,— деди Асрор панжалари торс-торс ёрилиб кетган қўлини қаёққа яширишни билмай.

— Уқиган!— деди ҳалғи бола.— Домла, ифлос келибсан, деб беҳи навдаси билан урган, иннайкейин қочиб кетган...

Асрор юғуриб бориб жойига ўтирди. Бошини тиззалари орасига яширди. Елкалари силқинди.

Қизил аскар бу ерда жуда қисқа вақт бўлган бўлсада, болаларнинг қалбига яхши уруғ сочиб кетганидан Жамила хурсанд бўлди. Муаллимликдан хабари йўқ, лекин қалбида меҳри бор ҳар бир инсон ўқитувчи бўла олади. Муаллимлик касб эмас, истеъдод.

— Яна ким ўқиган?— сўради Жамила.

— Мен,— деди қўлини кўтариб Улуғбек.

— Нималарни биласан?

— Ҳеч нарсани.

Болалар кулишди.

— Ким ўқитган?

— Оловхон мулла. У бизларни ҳовлисига чақириб, супа супуртирарди. Молларига ўт ўрдиарди, ўзи сандалда ўтириб, китоб ўқирди. Ҳар ҳафта унга дастурхон тузатиб олиб борардик.

— Майли, ўтир.

— Асрорвой энди ҳаммаларингга командир бўлади. Жанжал, тўполон қилгани қўймайсан, билдингми, командир?

Болаларнинг кўзлари қувончдан ялтираб кетди. Асрор ҳаяжондан энтикиб, бошини эгди:

— Майли.

— Менда савол бор,— қўлини кўтарди Улуғбек.

— Ҳа, нима экан?

— Ўзбекча ўқиймизми, кофирчами?

— Ўзбекча, ким айтди, кофирча деб?

— Мулла айтувди, янги муаллим русча ўқитади, чўчқа гўшти едириб, болаларни тузга сийдиртиради, девди.

Жамила бу гапларни ким тарқатганини билиб олди: «Болаларнинг кўнглини зада қилиб, мактабдан бездириб қўйибди, ифлос».

— Муаллим, урмайсиз ҳамми?

— Нега урарканман?— Жамиланинг юзи табассумдан нурланиб кетди.— Ҳаммаларнинг яхши болалар-ку.

Дарс охирида Жамила болаларга:

— Ҳозир ота-оналарнинг колхозга киришяпти,— деди.— Моли, ер-сувидан айрилиб қолаётган бойлар колхозга кирганларга душманлик қилиши турган гап. Сизлар ҳам эҳтиёт бўлинглар. Бирор нарсани сезсанглар, Хуршид акаларингга хабар беринглар. Мана, уруғликни ўғирлаб кетишди. Ҳеч ким билмай қолди.

Асрорнинг кўзига бу гапдан кейин қишлоқдаги ҳар бир эркак шубҳали бўлиб кўрина бошлади. У пода баҳонаси билан ҳар бир хонадонга кирар, кишиларнинг егани-ичгани, кийимидан хабардор эди.

Жамила болаларни уйларига жўнатиш олдидан тирноқларини олдириб, қўлларини совун билан ювдириб, сочларини таратди. Мактаб ҳовлиси, дарвоза олдилари супурилган.

Мактаб олдидан ўтган эркаклар уйларига бориб хотинларига танбеҳ бера бошлашди:

— Қанақа хотинсан, ахлатдан бошинг кўринмайди. Қара, муаллимани, ўтгиз-қирқ болани ўқитади, яна мактабхона ёнлари сут тўкилса ялагудай тоза.

Шундан кейин хотинлар ўз дарвозалари олдини супурадиган бўлишди. Ҳовузи борлари сув ҳам сепиб қўйишади. Бу, айниқса қишлоқ кексаларига ёқди:

— Барака топсин, жуда тозакаш экан.

Кишиларга бир руҳ кириб, қишлоқ мудроқдан бошини кўтараётгандай бўлди.

* * *

Жамила мактабга эртaroқ келиб, ўқувчиларнинг дафтарларини текшириб ўтирган эди. Дарвоза очилиб, ҳовлига биров кирди. Жамила, Раҳмон акадир деб бошини кўтармади.

— Ассалом алайкум. Халақит бермадимми?

— Ие, келинг Хуршид ака,— Жамила ўрнидан турди.— Омонмисиз?

— Бир нави,— деди синфдаги парталарни кўздан кечириб Хуршид.— Маслаҳатга келувдим.

— Қанақа маслаҳат экан?

— Бошим қотиб қолди. Қаёққа югуришимни билмайман.

— Албатта, бошингиз қотади-да. Правленига ишнинг кўзини биладиганларни тўпланг. Соҳа-соҳаларни бўлиб беринг. Ҳар ким бир иш учун жавоб берсин. Бир ўзингиз қайси бир ишга югурасиз.

— Гулом тоғани зўрға кўндирдим. Уруғлик масаласи билан шуғулланади. Энди молларга одам топиш керак. Бир ёрдам берсангиз энди.

— Қанақа ёрдам?

— Раҳмон ака молни яхши кўради. У кишини энди мактабдан олиб, фермага қўямиз. Хафа бўлмайсизми?

— Нима ҳам дердим. Зарур бўлгандан кейин. Энди менинг ҳам бир маслаҳатим бор эди.

— Қани, бугун маслаҳат бериб, маслаҳат эшитадиган кун экан-да,— кулди Хуршид.

— У куни қишлоқ аҳолиснинг ёмғир йўлига қурбонлик қилганидан хабарингиз бордир?

— Ҳа, эшитувдим.

— Ушандан кейин мен дарёни, қишлоғимизга сув келадиган ариқни Асрор билан бориб кўрдим. Ариқни кенгайтириб, қазиса ёки юқорироқдан бошқа ариқ олса бўлмасмикин?

— Эски ариқни қанча қазиса ҳам дарёда сув ка-
майганда ариққа чиқмайди. Юқориқдан олган маъ-
қул. Лекин, ким қазийди уни, ким боради?!

— Ҳашар қилса бўлмасмикан?

— Одамлар сув чиқишига ишонишмайди.

— Фулом тоға билан гаплашиш керак. Кўпни кўр-
ган, тажрибали деҳқон. У киши маъқул топиб, халққа
бирор нарса деса, ҳамма уялганидан ҳам чиқади.

Хуршид Жамилага тикилди: «Аллақачон қишлоқ
одамларини икир-чикиригача ўргана бошлабди».

— Майли, айтиб кўраман.

* * *

Жамила соатига қаради: саккиз ярим. Раҳмон ака
келмади. «Бирор иши чиқиб қолган, ёки «соати» алда-
ган. Ўзи қўнғироқ чалиб, дарсга кириб кетди.

Раҳмон қўнғироқ чалиш учун ҳар кун муаллимадан
соатни сўрашга истиҳола қилди. Жамиладан соатни
бир кунга сўраб, девор ва ҳовли саҳнига, дарахт тана-
си ва дарвозаларга қуёшнинг нури қачон тушишини
белгилаб, «кўз соат» ясади. Жамила кулиб:

— Кун ҳар кун қисқариб ё узайиб туради-ку,—
деганида, Раҳмон ака:

— Ҳечқисн йўқ. Узайса бир-икки дақиқа узаяр,
осмон узилиб ерга тушмайди-ку, деган эди.

У эрталаб Хосият тайёрлаб қўйган бир коса иссиқ
ширчойга суви қочган нонни тўғраб еди. Ошхона тепа-
сидаги мўрига қаради. Қуёш нури унинг белига тушиб-
ди. Айни йўлга чиқадиган пайт. Бориб қўнғироқ чали-
ши керак.

Фотиҳа ўқиб, дастурхоннинг бир четини қайтариб
қўйди. Ўрнидан туриб, бошига дўппи устидан қийиқча-
ни тангиб боғлади. «Қўнғироқ чаламан-да, сўнг то бо-
лалар дарсдан озод бўлгунча ариқ бўйларидан сиргирга
ўт ўраман», деган ниятда айвон деворидаги чўп миҳга

илиб қўйилган ўроқни, арқонни олди. Гурс-гурс юриб супадан тушди. Дарвоза бўсағасида тўрт кишига дуч келди. Улардан фақат бирини, ҳу мактабни ремонт қилаётган кунларда «райподан келдим. Уртоқ Батолов юборди», деб Раҳмон қўни-қўшнилардан қарз-ҳавола қилиб тўплаб қўйган тўрт юз сўмни олиб, бармоғини бостириб кетган йигитчани таниди. Юраги нохуш нарсани сезиб, сесканди. Тили дудуқланиб қолди:

— Қани, кел-линг-лар.

Салом йўқ, пўшт-пўшт йўқ, тўрт киши унинг олдидан шиддат билан ичкарига киришди. Улар супа устидаги шолчага бориб ўтирдилар. Мўйлов қўйган, европача костюм устидан ятак кийган жиккаккина йигитча бир оёғини супанинг лабига тираб, елкасига осилган жузгири — чарм папкасини тиззасига қўйиб, очди. Қоғоз, қалам олиб, супа пастида қўлини қовуштириб ўтирган Раҳмон акага юзланди:

— Қани, муддатингиз битди. Тўланг энди қарзларни!

— Қ-қанаға қ-қарз? Қанаға-м-мудат?— Раҳмон аканинг ҳуши бошидан учиб, ихтиёрсиз равишда супада ўтирган кишилар томон икки қадам қўйди.

— Қанақа қарз бўларди,— деди йигитча оҳиста.— Тўрт юз сўм-да! Мана — у, супада ўтирганларнинг олдидан актни намойишкорона баланд кўтарди. Сўнг Раҳмон аканинг бурнига яқин тутди.— Мана, бир ойдан кейин ҳамма қарзларимни учма-уч қиламан, деб ўзингиз бармоқ босгансиз.

— Б-бармоқ?!— Раҳмон аканинг ранги ўчиб кетди.— Об-бола, ёш жонинг б-бор. Узинг ҳамма қ-қарздан қутулдиз, фақат ғалла қолди деб, бармоғ бостирувдингиз-ку! Ешғина жонинг бор-а ё... ёлғон г-гапирма!

— Елғон?— Супада ўтирган милиционер қўлини бигиз қилиб, Раҳмон акага дағдаға қила бошлади.—

Нима, ҳукуматнинг одамига ишонмайсанми! Нима ҳақинг бор уларни ёлғончи дейишга? Ё тегишли жойга ёқангдан судраб борайми?

Мўйловдор йигитча ҳақоратланган кишидек шерикларига, мени шу итга талатиб қўясизларми, ҳимоя қилинглар, дегандек кўз қирини ташлаб турди-да, сўнг яна ҳужумга ўтди:

— Айтмовдимми бу одам тухматчи деб. Қаерга борсам шу аҳвол, ҳукуматга ҳалол хизмат қиламан деб ҳам ўлиб бўлдим. Нима қилдик энди?

— Сигирини, уйдаги нарсаларини мусодара қиламиз,— деди милиционер ўрнидан туриб.— Прокурор рухсат берган.

Сигирни эшитиб, ичкаридан Хосият югуриб чиқди. Оғзи-бурнини рўмолининг учи билан бекитиб:

— Худодан қўрқинглар, тўлаганмиз-ку, мана шу киши олиб кетувди,— деди даҳлиз бўсағасида тик турганча қалт-қалт титраб.

Раҳмон хотинига ер остидан бўзрайиб қаради:

— Б-бор, уй-йға кир. С-сен аралашма!

Сўнг солиқчига ўгирилди:

— У-ука, ҳақ-ҳаётингизда бир бор ҳақ-қ гапиринг. У-ўизни қ-қўлин-изга берганман-ку, тўрт юз сўмни. Нега иқ-қроп бўлмайсиз!

Йигитча Раҳмон аканинг кўзига беҳаёларча тик қаради:

— Қани ҳужжатингиз? Гувоҳингиз борми?

Раҳмон ака бу иблисининг макрига энди тушунди. Вужудини совуқ тер босиб, миясига қон югурди.

— Вой-й, жувонмарг ўлғир! О-оол ҳамма нарсани, заҳри-махрингга ютг. Ҳа, сени ттуққан оонанғни...

Даҳлизда икки қўлини кўксига қўйиб қотиб турган Хосият, оёқяланг югуриб супага чиқди:— Худодан қўрқинглар, худодаг!!!

— Бор, додингни худога айт!

Милиционер уни кўкрагидан итариб ташлаб, қўпол этиги билан ичкарига гурсиллаб кирди. Орқасидан шериклари ҳам боришди. Уйни шипшийдам қилиб, зах уйда тўртта бўйрани қолдириб чиқишди. Хосият ҳамон дод солар, Раҳмон супа лабида ранги-рўйи оқариб, ерга тикилганча бақрайиб ўтираверди. Боши эгилиб, ғазабдан елкалари шишаётгандек эди. Нарсаларни аравага ортиб, молхонага киришди. Оёқларини кериб турган сигир бошини буриб, бегона кишиларга қаради. Бузоқча олд оёқлари билан чўкка тушиб, сигирнинг елинини тумшуғи билан туртиб-туртиб эмарди. Милиционер унинг орқасига тепиб, сигирни қозиқдан бўшатди. Етаклаб бориб, араванинг орқасига боғлади. Хосият ёшли кўзлари билан фарёд чекиб, сигирнинг ортидан дарвозага чиқди. Мўйловдор йигитча унга ўгирилиб, илжайди:

— Хафа бўлманг, синглим. Барно экансиз. Хуснингизнинг ўзи турган-битгани бойлик. Ҳали...

Йигитчанинг чучмал илжайиб айтган ҳар бир сўзи Раҳмоннинг ўртанган юрагига туз бўлиб сепилди. У вазмин бўлгани билан орли эди. Ҳалим-юмшоқ одамларнинг қаҳридан худонинг ўзи асрасин дейдилар. Раҳмон арслондек бўкириб, ўчоқ бошига югуриб борди. Кетмонни олиб, энди ўрнидан силжиётган арава орқасидан югурди. Енбошидан бориб ҳамла қилди. Кетмон муҳраси солиқчининг ўнг қулоғи аралаш бошига тегди. Йигит инграб, арава устидаги нарсаларга қапишиб қолди. Милиционер ва бошқа шериклари жон ҳолатда ўзларини аравадан ташлашди. Йигитнинг бурнидан, лабининг бир бурчидан қон сизиб чиқди.

Ранги бўз оқариб, йўл устида донг қотиб қолган Раҳмоннинг қўлини орқасига қайириб боғлаб, мол-ҳоллари ортилган аравага миндириб кетишди.

Хосият эридан бир умр айрилаётганини сезди. Сочларини юлиб, арава орқасидан оёқяланг югурди:

— Раҳм қилинглар, раҳм...

Унинг маржон-маржон кўз ёшлари кўча тупроғига тўкилиб, товуши чанг тўзони ичига кўмилиб кетди. Араванинг орқасига боғланган сигир бошини буриб, маъюс кўзлари билан Хосиятга қаради. Милиционер белидаги қалин қайишни ечиб олиб, унинг қорнига шарт-шарт урди. Сигир лўкиллаб, ийиб турган елинидан сут оқиб, оёқларига, думига сачраб, орқасидан эргашиб келаётган бузоқчага ҳар замон-ҳар замон бошини буриб қараб, мунгли «мо-мо»лаб борарди. Хосият жонни ўртаниб, уларнинг ортидан ҳасратли термулиб қолди. Тўпланганлар тарқалиб кетишди.

Жамила бу жанжални эшитиб, Зулайхони етаклаб келганда, Хосият ҳовли ўртасидаги чиннигужум остида кўзлари нам, сочлари ҳурпайган бир куйда ўтирарди. Жамиланинг саломига бошини қимирлатиб, енги билан кўзларини артди.

— Кўлмакда ётган бақа эканмиз, синглимжон. Уйинг куйгур солиқчи кўзимиз кўрлигидан фойдаланиб, Раҳмон акангизга, бизларни чоҳга итариб юборадиган қоғозга бармоқ бостириб олган экан.— Хосиятнинг ўпкаси тўлиб, кўзларидан ёш тошиб кела бошлади. Енглари билан кўзларини артди.

— Кўп куйинаверманг,— юпатмоқчи бўлди Жамила хотинни.— Раҳмон акам қайтиб келади. У кишини ҳам, сизни ҳам ўқиш-ёзишга ўргатаман.

— Қайдам,— деди висол умиди билан ҳижрон юкинни бўйнига олган Хосият хўрсниб дарвозага қараркан,— ёмон иш қилиб қўйдилар. Қайтиши гумон... Сен бизларникида қол, одам тафтини одам босади, дейдилар.

Жамила хотиннинг дарди-ҳасратларини енгиллашти-

риш учун бу таклифга кўнди. У ёқ-бу ёқни йиғиштириш учун уйга кирди. Бурчакда уада кўрпа. Токчалар бўм-бўш. Ерга иккита бўйра тўшалган. Зах ҳиди келади. Тўрда нонсандиқ, устида иккита сопол товоқ турибди.

Бу воқеани эшитиб, Азимзода енгил тортди: «Яхши бўлибди. Энди ҳеч ким унинг молларини нотўғри мусодара қилдирибсиз, демайди, шубҳаланмайди, Хуршиднинг ҳам, муаллиманинг ҳам оғзини Раҳмоннинг ўзи бекитди. Ярим молга шерик солиқчидан ҳам қутулдим».

VIII

Хосият эрига суяниб, жони-жаҳони билан боғланиб қолганини Раҳмонни олиб кетишганидан кейин сезди. Тунда ухлаёлмайди, кундузи кўзи йўлда. Юраги айрилиқ ва ҳижрон ўтида ёниб, мойли кулча ёпди, ғилвинди пиширди. Емишларни дастурхонга тугиб, эрталаб Зулайхони эргаштириб мактабга кетаётган Жамилага:

— Арава-парава учраса бугун Раҳмон акайизни кўриб келаман,— деди.

Хосият ташвишланиб, ўзини қўярга жой тополмай юрганини сезган Жамила, бирор хабар келгунча кутайлик, демади. Унинг раъйига қаради:

— Майли, Зулайходан хавотирланманг. Салом айтинг.

Жамила Зулайхо билан мактабга кетди. Хосият тугунини қўлига олиб, йўлга чиқиб турди. Чошгоҳда кўчадан Муқим-жаллоб бир эшакка ўзи миниб, бирини олдига солиб ҳайдаганча «иш-иш»лаб ўтиб қолди. Йўл четида бошига камзулча ёпиниб турган Хосиятни таниди. Тили остидаги носни туфлаб, лабларини кафти билан артди:

— Ҳа, сингил, қаёққа?

— Зуллининг дадасига у-бу нарса олиб бормоқчий-
дим.

Муқим-жаллоб эшакдан тушиб, олдинда бораётган эшакни тўхтатди. Устидаги халтани ўзи минган эшакка ортиб, унга Хосиятни миндирди.

Улар шаҳаргача жим бордилар. Муқим-жаллоб юкларини растага тушириб, эшакларини саройга боғлади. Хосиятни эргаштириб, милицияхонага олиб борди.

— Шу ерда гур. Қизил лаппарли киши чиқса ўшандан сўрайсан. Мен ёғларни бир ёқли қилиб, у-буни олай. Қайтишда ўзим олиб кетаман сени.

Хосият девор соясида кўзини жигар рангга бўялган эшикка тикиб ўтираверди. Бир-икки қизил шапкалик кишиларга:

— Иним, лағмонлик Раҳмон акайизни айтиб қўймайсизми?— деб мурожаат этувди, улар:

— Билмайман,— деб ўтиб кетишди.

Куш тиккага келди. Иссиқ. Хосият ҳамон ўша ерда куйиб-пишиб, эшикка тикилиб ўтирарди. Очиқди. Дастурхонга тугилган ғилвиндининг ҳиди димоғини қитиқлади. Қуёш миясини эритаётгандай. Атрофга аланглаб, сояроқ жой қидираётганда, катта дарвоза ёнидаги кичик эшик очилиб, ундан ўрта бўй, миқтигина, калта сариқ сочлари елкаларига ёйилган, тиниқ кўк кўзли хотин чиқди. У атрофга қараб, сўнг Хосият томон келди. Энгашиб, Хосиятдан сўради:

— Маржан, да? Мужа ждешь?

Сариқ сочли хотин бошини қимирлатиб, кўк кўзларини тикиб туришидан, Хосият у бирор нарсани сўраётганини фаҳмлади:

— Зуллининг отаси, Раҳмон, Раҳмон,— деди.

— Идём.

Сариқ сочли хотин уни кичик эшикдан мўъжазгина бир хонага эргаштириб кирди. Хонанинг орқа томонида

ҳам бир эшик бўлиб, унинг ёнида ўзбек милиционер курсида ўтирган экан. Хотин унга нималардир деди. Эркак тинглаб, сўнг Хосиятга ўгирилди:

— Қаердан келдиз? Қимингиз бор бу ерда?

Хосият жавоб берди. Эркак унинг гапларини сариқ сочли хотинга чала тушунтирди:

— Маржан муж пасмотр. Раҳмон, лагман.

— Аха, аха,— деди хотин кўзларини катта очиб,— это тот, который убил инспектора.— Қўллариини иягига тираб бир оз ўйланиб турди-да, сўнг ўрнидан туриб, деворга осиглиқ телефоннинг белдозини айлантирди. Биров билан гаплашиб, оқ қоғозга ниманидир ёзди. Трубкани илмоққа илиб, Хосиятнинг қўлига қоғозни берди. Эркакка русчалаб нимадир деди.

Эркак Хосиятга Раҳмонни бугун эрталаб узоқ жойдаги конга юборишганини, бу қоғозда унинг адреси бўлиб, шунга қараб мактуб йўллаш мумкинлигини тушунтирди.

Хосият у ердан бўшашиб чиқди. Муқим-жаллоб кутиб турган экан, унинг аҳволини ҳам сўрамай:

— Мен кеч қайтадиган бўлдим,— деди,— сен манави эшакка миниб кетавер. Совуқ сув ичирма. Бедапояга боғлаб қўй.

Хосият бир хуржун кунжут ортилган эшакка миниб, кун иссиғида қишлоққа қайтиб кетди.

* * *

Қўнғироқ товуши бир неча хонадонлар устидан сузиб ўтиб, Истатхонимнинг ҳам қулоғига етди. Эрининг кўпдан буён уйда онда-сонда бўлиши Истатхонимни ташвишлаштириб юрарди. У ҳар нарсадан ҳадиксирарди. «Муаллимага кўнғил қўйган бўлмасин тагин?».

У тош ойна олдига таманно билан ўтириб, гажакларини хонадан қизарган қотма бармоқлари билан

чиён думидай бураб, товлади. Сийрак қошларини мўй-чинак билан терди. Тор пешанасидаги ажинларни қўли билан силади. Кўзига сурма тортиб, чўзинчоқ иягига хол қўйди.

У мактаб ҳовлисига кириб, супага яқинлашганда уйдан аёл кишининг майин, ёқимли товуши эшитилди. Нафасини ичига ютиб, зинадан чиқди. Катта уй эшиги ёнига бориб, тирқишдан ичкарига қаради: Жамила... Лўппи юзлари сутда ювилгандек оппоқ, сочлари чамбарак, олтин ранг кўйлаги келишган қоматига зеб бериб турибди. У болаларга ниманидир тушунтиряпти. Муаллиманинг хумор кўзлари, бодом қовоқ, қалин лабларига тикилиб, Истатхоним михлангандек қотиб қолди. Табиий гўзаллик олдида ўзининг соч ва бўйинларидаги олтин зеб-зийнатлар кўзига хунук кўриниб кетди. Қалбида бу қизга нисбатан кек, алам бош кўтарди.

Кўз олдида эри билан шу қизнинг қучоқлашиб ётгани келди. Бутун танини рашк ўти куйдира бошлади. Ўзини шундай хунук қилиб яратган оллодан ҳам кўнгли ранжиди: ҳаққинг кетармиди бир оз ҳусн берсанг!

Ҳа, эркак зотини бундай дилбардан қайтариб бўлармиди! Истатхонимнинг ранги оқариб, кўзлари катта очилди: ҳамма нарсадан, отамдан қолган олтин-зарлар баҳридан ўтсам ўтаманки, Бозорни бағримдан чиқармайман. Сенинг ўттиз икки тишингдан, чиройингдан бўлак ниманг бор! Менда уй, ер, пул, зар...

Жамила секин юриб бориб, Зулайхонинг ёнида ўтирган қизнинг бошидан рўмолини олди. Қизнинг қоп-қора сочи, қошлари, қуралай кўзлари бирдан яшнаб кетгандай бўлди.

— Санобар... иби ўлай,— эшик тирқишдан қараб турган Истатхоним пичирлаганича кўйлагининг ёқасини ечиб, кўкрагига туфлади.— Неча чақалик келин бўлади энди у! Иби ўлай... беҳаё...

Шу пайт кимдир кўнғироқ чалди. Болалар ўрниларидан туришаётганда Истатхоним югуриб кўчага чиқди. Бирининг ёнига ўн қўшиб учраганга:

— Санобар очилибди...— деди.

Шамолнинг йўлини тўсса бўлади, шаҳар дарвозасига қулф солиш мумкин, лекин қишлоқдаги писмиқ хотин-халаж, миш-мишчи кампирларнинг маломатини тўхтатиб бўлмайди. Бу хабар бир зумда қишлоқнинг бошидан кириб, у бошидан чиқди.

Охирги дарс пайтида хона эшиги тарс очилиб, икки тавақаси зарб билан деворга урилди. Ўйга кирган шамолдан дафтарларнинг варақлари тигради. Ичкарига қошлари ҳурпайган Ғулом тоға кириб келди. Унинг важоҳати бузуқ эди. Болалар ҳаммаси жим, оғизлари очилиб анграйиб қолишди. Бурчакда кимдир пиқ-пиқ йиғлай бошлади...

— Бетсиз!— Ғулом тоға ҳаллослаб бориб, охирги партада пиқ-пиқ йиғлаб ўтирган Санобарнинг қўлидан тортиб чиқди. Эшикка яқинлашганда орқасига ўгирилиб, Жамилага ўқрайиб қаради.

— Ғўра бўлмасданоқ майиз бўлган жикалоғ! Сен болаларга билим берармидинг...

Ғулом тоғанинг кўзлари ялтираб, мошгуруч соқолини тутамлади:

— Астағфирулло, астағфирулло...— деганча Санобарнинг қўлидан гортиб, мол етэкчагандек чикиб кетди.

Бу пайт Истатхоним Оловхон олдига бориб, Санобарнинг очилганини айтиб бўлган, энти чўкка тушиб, эрини «муаллимдан совитиш», Хуршидни Зеварга «иситиш» учун дуолар биттиради.

— Дуоларнинг энг зўри бўлсин.

— «Зўри» ўзимиз-да, жонидан...

Хотин ерга қараб илжайди:

— Сизнинг хаёлингизда донм шунақа фикрлар...

Оловхоннинг оғзининг таноби қочиб, унга энгашиб-роқ сўради:

— Нима берасиз эвазига?

Истатхоним қошларини айёрона чимириб, Оловхонга ноз ила тикилди:

— Бизлардай сўлиган олмалардан сизга нима наф? Диркиллаганини бағрингизга босиб, хуморидан чиқмоқ-чисиз-ку. Бизлардан фақат хизмат, холос...

Оловхон мамнун илжайди:

— Хизматми... баракалло, баракалло.

Шу кундан бошлаб синфхона охиридаги парта бўшаб қолди...

IX

Шу кунларнинг бирида Ғулом тоғанинг ҳовлисида тўй бўлиб ўтди. Оловхон ўз ниятига эришди, ёшгина қиз Санобарни ўз никоҳига ўтказиб олди. Бу тўйга Жамилани айтишмаган эди. Қизнинг тақдири муаллимани ташвишлантириб қўйди. Нима қилиш керак? Қиши бир марта яшайди-ку бу оламда. Шуни ҳам севмаган кишинг билан ғурбатда ўтказиш керакми?! Ариза ёздириб, районга юбортирса-чи?! Бу фикрни Хосниятга айтди. У кўнмади:

— Бўлар иш бўлди энди. Бировнинг рўзғорига совуқлик солиб нима қиласан? Биз шўрлик хотинларнинг пешанамиз асли ўзи шўр...

* * *

Хуршиднинг маслаҳати билан Ғулом тоға эски ариқ ёқалаб дарёгача борди. Сўнг орқасига қайтди. Яна ўша издан бориб, сўнг юқори оқим томон юрди. Хуршид бу юришдан терга пишди. «Нима қилипти бу одам ўзи? Гапирмайди ҳам. Судралиб юраверамизми?»

— Маъқул. Маъқул,— деди тоға бир оз ўйланиб

туриб. У мясида янги ариқ ўтадиган изни чизиб чиққан эди.— Қирқ битта дарахт кесилади. Майли ўрнига қанча-қанча ниҳол экамиз. Икки жойда кўприк қурилади.

Хонадонларга жон бошига қараб, ариқни бўлиб беришди. Жамила ҳам болалар билан ўзига ер ажратиб олди. Олдин:

— Ариқ қазиб, дарёдан сув олиш оғизда осон.

— Сув чиқармикан ўзи?

— Сув чиқса ота-боболаримиз қазишмасмиди,— деб юрганлар, Фулом тоға, Хуршид ва мактаб болаларининг Жамила билан кетмон кўтариб кетишаётганини кўриб, майли, бир ҳафта ишласак ишлайлик-чи. Чиқса — бахтимиз. Чиқмаса — шунча овора бўлганимизнинг бири-да, деб уларга эргашишди.

Хуршид колхоз унidan ҳар кун икки-уч тандир нон ёпдириб, ҳашарчиларга тарқатди. Энг кўп қазиғанларга кечқурун икки-уч метрдан чит мукофот бериб турди.

Иссиқ. Бунинг устига ер қаттиқ. Бир ҳафтага мўлжалланган иш ўн тўрт кунга чўзилиб кетди.

* * *

Янги ариқдан сув келган кун қишлоқда сайил бўлиб кетди. Хуршид қўй сўйдириб, икки катта қозонда ош дамлаттирди. Ҳашарчилар келишди. Жамила девор ёнидаги самоварга писта кўмир ташлаб, деҳқонларнинг гапларига қулоқ солиб ўтирди.

— Кўз қўрқоқ, қўл ботир-э,— деди Фулом тоға шолчага чордона қуриб ўтириб, пуфлаб чой ичаркан.— Одамлар ташлаб кетишса нима бўлади деб, ҳайиқиб турдим. Бирлашгандан ёв қочаркан.

— Ҳа, ер ҳам роса қотган экан. Кетмон урсанг тинқиллаб сапчийди-я.

— Энди роҳатини кўрамиз...

Хуршид деҳқонларнинг бир-бирига қовушганидан, руҳлари кўтарилиб, ўз кучларига ишонч ҳосил қилишганидан хурсанд бўлди. Ичини кемириб юрган ташвишлар эриди: «Ҳали трактор, темир оочлар келганда кўрасиз кучимизни... Бу одамлар билан ҳар қандай тоғни ҳам ағдарса бўлади...» деган фикрни хаёлидан ўтказиб, Жамилага кўз қирини ташлади. У илиқ табассум қилиб, кўзини йигит назаридан олиб қочди.

* * *

Хуршид Жамилага тегишли нарсаларга ўзининг ҳақидан бир оз ун, шакар қўшиб, Хосиятга ёрдам бўлар, деб ажратиб қўйган эди. Жамила Зулайхони эргаштириб идорага кирганида у йўқ экан. Қоровул нарсаларга қўшиб, Хуршиднинг кирларини ҳам бериб юборди. Жамила кирларни ювиб, тор—ипга илиб қўйди.

Онасиникида икки кун туриб, сингли Зеварни тезроқ Хуршидга унаштириш ҳақидаги маслаҳатни пишириб келаётган Истатхоним Хосиятнинг ҳовлиси ёнидан йўл олди. Тор — ипда илинган яқтакка кўзи тушди. Кўзига иссиқ кўриниб, тўхтади: «Кимники экан? Бу хонадонда эркак зоти қолмаган-ку? Хаҳ, эсим қурсин! Хуршидни-ки-ку!!! Топишибди. Зевар нима бўлади, Зевар?» Истатхонимни ваҳима босди. Агар Зеварни Хуршид олмаса қари қиз бўлиб қолиши мумкин. Оёғи куйган товуқдай уйига югурди. Қайнонаси йўқ экан. Қўшниникига чиқиб:

— Муаллиманинг оёқ босиши бежороқ девдим-а...— деди.

— Йўғ-э, ёшлар ҳам, қариялар ҳам жуда бамаъни, оқида дейишади-ку.

— Ўлсин оқида бўлмай!

— Ҳа, нима қилибди?— сўради қўшни хотин.

— Ҳозир Хосиятнинг ҳовлиси ёнидан ўтатуриб, торнида Хуршиднинг яктагини кўрдим. Бир балоси бўлма-са кўзи очиқ онаси, қўл-оёғи шал бўлмаган янгаси туриб, кирини ўшанга элтиб берармиди. Йигитнинг бошини айлантириб олибди!

Қишлоқда миш-мишлар тарқалиб кетди: кимдир Хуршид Раҳмонниқидан тонгда чиқиб келаётганини кўрганмиш. Муаллима билан у ҳар шом учрашармиш. Раис бўлганга ярим йил бўлмай туриб, муаллимага колхознинг ун, ёғидан элтиб берганмиш...

Жамила ҳаммани ҳам ўзидай ростгўй, гап ташиб юрмайдиган деб ўйлар, бир кир яктадан шунча гап тарқалиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Энди Хуршиднинг олдида ҳам уятли бўлди. Нима деб ўйларкин у? Суйкаляпти демасмикин?

* * *

Истатхоним Хуршидни муаллимадан тезроқ «совутиш»и керак эди. Оловхоннинг олдида югурди.

— Муаллимага овқат қилиб бер,— деди Оловхон.

— Овқат?

— Ҳа, мазали таом қилиб, бигта-иккита ҳалиги... калтакесак қўшасан. Кўнглим тортди, деб дастурхонга ўраб берасан. Танини доғ босиб, бузилиб, қишлоқдан ўз оёғи билан қочиб кетади.

Истатхон хунук калтакесакни кўз олдида келтириб, муллага бақрайганча тикилиб қолди. Сесканди:

— Йўғ-э, уни ушлолмайман, қўрқаман. Бошқа иложи йўқми?

Оловхон энгашиб, шошмасдан, вазмин гапирди:

— Яқинроқ ўтир бўлмаса.

— Шу ердан ҳам эшитяпман.

— Деворнинг қаваги бор, қавакда сичқон бўлади, сичқоннинг эса қулоғи бор, дейдилар.

Истатхоним Оловхонга яқинроқ сурилиб ўтирди:

— Гапиринг.

— Буни икковимиздан бошқа биров эшитмасин.

— Тушундим.

— Қайноғанг Хуршиднинг шунга кўнгли борга ўхшайди.

Истатхонимнинг ичи ёниб, сабри тугади:

— Кўнгли борлигини ўзим ҳам биламан. Аччиқ ичакдай мунча чўзасиз...

— Сабр қил, эшит. Бозорни хонавайрон қилишди. Ука бўлатуриб унга қайишмади. Ҳимоя қилса бўларди. Қўлидан келарди. Мени ҳам талашди. Хуршид пул йиғиб ётибди ҳозир. Қулоқ қилинганларнинг ҳамма нарсасини давлатга топширяпти дейсанми? Йўқ. Шаҳардаги бонкка¹ қўйяпти.

— Бонки нимаси?

— Хазина. Давлат хазинаси. Сўраган пайтида беради. Ҳамма топган-тутгани шу муаллимага кетади... Хуршид кечқурун кўпинча идорада ёлғиз ишлаб ўтиради. Етади. Пайт пойлаб, бир куни синглингни ясантириб, унинг олдига юбор. Ўқишними, ишними баҳона қилсин. Йигит киши қизни кўрса жим туролармиди, Тармашади. Агар у индамаса ҳам синглинг бўйинга осилиб, дод солсин: «Мусулмонлар! Қутқаринглар. Номусимни...» Бизлар тўрт-беш киши мачит олдидаги чойхонада ўтираемиз. Югуриб борамиз. Буни эшитиб, муаллима ҳам Хуршиддан бутунлай кўнгил узиб кетади. Шундай қилиб, синглинг ҳам эрлик, ҳам Хуршид йиғиб ётган молларга эга бўлади.

«Вой доно кўзларингдан айланай,— деди Истатхоним ичида, Оловхоннинг чиройли кўзлари, узун бурнига тикиларкан.— Бирданига иккита саволга жавоб топиб

¹ Б о н к — банк.

берди-я! Ҳам эрли, мол-мулкли бўлади, Ҳам муаллима шарманда бўлиб, бошини олиб кетади...»

* * *

Санобар кун сайин сўлиб, ранги заъфарон бўлаётганини кўрган она чидай олмади, Хуршидга борди:

— Очикда ўрганган бола, тенгдошлари билан бўлиб, кўнгли бир оз ёзилар. Далага чиқсин.

Хуршид онанинг таклифидан хурсанд бўлди. Оловхон ҳам «колхозга тўсқинлик қилган — советга қарши» деб тушунарди, қўрққаниданми, индамади.

Санобар кун бўйи далада ишлаб, кечда қишлоқдаги ўсмирлар курсининг иккинчи синфига қатнай бошлади. Рангига қон югуриб, чеҳраси бир оз очилди. Лекин, бечора қиз кулфатли уйига бориб, димоғи чоғ бўлмас, бирор дақиқа вақти хуш ўтмасди. У дарвозадан кўрниши билан эри қаҳрини сочар, ҳеч бир сабабсиз дўппосларди:

— Ҳа, ишбилармон хотинча. Сен пул топар, мол топар бўлдингми ҳали. Шунинг учун кўзинг илмасдан иш дейсан, кетасан, ўқиш дейсан, кетасан. Сени олиб, балага қолдим. Шу бугуннинг ўзида капанингни калта пичардим-у, сенга сарфлаган харжларимга ичим ачийди.

Санобар дардини кимга ёришни билмай, шу азобуқубатларда юраверди. Охири сабр косаси тўлиб, пичоқ суякка бориб қадалгач, Жамилага маслаҳатга борди. Унга кўнгли йўқлиги, иложи бўлса ажрамоқчилигини айтди. Биргалашиб район советининг раисига ариза ёздилар.

Раис аҳвол билан танишиб ўтирмай, 55-рақамли алоқа қоғози билан Санобар Фулом қизини «бу масала билан муовиним шуғулланади» деб ўринбосарига юборди. Баттолов Санобарни кўриб, илжайди:

— Акмалхоннинг заифасимсиз?

Қиз бошини қимирлатди. Баттолов аризани ўқиб туриб, уни судга жўнатди. Суд раиси унинг мазмуни билан танишмасданоқ:

— Сизнинг ишингиз район хотин-қизлар Совети билан битади,— деб бўсагадан қайтариб юборди.

Ҳолдан тойган қиз «майли, шунисига ҳам борай-чи» деб, хотин-қизлар Советига борди. Қора қош, қора кўз, сочларига оқ оралай бошлаган, бугдой ранг хотин Санобарнинг бошидан ўтган воқеаларни жимгина ўтириб тинглади. Сўнг қўлидаги қалам билан столни чертиб, ўрнидан турди. Дераза олдига бир-икки бориб келди. Икки қоши ўртасидаги тугунча шишиб, қизга тикилди. Санобар, шунча овора бўлмай аввал тўппа-тўғри шу ерга келсам бўларкан-ку, деб суюнди. Хотин йўталиб, дўрилдоқ товуш билан:

— Сенга ёрдам берамиз. Яхши келибсан,— дея стулга ўтирди.

Шу пайт телефон жиринглади. Хотин дераза томонга ўгирилиб, ким биландир кулиб-яйраб гаплашди: «Бўлибди. Тушунарли, тушунарли» дея трубкани қўйиб, қўлига ручка олди. Ҳалниги қоғознинг очиқ қолган бир четига: «Қишлоқ Советининг раисига! Агар Санобар эри билан ажралатурган бўлса ўзингиз ажратиб қўйинг» деб ёзди.

— Ма, боравер!

Санобар гиж-ғиж имзолар чекилган қоғозни қўлига олди. Ҳозиргина қалбига қуйилиб кирган кичкина қувонч учқунини шу икки сўз бирдан лип этиб сўндирди. Эшикни очиб, хайрлашмай чиқиб кетди. Қиз райондан дардига малҳам тополмай қайтди. Шом қоронғисида иккита ер ўчоқнинг ўрни ҳали ҳам кўмилмаган ҳовлига кириб борди. У бир булут эди-ю, ойсиз туи ота-онанинг кўзига яна ҳам қоронғироқ кўриниб кетди.

Ҳар кун синфхонанинг охиридаги партага кичик хотинча келиб ўтиради. Бу — юзлари раҳ олмадек барқ уриб, кўзлари шамчироқдек порлаб турадиган илгариги шўх, дуркин Санобар эмас, эзилган, маъюс, кўзларида даҳшат тамғаси босилган касалманд жувон. Қовоқлари кўкарган, боқишлари ташвишли.

Хотини уйдан кетиб қолгач қайнотасиникига бўйин эгиб бормай юрган Оловхон Санобарнинг мактабга келишини пойлаб юрган эди. Охирги дарс энди бошланганда у шошиб синфхона эшигини очди. Бўсағада туриб, бир қўли белбоғида, бир қўли билан соқолини тутамлаб, бўйинини чўзди:

— Ҳе, тез бўл, чиқ бу ёққа.

Хотинлар чувалашиб, бошларига рўмол, чачвонларини ёпиб олишди.

Санобар шошиб, ихтиёрсиз ўрнидан турди. Паранжига ўралганча тўрт одим олдинга юрганда, Жамила унинг йўлини тўсди:

— Тўхта.

Қиз орқасига тисарилиб, аъзойи-бадани қўрқинч ва «кўзочиб кўргани»ни кўрганидан ҳаяжонланиб, титраб турганда Жамила Оловхонга юзланди:

— Халақит берманг.

— Нима, у менга хотини-ҳалолми, ё?

— Хотин бўлса уйингизда хотин. Бу ер мактаб.

Оловхоннинг қошлари чимирилди:

— Тур ўрнингдан! — яна дўқ урди Оловхон Санобарга қараб. — Бундай, — Жамилага ишора қилди, — бошьяланг хотин, шариат юзасидан хотин-қизлар учун эркакдек номаҳрамдир.

Санобар ўрнидан тураётганда, Жамила ўтир, дейиши билан яна жойига ўтирди.

— Майли, сабоқдан озод бўлишинг билан ҳаялла-

май уйга бор,— деди тилёғламалик билан. Ҳзини вазмин тутишга уринса-да, ич-ичидан қайнаб чиқаётган ғазабдан кўзлари ялтираб кетди. Яктагининг икки барини орқасига қайриб, ҳовлига чиқди: «Илоннинг бошини қўзғаётган шу! Энди оиламга ҳам аралашди. Ҳузур ҳаловатимдан айириб, ошимга оғу солаётган шу! Хотинимнинг менга совуқлигига ҳам айбдор шу!»

Оловхон беҳудага кутди. Санобар эриникига қайтиб бормади.

* * *

Хосиятнинг кўнглига гулгула тушди: «Зуллижоннинг отаси қаерларда юрганкин? Соғ-саломатмикин?» Ҳижрон юки танини эзиб, хотин оғир хўрсинди. Жамилага хат ёздирай деса, Раҳмон лотинча ҳарфни танимасди, арабчанинг айрим ҳарфларини биларди.

— Зуллижон!— айвонда эчкининг қирт-қирт ўт чайнашини томоша қилиб ўтирган қизини чақирди Хосият.— Ҳу, анави чипор товуқни тут, қизим.

Қизча бирпасдан кейин товуқнинг оёғидан чангаллаб, бошини осилтирганча онасининг олдига олиб келди. Хосият унинг оёғини чилвир ип билан боғлади.

— Ма, қўлтиғингга ол,— товуқни қизининг қўлига бериб, ўрнидан турди.— Юр, болам.

Улар мачит ёнидаги ҳовлига киришганда Оловхон салқин супада жилди қизғиш-ялтироқ китобни мутолаа қилиб ўтирган экан. У Хосиятни кўзлари билан бошдан-оёқ ялаб чиқди. Хотин уялиб, бошидаги камзули билан оғиз-бурнини ёпиб, юзини четга бурди. Оловхон уни хижолатдан қутқариш учунми, ё юзини ёпиб олганига афсусланибми, чуқур тин олди.

— Қани, марҳамат, келинглар.— Уларга супа устига тўшалган шолнинг бир четидан жой кўрсатди. Хотин супанинг четига омонатгина ўтирди. Зулайхо

товуқни қўлтигида маҳкам қисганча онаси ёнида тик туриб, Оловхонга серрайиб қаради.

Мулла жойига ўтириб, Хосиятга ўгирилди:

— Хўш, келинг синглим, хизмат?

— Зуллижоннинг отасига бир хат ёзиб берасизми, деб келувдим. Мана жойлари,— Хосият сомон сочли хотин берган қоғозни Оловхонга узатди. Мулла қоғозга кўз югуртириб, бошини сарак-сарак қилди:

— Ҳа, биродаримиз Раҳмонқулга қийин бўлибди. Гуноҳи оғир бўлгани учун сўроқ-истовсиз узоқ, совуқ жойга бадарға этишибди. Хўш, майли, бандаси пешанасига битилганини кўради. Умридан бўлса, иншоолло, бир кун ризқи тортиб қайтиб келар.

Оловхон қўлига қамишдан учи игнадек кесиб ясалган ручкани олиб, давогга ботирди. Китоб остидан бир варақ юпқа қоғоз олиб, сўради:

— Нима деб битай?

Ҳозиргача юрак-бағри гапга тўлиб, уни бўшатолмай турган хотин, энди нима дейишини билмай қолди. Ҳа, нима десин? Илиқ сўзлар айтиб, эрининг кўнглига далда берсинми, юпатсинми? Ё соғинганини айтсинми? Нима десин?

Хосият чувалашиб кетган фикрларини тўплаб олмоқчи бўлиб снёҳдонга тикилди:

— Бизлар, худога шукур, соғ-саломат, денг. Хавотирланманг, ўзиздан эҳтиёт бўлинг, денг.

Хосият, Зулли қоғозга тикилиб туришди. Оловхон узун, чиройли бармоқлари орасидаги ручкани қитирлатиб, тугунчадек араб ҳарфларини тизиб ёзди:

— Бўлдимми?

Хосият, яна нима гап қолди айтилмаган, дегандек муллага ҳайратомуз тикилди-да:

— Ўзиздан қолар гап йўқ,— деди рўмолнинг икки учини ибo билан тишлаб, ерга тикиларкан.

— Ундай бўлса бир ерига, сизни қумсабди, деб қис-тириб қўяман-да.

— Иби ўлай,— Хосият бирдан рўмолини очди. Юз-лари лов ёниб, шахло кўзлари жовдиради.— Қўйнинг-э, ҳазил қилманг.

— Ҳазил эмас, мактубнинг қондаси шундай-да,— Оловхон қоғозни икки буклади. Туморча қилиб, устига адресини ёзди. Хосиятга қаради:

— Олиб кетасизми, ё эртага Муқимпоччангиз ша-ҳарга бормоқчи, унга ўзим бериб юборайми?

Хосият ўрнидан турди. Чит кўйлак ичида дуркин тани балқиб кетди. Қўлини кўксига қўйиб, миннатдор-чилик билдирди:

— Илойим бола-чақангизнинг ҳузурини кўринг. Ўзиз бериб юборсайиз яхши бўларди.

Оловхон қўйруқ мойни кўрган ўғри мушукдек хо-тиннинг бўлиқ кўкрагидан кўз узолмай, ютинди:

— Маъқул...

Хосият Зулайхоннинг қўлтигидан товуқни олиб, супа лабига ётқизиб қўйди:

— Энди, оз бўлса ҳам кўп деб... Қарздормиз...

— Йўқ, йўқ,— Оловхон чаққонлик билан ўрнидан турди. Энгашиб товуқни Зулайхоннинг қўлтиғига қўяёт-ганда ўнг юзи ва қулоғи Хосиятнинг этагига суйкалди. Димоғига хотиннинг ёқимли, илиқ ҳиди келди. Нафас олиши тезлашиб, юраги симобдек қалқди. Томирларига олов-илон ўрмалаб кириб, бўртди, бўйни қизарди:

— Олиб кетинг, бўлмаса хафа бўламан. Алҳамду-лилло, муҳтожлигим йўқ.

Зулайхо товуқни икки қўллаб қучоқлаб олиб, сую-ниб онасига қаради. Хосият дуо қила-қила дарвозагача орқаси билан тисарилиб бориб, чиқиб кетди. Қўнгида бу ориятли, камбағалпарвар, диёнатли дин пешвосига нисбатан бир ҳис, миннатдорчилик пайдо бўлди.

Оловхон она-бола кўздан ғойиб бўлганда ҳам супа устида анча вақт жим туриб қолди: «Бебаҳо, назокатли хотин. Агар уни кийинтирса фариштадан фарқи қолмайди. Ўша соқов, исқирти Раҳмон ҳали шунинг ҳузурини...»

* * *

Миш-мишлардан кейин Жамила Хуршиддан торти-ниброқ юрди. Дастлабки қутлуғ одимдан руҳланган Хуршид эса майда гапларга аҳамият бермади. «Бировнинг кири бировга юқмайди. Мушки-анбарни тоғорага солсангиз ҳам хушбўй, соф». Хуршид тез-тез унинг олди-га келар, ҳамфикр, маслакдош топганидан мамнун эди.

Бугун ҳам темирчиликка бораётганида мактаб ёнидан ўтиб кетолмади. Кирди. Жамила ўзлаштирмовчи болалар билан қўшимча машғулот ўтказиб турган экан.

— Келинг, кираверинг. Ҳозир дарс эмас,— у бир оз хомуш кўринди.

Болалар:— салом, салом раис бова,— дейишди.

Хуршид эшик олдидаги курсига ўтирди. Секин қизга разм солди. Жамила йигитнинг ўзига тикилиб турганини сезиб, уялди. Нафас олиши тезлашиб, юз, қулоқлари қизарди. Болаларга вазифа топшириб, кетишга рухсат берди.

Қиз йигитга мулойим боқди:

— Келинг.

— Кеча дарсга келолмовдим, узр сўраб ўтмоқчи бўлдим.

— Ҳа, «раис бова»,— Жамиланинг яноқлари лоладек ёниб, нягидаги кулгич чуқур ботди. Чеҳрасига табассум югурди,— интизомни бузсалар, бошқалардан нима гина...

Хуршид секин ўрнидан туриб, доска олдига борди. Қўлига бўрни олиб, дераза олдида турган Жамилага илиқ термилди:

— Узр, кечаги дарсни айтиб юборасизми?— деб сўради. Ичида эса «Шу, фақат шу менинг кўнглимни тушунадиган. Дардимга малҳам, қувончимга қувонч» деб ўйларди. Хуршид энтикди. Бўрни қитирлатиб доскага «ғала», «ўроққ», «муаллимма» сўзларини ёза туриб:

— Жамила,— деди.

— Ҳа,— қиз жадвалдан бошини кўтариб, унга тикилди.

— Мен қўрқоқман, биласизми?

Жамиланинг танини ёқимли олов иситиб, томирларида ёш, соф қон жўшиб оқа бошлади: «Севаман димоқчи. Айтишга нйманяпти».

— Биламан.

— Қаердан биласиз?— Хуршид шошиб сўради.

— Шу гапларни айтолмай юрганиздан...

— Қанақа гап?

— Ҳозир айтмоқчи бўлган гапларнингизни...

Хуршид қизга ҳайрон тикилди. «Қаёқдан билибди? Қандай? Унинг кўзи одамнинг ичидагини ҳам кўради-ми?»

— Йўғ-э...

— Нимакин бўлмаса?

— Бизларникида уруғлик бор.

— Яхши...— Жамиланинг томирлари бўшашди «Ҳали шу гапга шунча ҳаяжонландими?»

— Яхши эмас, ёмон! Уша йўқолган уруғликдан...

— Нима? Қандай уруғлик?

— Акам... элтиб бер деганимда кўнмовди. Иков олишиб, мана шу...— Хуршид уч панжали чап қўлини кўрсатди.

— Акангиз кўнмовдими?!

— Мен қўрқоқлик қилдим. Кўк кўз билиб қолса, акамни, унга қўшиб мени ҳам қаматтириб юборади, деб қўрқдим. Сўнг қишлоқ нима дейди?

Жамила «севаман» сўзини эшитмай бир бўшашган эди. Энди йигит ҳеч кимга айтмаган сирини унга айтаётганидан юраги меҳрга тўла бошлади. Унинг дардига малҳам бўлгиси келди.

— Тўғри...— қиз ўйланиб қолди.— Энди элтиб берсангиз ҳам, бермасангиз ҳам бир бало...

— Юрагим торс ёрилиб кетгудай. Аравага ортиб, идора олдига элтиб ташласам-да, сўнг қишлоқдан бош олиб кетсам, дейман.

Жамила Хуршид ҳозироқ кетаётган, ўзи бу қишлоқда ёлғиз қолаётгандек ҳовлиқди:

— Йўқ, йўқ. ундоқ қилманг. Йўли топилар... Акангиз ўзи шундай ҳам куйиб юрибди. Бахтсиз. Унга Совет давлати адолатли, халқпарварлигини амалда кўрсатиш керак. Айтсангиз, бундан колхозга нима фойда? У «совет ўзи шунақа экан» деган ақида билан қамалиб кетади. Онангизга ҳам жабр. Сизга ҳам одамлар ишонишмайди. Акасини тутиб берди. Шу пайтгача индамай юривди. Мурса қилолмаган, ўғайда минг қилса ҳам, дейишади.

— Нима қилай бўлмаса?

— Айтгандай, акангиз вақтинча колхозга уруғлик «қарз» бериб турсалар бўлмайдимиз? Кейин истамасалар қайтариб олмайдилар.

Хуршиднинг тани оғир дарддан халос бўлгандек, кўзи равшанлашиб, руҳи энгил тортиди.

* * *

Фулом тоға уруғлик масаласида куйиб юрган эди. Кутилмаганда Бозор дон келтириб қолди. Ҳар бир қопдагини очиб кўриб, кафтига олиб ҳидлаб:

— Яхши-ю, жайдари бугдой экан-да,— деди Гулом тоға.— Лалми билан оби аралаштирилган. Майли энди, нима қиламиз. Йўғидан бори яхши.

Хуршиднинг ичи музлаб кетди. «Акам бошқа бугдойни олиб келибди. Билиб қолишса, шарманда бўлишдан қўрққан. Алмаштирибди».

— Хуршидвой, бунга уруғлик баҳосини тўлайсан-да энди,— деди Гулом тоға. Сўнг Бозорга юзланди.— Арзонроқ қиласан, жиян.

— Майли тоға, ҳосилни йиғиштириб олганда ҳисобкитоби бир гап бўлар...

Хуршид бугун биринчи марта уйига борди. Онаси, унга қўшилиб янгаси атрофида гирдикапалак бўлишди. Улар қозон-товоқ ювишга чиқиб кетишганда ака-ука ёлғиз қолишди:

— Ака, шу ерда ҳам қитмирлик қилибсиз-да,— гина билан гап бошлади Хуршид.

— Нима бўлибди?— ёнбошлаб ётиб, тишини кавлаётган Бозор ўрнидан қўзғолди:

— Уруғликни яширибсиз!

— Қанақа уруғлик?

— Ҳу, ўша тундагини.

— Йўқ, ука. Худо ҳаққи бу ўша бугдой.

— Мени алдаб нима қиласиз?

— Алдаётганим йўқ. Елғон бўлса мана, дастурхонда турган нон урсин.

— Қасам ичиб нима қиласиз. Омборимиздаги сара уруғлик эди. Мен ўз кўзим билан кўрувдим.

— Мен омборларингдаги бугдойни кўрганим йўқ.

— Бўлмаса қаердан олиб келувдиз ўша кеча қопларни.

— Анави Жизза қишлоғидаги Мирқосимбойникидан талаб келувдик.

— Ҳали колхоз омборига текканимиз йўқ денг?

— Йўқ!

Акасининг колхозга вақтида дон берганидан хурсанд бўлган Хуршид шунча ойлар ичини кемирган шубҳасидан ҳам қутилаётгандек енгиллашди.

— Ахир, ўша тунда йўқолуеи-ку омбордаги уруғлик ҳам!

— Билмадим?

— Бу топишмачоққа ўхшайди. Ким, ким экан бўлмаса?

— Билмадим. Муқим тоға район томонга бир арава беда ортиб кетаётганини ўшанда кўрувдим. Отни секин ҳайдаган бўлса ҳам терга ботиб, пишиллаб бораётган эди.

«Муқим тоға. Бир арава беда». Хуршид ўйланиб қолди:

— Жувознинг оти қўшилганмиди аравага?

— Йўқ. Акмалбекнинг қоратўриғи эди.

Х

Деҳқонлар бўш ётган ерларга кузги дон сепиб қўйиш учун шудгор қилишяпти. Қуёш оғиб қолган, ҳаво дим, йигит ариқ лабидаги тут соясига бориб ўтирди. Белбоғини ажриқ устига ёзиб, иштаҳа билан қотирмани чайнай бошлади.

Нарироқда кавш қайтариб турган ҳўкиз молани судраб, майсаларга бўй чўзди. Йигит қотирмани еб бўлиб, қийиқчани қоқди, пешанасига танғиб боғлади. Ариқдан икки ҳовучлаб сув ичди. Урнига келиб, оёқларини чўзиб, чалқанча ётди. Тутнинг духоба япроқларига тикилиб, хиргойи бошлади:

Кўрмағай эрдим жамоли олам оро кошки,
Бўлмағай эрдим бори оламга расво кошки.

Унинг кўз ўнгида чит кўйлаклик муаллима намоён бўлди. Уша мулойим кўзлар, бодом қовоқлар, ўша иббли боқишлар...

У оромбахш хаёллар қўйнида ҳузур билан сузаётгани, ариқнинг нариги бетигаги пайкалдан деҳқонларнинг товушлари эшитилди. Ҳар куни бу вақт бирор соя жойни топиб, донг қотиб ухлайдиган деҳқонлар бугун нима ҳақдадир баҳслашишарди. Йигит истар-истамас ўрнидан туриб, ҳўкизни бўйинтуруқдан бўшатди. Ариқдан сакраб ўтиб, баҳс бўлаётган ерга борди.

— Ҳормангларов!

Бирови йигитга ўгирилиб, вазиятни баён қилди:

— Хуршидбой, иним, бардаммисан? Урусиядан тир-тир келибди. Епирай-эй! Оёғи бор, юрармиш. Думи билан ерни ҳайдаркан. Узиям шундай кучли эмиш, юз девнинг қуввати бор дейишади.

Хуршид районга бир трактор келтиришгани, яқинда уни қишлоқларга чиқариб, намоёиш қилмоқчи эканликларидан хабардор эди. Шундай бўлса-да, деҳқонларни қизиқтириш учун:

— Ерни ҳайдармиш?— деб сўради.

— Ҳа, эллик ҳўкизнинг ишини қиларкан. Ўт емай, мой ичармиш,— деди чўққи соқол, жиккак бир деҳқон.— Мойда қувват кўп-да. Оғзидан ўт сочиб, кифтидан тутун чиқараркан.

— Ким тортади уни?

— Ия, ким тортарди, лампа ёғи ичиб, ўзи йўргалаб кетаверармиш.

— Э, қўй,— деди Фулом тоға қўл силтаб,— худо бободеҳқондан қолган омов-бўйинтуруқдан айирмасин. Тир-тиринг менга ёқмайди.

— Нега?

— Оғзидан ўт сочса — ернинг ғозини куйдиради. Энди бир камимиз ёғ ҳиди келадиган нон ейишмиди?

— Қани, юринглар-чи,— Хуршид олдинда, мўъжиза паҳлавонни кўрмоқчи бўлганлар унинг орқасидан йўлга тушишди.

* * *

Қишлоқ кўчаси гавжум. Катта ҳам, кичик ҳам шу ерда. Мўридек карнайдан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқараётган тракторни кишилар келинишига куёв олиб бораётгандек ўраб олишган.

— Э, худо хайрингизни берсин, бизлар ҳам кўрайлик,— деб бир-бирларининг пинжигга тиқилишади четроқда қолганлар.

Тракторнинг шиша кўзлари ялтираб, янги оёқ чиқарган боладек секин олға силжиди. Кишилар ҳам тўлқинланиб олдинга интиларди. Кишилар тракторни қишлоқ четигача кузатиб, «Қизил чойхона»га қайтиб келдилар. Уртада патефон. Деҳқонлар Хуршид ҳали икки бандини хиргойи қилган қўшиқни патефондан эшитишгач, ҳамсуҳбатларининг илтимосига кўра, жиккак, чўққисоқол деҳқон ҳикоясини бошлади:

— Қаршига темир йўл келаётганда бизлар гўдак эдик. Ҳосилга кириб турган боғларни, узумзорларни бузиб, йўл очишди. Пойизидан ҳам олдин қишлоққа ҳар хил миш-мишлар етиб келди: оташ арава келаркан. Гоҳ қашқирдай увиллаб, гоҳ мушукдай миёвлармиш. Дўпир-дўпир чопиб, отдай кишнармиш...

Пойиз келадиган куни шу атрофдаги қишлоқларнинг уддабурро йигитлари, нега бизнинг экинзорларимиздан ўтади, нарироқдан юрса бўлмайдими, деб қўлларига тош, косов, бел, кетмон, теша кўтарганча темир йўлнинг икки чеккасидаги боғларга, ток жўяқларига яшириниб ётишди. Ҳозир сизларга кулгили туюлади-ю, оташ аравани тошбўрон қилмоқчи эдик. Бизлар, мактаб кўрган, ҳам бўйи тикроқ, деб ўз тўдамизга Акмал-

ни бошлиқ этиб тайинладик. Узоқдан пойизнинг қораси кўриниб, паровознинг ваш-ваши эшитилиши билан бир йигит:

— Ё, раббий, аждаҳо-ку!— деб сакраб ўрнидан турди. Акмал бошини кўтариб, ранги ўчиб кетди:

— Оловв, олов сочиб келяпти,— деб тура солиб қочди. Шамол оқ яктагини қопдай шиширган, оёғи ерга тегмай югурарди. Кимдир:

— Олов, Оловхон қочди,— деди.

Пойиз анча яқинлашиб қолган, бизлар тақдирга тан бериб, қулоқ-кўзимизни бекитиб, ерга қапишганча терлаб-пишиб, дир-дир титраб, пушиб ётавердик. Пойиз йўлидан адашмай, дунё қулаётгандек ваҳимаю-шовқни билан чинқириб ўтиб кетди. Ҳайтовур бурилмади. Анча узоқлашиб кетгач, бирин-кетин бош кўтара бошладик. Биримизнинг бурнимиз, биримизнинг қош-кўзимиз қаш-қа. Терлаган баданларимизга тупроқ суркалиб, лой бўлиб кетибди. Шу-шу Оловхон лақаби Акмалга ном бўлиб, асл исми кишилар хаёлидан кўтарилиб кетди. Бу тир-тир ҳам ҳали пойиздай шарофатли нарсачиқар.

Гурунг қизиб турганда қишлоқнинг кунботар томонидан изма-из келаётган икки кишининг қораси кўринди. Олдинда келаётган хотин тор кўчага бурилиб кетди. Унинг ортидан келаётган мулла экан.

Оловхон чойхона рўпарасига келганда эшакдан тушди. Чойхоначининг шогирди эшакни саройга етаклаб кетди.

— Авлиё бўлинг-э, ҳозир сизни эслаб турувдик,— деб чап қўлини кўксига қўйиб, ўнг қўли билан муллага чой узатди чойхўрлардан бири.

Оловхон чорпоянинг бир четига ўрнашиб ўтириб, чойни бир ҳўплади. Пиёлани шолча устига қўйди.

— Бардаммисизлар?— У ўтирганлардан ҳол-аҳвол

сўради.— Бу касофат хаёллари билан бўлиб, сўрашни эсдан чиқибди.

Чой узатган киши муллага эгилиброқ сўради:

— Нима гап ўзи?

Оловхон пиёлага қўл чўзиб, кўзини чойдан узмай жавоб берди:

— Қишлоқ макрхона бўлди. Раҳмонқулнинг аёлини, ҳовв, ариқ ортидаги хилват сой бўйида бегона эркак билан кўрдим...

Ҳамма хомуш тортиб, жим бўлиб қолди. Ўтирган кишиларнинг кўнглига ёмон бир хавотир чўкди: баҳордаги қурғоқчилик, гармсел, қаҳатчилик шундан эмасми? Деҳқонлардан бири оғир жимликни бузиб, томоқ қириб йўталди, сўнг:

— Қишлоғимизга ҳаром аралашди,— деди.

— У муаллима билан бўлиб, айниди.

— Йўқ, ўзининг асли таги паст. Бир оёғи гўрда турган амакиси шўрликни қон йиғлатиб, Раҳмонга ҳам ўйнашиб теккан эди. Ушанинг орига чидолмай амакиси умридан беш кун олдин кетган эди, шўрлик. Қайтага муаллима дуруст экан, очиқ-сочиқ юрса ҳам, қишлоғимизга ҳам, болаларнинг юриш-туришига ҳам у туфайли файз қириб қолди.

— Аттанг,— деди ҳалиги жиккак деҳқон,— бировнинг хотинига кўз олайтирган ўша номардни ёқасидан ушлаб келмабсизда! Юзига қурум суртиб, менинг мода эшагимга тескари миндириб юборардик.

Оловхоннинг ранги бир оз ўчди:

— Аблаҳ, мени кўра солиб қочди-да...

* * *

Хосият бошига ёғим рўмол ўраб, чиг кўйлагини кийди. Арқон олиб уйдан чиқди. Қишлоқ чеккасидаги экиндан бўшаган пайкалларга бориб, ўтин терди. Эчки-

сига ўт юлди. Сарғайган палакларда қолиб кетган сапчаларни қидирди. Шамол ариқ ёқаларидаги қамишларни шовуллатиб, ерга эгади. Хотиннинг этагига бош уриб, оёқларини қуруқ тиллари билан ялайди. Хосият пайкалдаги палакка энгашаётганда бошидаги рўмол сирғалиб, бўйнига тушди. Шамол уни тортқилаб ерга учирди. Хотин рўмолни олиб, қоқди. Қаддини ростлаб, икки қўлини ёзиб, рўмолни бошига ёпаётганда сувсиз сойнинг нариги томонидан биров томоқ қириб, йўталди. Хосият бошини буриб қаради. Куёвбаччалардек нимхуш сариқ шоҳи салла ўраган, қайтармаёқа камзулли, оёғига амиркони маҳси кийган Оловхон эшагини тушовлаб қўйиб, Хосият томон келарди.

... Оловхон ўшанда уйига қайтиб, Санобарни интизор бўлиб кўп кугди. Бир, икки, уч кун... Ҳафта ўтди ҳам келмади. Жаҳл билан эшакни тўқимлаб, хумор босиб бўлиб келиш учун қўшни қишлоқдаги катта хотининикига кетди. Хотини қизчасини эшакка мингаштириб, қариндошлариникига меҳмондорчиликка кетган эди. Уруғ-аймоқлари кўп, у ердан бир ҳафтасиз қайтмас. Оловхон аламзада бир кайфиятда Ламонга қайтарди...

Оёқ шарпаси Хосиятга яқинлашди. Овчини қўрган оҳудек сергакланган хотин кўз қирини мулладан узмай турди. Оловхоннинг вужудига ўтли титроқ югурди. Яктагининг киссасидан шоҳи рўмолча олиб, лабларини артди. Ички тўлқин билан ютинди:

— Ҳа, Хосиятхон, ўғирлик қиялсанми?

Хотин қулоғи остида эркакнинг иссиқ нафасини сезиб, сесканди. Қаддини ростлаб, рўмолининг бир учини қимтиди. Оловхонга қиё боқиб, эшитилар-эшитилмас:

— Қанақа ўғирлик? Офтоб урган палаклар-ку,— деди-да ерга қаради. Қулоғидаги ҳалқа тебранди. Оловхон тамшаниб, суқ кўзлари билан хотинга бошдан-

оёқ қараб чиқди: Хосият ҳозир жувонлик балоғатига тўлиб, гулгун яшнаган кези эди.

Оловхон кучли ҳирсдан ҳаяжонланиб, энтикиб нафас ола бошлади. Хотинга яқинлашиб, қўлини унинг биқинига чўзди:

— Менга хўп десанг қўғирчоқдай кийинтириб, духоба-зарларга буркаб қўяман. Фариштадай яшайсан. Бу нима турмуш...

Хосият бир қадам орқага тисарилди:

— Қўйинг ҳазилингизни...

— Ҳазили борми. Оҳ, сухсур...— У хотиннинг белидан қучиб, ўзига тортди.

— Кетинг!— Хосият силкиб ташлади.

— Жонидан! Ойдаи очилиб кетибсан-ку. Уша исқирт, сўлама Раҳмонни деб умрингни хазон қилма. Уни унут энди. Урмонларда суюги чириб кетади.— У Хосиятни яна қучоқламоқчи бўлди.

— Кетинг, тегманг,— деди Хосият типирчилаб. Қўрқаниданми, кўзлари катталашиб, Оловхонга янада дилбар кўриниб кетди.

— Хосси, жинни бўлма, мен сени аслида...— Хотин ўзининг қизлик онларидаги кишилар эркалаб чақиритган исмини бегона бир эркакнинг тилидан эшитиб, тани жимирлаб кетди «Хосси, Хосият...» Кўз олдидан беозор болалиги, қизалоқлар билан қўғирчоқ ўйнашган дамлари лип-лип ўтди. Юраги орзиқди. Шу биргина сўз қалбида бу одамга нисбатан қўзғолган нафрат алангасини сўндирди. Эркакнинг ҳароратли нафас олишидан хотиннинг вужудини бир лаҳза эҳтирос оташи қоплаб олди. Оловхоннинг оғзидан келаётган май, саримсоқ ҳидидан боши айланди. Унинг ширадор овози қулоғига ёқимли туюлди. Кўнглида чўкиб ётган ҳижрон дарди бир лаҳза унутилиб, Хосиятнинг раидан ҳам кучли бир ҳирс, орзиқиш «нима қилибди, кўнақол, кўн» деб

уни аврарди. Шу сабабли Оловхон уни маҳкам қучоқлаб, бағрига босганида, энтикиб индамади. Ихтиёрдан кучлироқ бир истак уни сеҳрлаб қўйган, қаршилиқ қилишга мадори йўқ эди. Хосият ҳолсиз ёлворарди.

— Тегманг, мени қўйинг...

— Овозингни чиқарсанг шарманда бўласан. Эрсиз чидолмапти, эрсирапти, дейишади.

... Хотин ўрnidан турганда унинг ҳозиргина чарақлаб турган юзини қайғу булутлари қоплаб олган эди. Утин ҳам, ўт ҳам жой-жойида қолди. У арқонни олиб, орқасига қарамай уйга жўнади. Оловхон у ёқ-бу ёққа қаради-ю, хотиннинг яширин сўқмоқдан юрмай, тўғри қишлоқ томон бораётганини кўриб, қуршовда қолган бўридек безовталанди. Мияси яшин тезлигида ишлаб, қочиб чиқадиган тешикни топди: «Бу ерда қолсам шарманда бўламан. Яхшиси, сувдан олдин банд ташлаб қўймоқдир».

У шошиб бориб, эшакнинг оёғидан тушовни ечди. Айилни маҳкам тортиб боғлади. Бўйнига хила босиб, Хосиятнинг орқасидан изма-из қишлоққа кириб борди. Қизил чойхонада патефон тинглаб, гурунглашиб ўтирган деҳқонлар бу воқеадан воқиф эмас эдилар.

* * *

Оловхон «олло-таолло буғдойни ҳам икки паллага бўлиб қўйган. Инчунун, ер, ҳўкиз-омоч меники. Меҳнат сиздан экан, ҳосилни дон-дунигача баробар бўлиш керак. Ҳа, дон тоқ чиқиб қолса, шарият бўйича бир донни ҳам иккига бўлиш даркор. Оллоийм унинг ўртасидан чизик тортиб, иккига ажратиб қўйганининг бойиси шу» деб Ғулом тоғани ҳам, Муқим-жувозкашнинг ҳам меҳнатини «ҳалол» қилиб юрган эди. Бугун деҳқонлар «бебошлик» қилиб, унинг ҳамма ерларини ҳайдаб қўйишди. Муқим-жувозчи Хуршиддан:

- Жиян, бизни ҳақ нима бўлади энди,— сўради.
- Зиғир, мана шу ерлар ҳаммаси энди сизники,— деди.
- Мулламинг ҳақи нима бўлади?
- Муллангиз қишлоқ ҳавосидан нафас олиб юрганларига ҳам шукур қилаверсинлар...
- Муқим-жувозчи бу гапни Оловхонга етказди.
- Шундай дедими?
- Ҳа, тақсирим, шундай деди.
- «Шукур қилаверсин... Ҳали менга қишлоқ ҳавосини ҳам раво кўрмаётган экан-да. Бирор нарсани сезган».
- Шу гапни айтганида яна ким бор эди ёнида?
- Муаллима, у ҳайдалган ерларни ўлчаб, ҳисобга олиб юрибди.
- Майли, бузоқнинг чопгани сомонхонагача. Районга бориб, Азимзодага айтаман. Буларнинг ҳаммасини зир қақшатсин.

* * *

Баттолов йиғилишни тор доирада ўтказди. Бу гаплар одамларнинг оғзига ёйилиб кетса, сўнг зарур келганда тониб бўлмасди. Гап айланиб-айланиб, Оловхонга тақалганда:

— Сизлар Акмалхонга нисбатан жуда қаттиққўл бўлибсизлар, — деди. — Шунча нарсани берибди-ю, сизлар яна унга ҳужум қиляпсизлар. Ана шу шошқолоқ, ландавур, калтафаҳмликларинг учун ҳам шунча уруғликни ўғирлатиб қўйдиларинг. Бунинг учун ҳаммаларинг жавоб берасизлар ҳали.

Ғулом тоға йўталди. Хуршид хавотирланиб, Жамилага қаради. Жамила, хотиржам бўлинг, дегандек кипригини учириб қўйди. Баттолов қовоғини солиб, ўтирганларга бирма-бир кўз югуртириб чиқди.

— Қани, ким колхозга ўшанча нарса берди?

Ҳамма жим. Баттолов уруғликни эслатиб, актив-

ларнинг ҳаммасини «эзиб» қўйганидан қаноат ҳосил қилди. Ҳозир ҳеч ким унга гап қайтаролмайди. Шу сабабли асосий мақсадга кўчди:

— Йиртиқ чориғини судраб, оч қорин билан келганлардан нима фойда колхозга? Унинг саводи бор. Агар кўнса, колхозга ҳисобчи қилиб олсаларинг, ўнта бесаводнинг ишини қилиб беради.

Хуршид ўйланиб қолди: «Тўғри, унинг кўп нарсаси колхозга ўтди. Ҳозир олиш-қўшишни биладиган ҳам керак колхозга. Муаллимани токайгача мактабдан айтиб келиб ишлатамиз».

— Лекигин колхозга ҳеч нарсасини бергани йўқ-да.

— Жувоз, тегирмон, экинзорлари-чи?!

— Булар халқнинг кўзига кўриниб турганлари. Қўй-моллари, қимматбаҳо анжомларини яширган. Уларни топмагунимизча... ололмаймиз.

Баттолов кечагина эски чориғини судраб юрган Хуршидга сўзини ўтказа олмаганидан тажанг бўлиб, гижинди.

— Майли, бу ўзбошимчаликларингнинг жабрини ўзларинг тортасизлар...

* * *

— Зулли, — у уйнинг бир бурчагида ерга бағрини босиб, дарси билан машғул бўлиб ўтирган қизига ўғирилди, — чилимни олиб кел, қизим.

Қизча қулоғи устидан бўйнига тушиб турган сочини орқасига ташлади. Чопиб бориб, даҳлиз ташновида турган қовоқ-чилимни келтирди. Хосият сандалдаги кулни титкилаб, оташкурак билан сархонага чўғ олиб қўйди. Ут тамакини тутатаётганида, хотин чилимнинг найдан шундай қаттиқ сўрдикки, суви қўлдираб, сархонадан лоп этиб олов кўтарилди. Унинг қизғиш шўъласида хотиннинг мажҳул юзлари аниқ кўринди. Чилим элит-

дими, хотин деворга орқаси билан суяниб қолди. Шокосасига ботиб кетган кўзларини юмиб, чуқур хўрсинди. Кўзи тиниб, атроф қоронғу кўринганиданми, қизига:

— Чироқни ёқ, — деди.

Қизча ўриндиқдаги чироқни сандал устидаги патнисга олиб қўйди. Шишани артиб, пилигини ёқди. Унинг ёғдуси хотинни ёритди: чиройли, қорамағиз юзлари сўлиб, кўзлари ич-ичига чўкиб кетган. Боқишлари парижон. Пешанаси, бўйни, қирра бурунлари устини жигар ранг доғ қоплаб, лорсиллаган тани қуриб, териси устихонига ёпишган. У олдинги Хосиятга сира ўхшамасди. Сержаҳл, Зулайхони илгаригидек эркаламайди ҳам.

— Пилигини кўтариброқ қўй, — деди қизига жаҳл билан.

Қизча онасига ғалати бир тикилди-да, ўрнидан туриб, чироқ пилигини кўтариброқ қўйди. Яна ўрнига ўтириб, дарси билан машғул бўлди.

Хосият нафаси сиқилиб, айвонга чиқди. Ошхонага бориб, тиззасида чўпчак синдириб ўчоқ остига ташлаётганда юраги остида муштдеккина бир нарса безовта типирчилади. Хосият сесканиб, қаддини ростлади. Кўрқинчли туш кўрган-у, унинг даҳшатидан ҳали ўзига келолмаган кишидек атрофга шовурли кўзлари билан тикилди. Тани музлаб кетди. Бу — эрига қилган хиёнатининг белгиси эди... «Мен борман, мен хиёнат бўлиб дунёга келялман», дегандек яна типирчилади-да, тинди. Хотиннинг вужудини қўрқинч, дард қамраб олди. «Нима қилиб қўйдим? Бундан ортиқ шармандалик борми! Нега ўшанда уни тишлаб, тирнаб, гўштини парча-парча узиб олмадим? Раҳмоннинг уйида, у юрган ҳовлида бировдан бўлган болани қандай қилиб кўтариб... йўқ, йўқ, ер ёрилиб кетгани маъқул бу шармандаликни бошдан ўтказгунча».

Хотин бармоқларини тишлаб, томоғидан сизиб келаётган аламни ютди.

Жамила мактабдан қайтганда Хосият уй дарчаси ёнидаги кўрпачада ғужанак бўлиб ётар, ҳар замон тамшаниб, дардли инқилларди.

Муаллима қўлидаги дафтар-китобларни токчага қўйиб, Хосиятнинг боши устига эгилиб қаради. У кўзини очмади. Тахмондан кўрпача олиб, устига ёпиб қўйди.

Айвонга чиқиб, сават остидан супрани олди. Қолган-қутган унларни қоқиштириб, тоғорада икки зувала хамир муштлади. Уни ёйиб, қозонда қотириб олди. Чой дамлаб, уйга кирди. Зулайхо дафтарларини йиғиштириб, дастурхон ёзиб турар, онаси эса ҳали ҳам бош кўтармай ётарди.

Жамила қотирма, чойнакни дастурхонга қўйиб, Хосиятни туришга ундади:

— Опа туринг, чойдан иссиққина ичинг, кейин ўралиб ётсангиз, терлайсиз.

Хосият инқиллаб, бир қўлини кўрпачага тираб, ўрнидан турди. Дастурхонни йиғиштириб олаётиб Жамила ундан сўради:

— Опа, қаерингиз оғрияпти? Райондан дўхтир айдириб келайми?

Хотин бош чайқади. Озиб-тўзиб кетганидан яна катталашган кўзларида ёш ялтираб кўринди. Бошини эгиб, енги билан кўзларини артаркан, хўрсинди:

— Бу бедаво дард. Дўхтир ҳам, қоқинчи ҳам корини қилолмайди. Уламан-да қутуламан.

— Ундай деманг. Нега ундай дейсиз опажон?..

* * *

Жамила эрталаб барвақт туриб, юз-қўлини ювди. Учовлон нонушта қилдилар. Жамила Зулайхонинг қўлидан ушлаб, мактабга бориш учун даҳлиздан чиқа-

ётганда Хосият уларга эргашди. Дарвозага етганда:

— Укажон, — деди ийманиб, — бизлар сенга тирик товон бўлдик. Ҳадеб бизларга қайишавермай, ўзингга ҳам қараш. Ешсан, бир икки сидра кийим қил.

— Кийимларим етарли-ку, — деди Жамила ўгирилиб.

— Йўқ, бу ёқларнинг таомилини билмайсан ҳали. Духобадан кўйлак қил. Узун бўлсин. Пойча-жияк ҳам. Муаллимасан, ҳамма сенга қарайди.

«Муаллима! Ҳа, ҳамма унга қарайди. Энди ўша рўдапо кийимларни яна илсинми? Йўқ. Мен улардан эмас, улар мендан ўрганиб кийинишсин».

Улар кетиши билан Хосият саросимага тушиб қолди. Чойдушда қолган илиқ сувдан бир пиёла олиб, уйга кирди. Нонсандиқнинг орқасидан қоғозга ўроғлик нарсани олди. Очди: Алаф барги! Хина! Нима қилсин?

У қўлини кўкрагидан пастроққа туширди. Қорнида бир нарса тўлғонди. Ўғилми, қизмикан? Бола! У бу хонадонга яширин кириб келяпти. Ҳали кенг кўйлак остида бекиниб ётибди. Дунёга чиққани йўқ-у, Хосиятни шунча азобларга дучор қияпти. Бу тахлитда юрверса... Ичида ўсаётган янги ҳаёт томирларини куйдириб ташламаса, у бора-бора ўзининг хону-монига ўт қўяди. Ақлдан оздиради бу азоблар. «Ақлли хотин номаҳрамга юзини ҳам кўрсатмайди. Мен эса... Номусиз, бевафо! Энди мен Раҳмон учун ҳаром!»

У пиёладаги сувга дорини солди. Кўзини юмди. Бармоқлари қалтираб, зарб билан бошини кўтариб, пиёладаги суюқликни шимирди. Пиёла тишига тегиб, бир-икки томчи лабларидан кўкрагига оқиб тушди. Тахир нарса томоғини қириб, зудлик билан танага ёйилди. Вужудини тер босди. Сочлари ҳўл пешанасига, бўйнига ёпишди. Ўзи қилган ишдан ўзи қўрқиб, шипга,

деворларга телбаларча термилди. Ич-ичидан бир дард қалқиб, томоғини бўғди.

— Оҳ... — қирғоққа ташланган балиқдек оғзини катта очиб, нафас олди. Оғриқ бутун танига югуриб, жисмини бурда-бурда қилиб юбораётган эди. Кўз олди қоронғилашиб, уйда ҳалқа-ҳалқа оловчалар суза бошлади. Ҳолсизланиб, эски-туски кўрпалар йиғиб қўйилган тахмонга суянди.

* * *

Жамила мактабдан қайтиб, ҳовлига кириши билан ошхона орқасидаги қозиқда боғлиқ турган эчки кўзларини жовдиратиб, сув, ўт дегандек маъради. Қизнинг юраги ортга тортиб кетди. «Опам сув, ўтни унинг ёнидан канда қилмасди-ку...»

Ҳовлиқиб супага чиқди. Даҳлиз эшигининг бир табақаси ёпиқ, бир табақасини шамол гоҳ очиб, гоҳ гичирлатиб ёпарди.

Жамила даҳлизга кирганда ичкаридан инқиллаган ҳансираш эшитилди. Тахмон ёнида бир нарса ётарди.

— Вой, ўлай! — Жамила қўлидаги китоб-дафтарларни пойгакка қўйиб, югуриб беморнинг ёнига борди. Унинг орқасидан даҳлизга кирган Зулайхонинг оёғи наMATнинг йиртиғига илашиб, йиқилди. Қўлидаги сиёҳдон ташновга отилиб кетиб, чил-чил синди. Сиёҳ қўйлагининг этагига, деворга, шу ерда турган обтобага сачради...

Нима қилишини билмай саросимада қолган Жамила югуриб ташқарига чиқди. Уфқдан улкан қора булутлар бир-бирини қувиб, чопиб келишарди. Шамол юзни чимчилайди.

Қаёққа боришини билмаган Жамила яна югуриб уйга кирди.

Уйлар, дарахтлар сукутда. Ёмғир киши кўнглида мунгли ҳисларни қўзғаб, қалбга рутубат солади. Бошдинги ўраб, кўзни чирт юмиб ётгинг келади шундай дамларда.

Жамила тиззасини қучоқлаб бир деразага, бир ўй ўртасида ётган беморга термилади. Деразага томчилар чаплашган. Гўё уй чуқур хўрсиниб, йиғлаётгандек. Беморнинг ранги ваъфарондек сарғайиб, юзи озиб-тўзиб кетган. Кўзларидаги нур ёниб бўлган шамдек сўнмоқда. Тушга яқин у мажолсиз лабларини очиб, ётган ўрнида тўлғонди:

— Жа-амил, Зуллини ўқит... Мулладан эҳтиёт бўл... у илон...

Жамиланинг танига титроқ югурди: «Буни йўлдан урган ўша экан-да...».

Бемор қалта-қалта нафас олиб, девор, деразаларга маъносиз тикилди. Томоғи хириллай бошлади.

Жамила паҳтани сувга ботириб, беморнинг оғзига томиза бошлади. Хосият бир-икки ютинди-ю, аммо сув томоғидан ўтмади. Томизилган томчилар лабининг икки чеккасидан оқиб тушиб, ёстиққа сингиб кета бошлади. У бирдан бошини кўтариб, Жамилага, унинг орқасида турган Зулайхога бақрайди. Қўл-оёқлари қаттиқ бир типирчилаб, жон ришталари узилди.

— Опа, опажон, опа! — Жамида унинг устига энгашиб, елкалари силкиниб йиғлади. Унга қўшилиб Зулайхо ҳам чинқира бошлади:

— Она, онажон, онажоним-эй...

Уларнинг товушини эшитиб, ён қўшнилар чиқишди. Хуршайдга одам юбордилар.

Уни дафн этишга қариндош-уруғ ва бир-икки қўшниларгина боришди. Жасадни нарвонга қўйиб, қишлоқ четидаги тепалик — қабристонга олиб кетишди. Жамила билан Зулайхо фарёд қилиб қолишди. Қабристон-

нинг бир ташландиқ бурчаги келгинди ва ғарибларга ажратилган бўлиб, уни Ғарибмозор деб аташарди. Гўрков Хосиятнинг жасадини ота-боболарининг хилхонасидан четроқдаги ана шу Ғарибмозордаги лаҳадга қўйди.

* * *

Жамила уйга кирди. Чироқнинг хира нурида хона совуқ, зах, ниҳоятда катта, ҳувиллаган кўринди. Икки-уч кундан буён ухламаган Зулайхо иссиқ сандалга оёғини тиқиб, кўрпани бўғзигача тортиб ётди. Ҳаял ўтмай ухлаб қолди. Жамила ўпкаси тўлиб, ўзини қаёққа қўйишни билмай турганда Бозорникидан катта товоқда дастурхонга ўроғлик ош келтиришди. Бир оздан кейин яна даҳлиз эшиги ғичирлади. Бўсағада оёқяланг, бир қўлида тугун кўтарганча Асрор турарди.

— Ҳа, — деди Жамила ғамли кўзларини унга тиқиб.

— Хуршид амаки ун, гуруч бериб юборди. Мулла ун берди.

— Кел, ўтир, бир оз исин сандалда.

Асрор оёғини сандалга тиқиб, ошдан еди. Кетмоқчи бўлиб ўрnidан турди.

— Ма, бунни ол,— Жамила боланинг қўлига Оловхоннинг унли халтасини қайтариб берди, — йўлда муллага бериб кет, садақага муҳтож эмас экан улар, де.

Асрор Оловхонникига кираётганда мулла ҳовли саҳнида туриб, яктагининг чўнтагига бир парча қоғозни буклаб солаётган Муқим-жувозчига ниманидир тайинлаётган экан:

— Эҳтиёт бўлинг. Йўқолмасин. Эрта шаҳарга боришингиз билан энг аввал почтага кириб, ўз қўлингиз билан топшинг.

Мулла гапини тугатгунча Асрор ун халтани супага қўйди. Индамай чиқиб кетаётганида, Оловхон унга ўгирилди:

— Ҳа, олмадими?

— Йўғғ.

— Нонкўр, мен чин кўнгилдан...

Муқим тоғанинг киссасидаги хат Раҳмонга аталган бўлиб, Оловхон бу хат унга тегадими-йўқми, Раҳмон тирикми-ўлганми, ҳар эҳтимоли учун сувдан олдин банд ташлаб қўйди. Унда қуйидагилар ёзилган эди:

«Раҳмон, бандачилик экан, Хосиятинг оёғини эгри босиб, гуноҳ қилиб қўйди. Бунга ўша муаллима айбдор, юз-кўзини очди, ёмон йўлга бошлади. Ор-номусга чидаёлмаган хотининг ўзини ўзи ҳалок қилди.

Болангдан хавотир олма. Унинг ош-нони, кийим-кечагидан хабардор бўлиб турибмиз».

* * *

Оёқ шарпаси эшитилиб, эшик очилди. Бошига паранжи ёпинган жувон ичкарига кирди. Хуршид унга тикилди: «Қим экан?».

Паранжи қия очилиб, қуюқ ўсма тортилган чатма қош, бодом қовоқ остида жовдираган қора кўзлар, қирра бурун, оппоқ қонсиз юз кўринди:

— Зевар, ҳа, сенмисан? — Хуршид ўрнидан туришини ҳам, ўтираверишини ҳам билмай қолди. — Кел, ҳа, нима гап?!

Ламонда хотинлар бегонага тирноғини ҳам кўрса-тишмайди. Шу сабабли Хуршид Зеварнинг бундай туришидан ажабланди. Зевар узун бўйли, елкалари кенг, кўкракдор қиз эди. Оқ юзли, ияги узунчоқроқ. Чап яноғида иккита холи бор. Холи атрофида сарғиш-қорамтир жун ўсган. Гўштдор бўйнида марварид маржон. Семиз билакларида олтин зебигардон. «Майли, қариндош, менга сингилдай бўлиб қолганидан ўзини эркин тутяпти»,— деб ўйлади у.

Қиз тўлқинланиб:

— Хуршид ака, сиз кимни севишингизни биламан. Мен ҳам сизни... лекин бир юракка икки муҳаббат сигдириб бўлмайди... Сизларнинг ораларингизда чағир тикан бўлмайман. Ўзингиздан эҳтиёт бўлинг, — деди, — сизни шарманда қилишмоқчи...

— Нима? Ким? — Хуршид ўрнидан турди.

Зевар орқасига бурилиб, хонадан тез чиқиб кетди. Хуршид унинг орқасидан чиқмоқчи бўлаётганда ташқаридан оёқ шарпаси эшитилди. Ҳаял ўтмай Оловхон кирди.

— Ассалому алайкум, — узун бармоқларини Хуршидга чўзди у... — Халақит бермадимми? Гурунган қайтаётган эдим. Қарасам эшик очиқ. Бир хушлашиб ўтай, дедим.

— Марҳамат-марҳамат.

— Бу Хуршидбой, иним, ишлар ҳам жуда кўпми дейман-да. — Оловхон стол устидаги қоғозларга, оқланган деворларга кўз югуртирди.

— Ўзига яраша бор.

— Шу бамаъни, ўқимишли одамларни яхши кўраман. Кўнглим тортади. Шу сабабли бир кўриб ўтай, дедим.

— Бизларда савод ҳам ўзига яраша, домла, наридан-бери.

— А, бу янги мактабда сабоқ олаётган экансиз. Аллақачон ўргатиб қўйишибди. Жуда зукко, донишманд экан-да, муаллимаминиз. — Оловхон Хуршидга синчков тикилди. Хуршид унга: «Муллага инсоф бериб, ўзгариб қолибдими? Ё фириб, тилёғламачилик қиляптими?».

— Ҳа, анча ғайратли муаллима.

— Балли. Бу, иним, дунёнинг ишлари шунақа. Қушу парранда, қурту қумирсқа ҳам жуфт-жуфт бўлиб яшайди. Одамзодку азалдан. Энди сиз ҳам... Ҳа, ёшин-

гиз ҳам ўтиб боряпти. Шу муаллима ҳам жуда одобли, оқила кўринади.

— Ҳали вақт бор, домла.

— Қанақа вақт?! Уйлансангиз ҳозир икки-уч боланинг отаси бўлардингиз.

Хуршид кутилмаган бу суҳбатга тутилиб қолганидан хижолат тортди:

— Сўнг уй-жойим, эски яктагу, чориқдан бўлак мол-мулким бўлмаса.

— Ҳа, мол-мулк йигит қўлининг кири. Бари бўлиб кетаверади. Бозорбой акангиз бор, мана биз бор.

Хуршид жим қолди. Оловхон ўрнидан турди:

— Чарчагансиз, дам олинг. Ҳа, айтгандай, у кунги гапларни кўнглингиздан чиқариб юборинг. Жаҳл келганда ақл қочади. Биздан ўтган экан, иним, узр.

Оловхон чиқди. У ҳийласининг амалга ошмаганидан хит эди: «Опаси дуруст. Агар унда Зевардаги ҳусннинг ярми бўлса, қишлоқ эмас, бутун вилоят катталарининг бошини айлантириб қўяди. Бу эса...».

Хуршид унинг орқасидан тикилиб қолди: «Нимага келган экан?»

Х

Зулайхо ўчоққа ўт ёқяпти. Олов эркаланиб, қип-қизил тилларини қизчанинг қўлидаги шох-шаббаларга чўзади.

Даҳлиздан катта сопол товоқда гўшт, пиёз кўтариб чиққан Жамила ўчоқ бошига борди. Энгашиб, доғ ёққа гўшт ташламоқчи бўлаётганида айвондаги онақалдирғоч чирқиллаб, муаллиманинг атрофидан айланиб учиб кетди. Қанотининг шамоли унинг сочларини тўзғитди. Жамила қозонга майдаланган гўшт, пиёзни солиб, капгир билан ковлади-да, сув солиб, сўнг қал-

дирғоч учиб кетган уй томон борди. Бошини кўтариб, айвоннинг вассажуфт шифтига тикилди. Бир қулоч келадиган тўқ кул ранг, танасининг икки ёнида майдароқ доғлари бор, қорни оқ кўлвор илон харидан эҳтиёткорлик билан қалдирғоч ини томон судралиб борарди. Жамиланинг тиззалари қалтираб, қичқирди:

— Зулли, чоп, белни олиб кел.

Илон товушни сездими, Жамилага жуволдизнинг тешигидек кўзларини ҳушёр тикди. Бурни устидаги иккита тук-мўйловини ликиллашиб, Зулайхо бел келтиргунча девор қавагига кириб кетди.

Она қалдирғоч ҳамон чирқиллаб, чарх уриб, бир айвонга, бир ташқарига ўзини урарди. Жамила эски сандалнинг устига чиқиб, бўйини чўзиб, инга қаради. Қалдирғочнинг тўрт жўжасидан иккитаси йўқ эди. Юраги ортга тортиб кетди. Ранги ўчиб, алламаҳалгача ўзига келолмади. Хаёлида уйнинг бурчакларидан ҳалиги илон мўралаб, уни кузатаётгандек эди.

Сесканиб, ташқарига отилиб чиқди. Қуёшнинг уфқда қизариб турган сўнгги нурлари қоронғилик қўйнида эриб битаётган эди. Қопқоқни кўтарди. Шўрва қайнаб-қайнаб кўпикланиб кетибди. Бир косага овқат сузиб кириб, Зулайхо билан ичди. Кун бўйи чопиб ўйнаган қизча кўрпачага чўзилганча ухлаб қолди.

Жамила ўрнидан туриб, дераза олдига борди. Қоронғида бир-бирининг бағрига сингиб кетгандек кўринган дарахтлар соқчидек турарди. Тун жуда сеҳрли.

У чироқ ёқиб, токчага қўйди. Уй ёришди. Бир парвона шиша атрофида айланиб-айланиб, ўзини ўтга урди. Қанотлари куйиб, чироқ остидаги тақсимчага тушди. Жамила уни қўлига олиб, зарҳал қанотчаларини бармоқлари билан ёйиб кўрди: жонивор, ёруғликни деб бунча ўзингни ўтга урмасанг! Сўнг токчадан болаларнинг дафтарларини олди. У ўқувчиларнинг нутқи ўссин

деган мушоҳада билан эркин мавзуда иншо ёздирган эди. Шуларни кўра бошлади.

Асрорнинг дафтари. Тоза. На муқоваси, на варақларида доғ бор. Ҳарфлари ётиқ, бир-бирига суюниб, саф тортиб тургандай: «Тун ваҳимали,— деб ёзибди сола.— Лекин кундуздан яхши. Тунда одамлар, дарахтлар, шамол ҳам ухлайди. Фақат дарё, юлдузлар уйғоқ. Тунда қуёш экинларни қовжиратмайди. Утлар ўсади, яхши тушлар кўраман. Ер ҳам, дарахтлар ҳам, ўтлоқлар, қўй-сигирлар ҳам дам олади».

Жамила дафтардан кўзини узиб, қўлини иягига тираганча хаёлга чўмди. Чироқ пилиги ипак қурти баргегандек майин пихиллаб ёнади. Эшик тирқишидан кирган дайди шамол унинг тиллари билан ўйнашади. Ишлар, ташвишлар билан бўлиб, у болаларнинг улғайганини сезмай қолибди. Бинойдек фикрлайдиган бўлиб қолишганидан суюнди.

Фурури тошиб кетди: «Шу гўдакнинг йигит бўлганини кўрармиканман? Кўраман, албатта кўраман». Юраги қувончга тўлиб, қизил қалам билан варақнинг бурчига «аъло» деб ёзиб қўйди.

«Онам, э худойим, унимиз кундан кун камаёпти, арпа пишгунча сизларни оғзиларингни тикиб қўяманми, дейди. Оғзимизни тикиб қўйсалар нима қиламиз, муаллим? деб ёзибди синфнинг охирги партасида олача қўйлак кийиб ўтирадиган, қоп-қора, ориқ қизча. Жамиланинг ҳам кулгиси қистади, ҳам бу шўрлик онага раҳми келди, — ер-очкўз, суқ, дейди отам. У деҳқоннинг меҳнатини, пешана тери, ёшлигини ютармиш-у, эвазига арзимас нарса берармиш. Ёшлигини қандай қилиб ютаркан? — Ажабланиб ёзади қизча. — Мен сигирни, товуқларни яхши кўраман. Иккиси ҳам ҳеч нарса сўрамайди, ютмайди. Сут, тухум беради». Қизалоқлардан бири: «Қўйимиз иккита туғди, — деб ёзибди — ўзи

ўлиб қолди. Қўзичоқлари бирам чиройликки, кўзлари мунчоқдай-мунчоқдай. Сут ичмаса булар ҳам ўлади. Қўшниларимизнинг сигири соғиндан чиққан. Нима қилсак экан-а? Укамни эмизган онажоним уни ҳам эмизса бўлмайдими? Катта бўлганда қарзини берарди».

Жамила кулиб, сариқ муқовали дафтарни қўлига олди. Устига «Зулайхо Раҳмон қизи» деб ёзилган. Очди. Варақаларига сиёҳ тўкилган. Ҳарфлар ўчоқ бошидаги ўтиндек остин-устин қалашиб ётибди. Жаҳли чиқиб, ўқимасданоқ «ёмон» қўйди. Сўнг «ёмғир» сўзига кўзи тушди. Қизиқиб, қани нима ёзибди, деган илинжда зўр машаққат билан ўқий бошлади. «Осмон — ернинг томи. Юлдузлар унинг туйнугидаги тешиклар. Шу тешиклардан ёмғир ёғади. Ёмғир яхши нарса. Ҳўл сочлари билан экинларни суғоради. Тариқ, нўхат, арпа, жўхорилар тез ўсади. Ёмғир яхши-ю, уйларни бузгани ёмонда... Утган йил ошхонамиз томини, деворларини иви-тиб, қулатиб кетган эди.»

Муаллима ўйланиб қолди. Қизалоқ ҳаётга ўз кўзи билан қарабди, мулоҳаза қилибди. Муҳими шу эмасми? Айтганингни тўтидек такрорловчи болалардан, хунук ёзса-да, ўзи мулоҳаза юритувчи шунақа ўқувчи афзал. Бу сўзларни ёзгунча унинг кичкина бошига не-не фикрлар келмаган, не-не воқеаларни эсламаган, муштдеккина юраги не ҳолда типирчилаб урмаган дейсиз!

Жамила ўчирғич олиб, ўзи ёзган «ёмон» сўзини авайлаб ўчирди. Урнига «яхши» деб ёзди. Сиёҳ қогозга шимилиб, чизиқлар шишди. Ҳарфлар катталашгандек кўринди кўзига. Кўнгли таскин топиб, дафтарни бир чеккага олиб қўйди.

Урнидан туриб, икки кўли билан ингичка белини ушлаб керишди. Чарчаган кўзларини уқалаб, маҳзан

тортди. Дераза ёнига борди. Дарчадан ой мўралаб турибди.

Қулоғига оёқ шарпаси келиб урилди. Аъзойи балани қалтираб, даҳшатдан юраги увишгандек бўлди. Шарпага қулоқ тутди: итми ё мушукмикин? Эчки қоғиздан бўшамаганми? Йўқ, оёқ шарпаси. Жамила саросимада Зулайхони уйғотмоқчи бўлаётганда эшик зулфини шақирлади.

— Ким?

— Мен, — боланинг товуши эшитилди.

— Асрор? Кир, киравер.

Бола уйга кириб, муаллимага сирли тикилди.

— Тунда нима қилиб юрибсан?

— Муқим тоғанинг такаси йўқолувди. Қидирдим. Ғарибмозорда қолувкан, топиб борувдим, мана бунин берди, — Асрор қўлтиғидан оппоқ битта нон чиқарди.

— Яхши. Нега уйга бормадинг?

— Нонни кўрсатай девдим сизга.

— Нонни?!

— Ҳа.

— Нимайкан? Нимасини кўрсатасан?

Асрор чўккалаб ўтирди. Бўйнини чўзиб:

— Бунақа нон қишлоқда ҳеч кимникида йўқ... Ҳидинчи, димоқни ёради. Бу... бу ўша йўқолган уруғликдан эмасмикин?

Жамила Асрорнинг бемаҳалда келишининг сабабини энди тушунди.

— Ҳеч кимга айтганинг йўқми?

— Йўқ.

— Яхши. Уни Хуршид амакингга кўрсатамиз.

* * *

Хуршид нонни Ғулом тоғага кўрсатди. У, уруғлик буғдойнинг нонига ўхшайди, донини бир кўрсайдим, деди.

— Қимникидан олдинг нонни?

— Қишлоқдан, бировники... Ҳали гумон. Ҳаммаси-ни тортиб ун қилиб қўйган бўлса...

Гуллом тоғанинг жаҳли чиқди.

— Қанақа аблаҳ шундай буғдойни торттирибди?

Хуршид индамади. Уйланиб қолди: «Муқим тоға ҳам дон-дуннинг қадрига етадиган одам. Агар гумон тўғри бўлса, у ҳам ўзига асраб қўйгандир. Ўзи борса чол шубҳаланиб, орқа-олдини тозалаб олади. Яхшиси Асрорни юбориш!»

* * *

Тонг отди. Йўрға эшакка минган Асрор қишлоқнинг бир бошидан дарвозаларни тақиллатиб келяпти. У Муқим тоғанинг чорбоғига борганда девордан ичкарига қаради. Адол момо сигирни соғиб бўлиб, кўчадан поданинг ўтишини кутиб турган экан.

— Адол момо, ҳайданг сигирни.

Кампир сигирни дарвозагача ҳайдаб чиқди.

— Асроржон, сигиримни яхши боқибсан. Эрталаб бир ярим хурмадан ҳам оширди.

— Бугун дам олиш куни, мактабга бормайман. Кечагидан ҳам яхши боқаман.

— Тўхтаб тур, болажоним, — кампир йўргалаб, уйга кириб кетди. Дастурхонга битта иссиққина, сўлқилдоқ нон ўраб чиқди.

— Ма, ўргилай.

Асрор нонни олиб, хуржунга тиқди. Дастурхонни қайтариб берди.

У кун бўйи Адол момонинг сигири атрофида парвона бўлди. Энг серўт жойларда боқди, бу етмагандек қўли билан ҳам юлиб берди. Икки маҳал суғорди. Кечгача сигирнинг қорни кажаводай шишиб, катта елини оёқлари орасида тиралиб турар, қўл тегизса тизиллаб сут

огилиб кетгудай эди. Дарвоза олдида поданинг қай-
тишини кутиб турган Адол момо сигирини кўриши
билан:

— Ургилиб кетай Асроржондан, болажонимдан, —
деди суюниб.

— Адол момо, нониз жуда мазалийкан-да. Ярмини
момомга элтиб берувдим. Жуда ёқибди. Қаймоқдай-
кан, дедилар.

— Кел, бу ёққа кел, болажоним, — кампир сигир-
ви бўйнидан силаб, айвондаги арқонга боғлади, уйга
кириб, яна битта нон олиб чиқди.

— Момом, нон тишсиз оғзимда ўзи эриб кетди. Қа-
нийди шу буғдойдан бир сиқимгина бўлса, ёруғ ўчоқда
ёрма қилиб, сутли гўжа қилиб ичсак, қолганини чорбоқ-
даги бир парча ерга эксайдик, дедилар.

Сигири ҳар куни елинини тўлдириб, хурма-хурма
сут, қаймоқ келтираётганидан суюнган Адол момо
«эриб» кетди. Уйга кириб, калит олиб чиқди. У ёқ-бу
ёққа қараб, ўтнихона билан сомонхона ўртасидаги
Муқим тоға зигир, кунжут, ёғ сақлайдиган хонани
очди.

— Кел, баққа.

Асрор унинг орқасидан нимқоронғи хонага кирди.
Бир бурчакда тўрт қоп зигир. Эшик олдидаги тол хи-
вичидан тўқилган кашшада икки машрафа тўла ёғ.
Тўрдаги бурчакда иккита халта устма-уст тираб қўйил-
ган.

— Мана буни пастга олиб қўй, болажоним.

Асрор устидаги халтани ерга олиб қўйди. Унда кун-
жут бор эди. Кампир остдаги халтанинг оғзини очиб:

— Тут калапўшингни, — деди. Уч-тўрт ҳовуч солди.
Сўнг халтанинг оғзини аввалгидай боғлади. Икковла-
шиб кунжут солинган халтани жойига қўйишди.

— Раҳмат, моможон, — Асрор дарвоза томон югурди.

Кампир унинг орқасидан тайинлаб қолди:

— Сигиримни эртагаям яхши боқ, қаймоқ ҳам бераман...

* * *

Хуршид идорада ёлғиз ўтирган эди. Эшик очилди:

— Хуршид амаки, — бўсағада новча, озгин, кўзлари жовдираган бола кўринди.

— Ҳа, Асрорвой, кел, жиян. — Хуршид болага пешвоз юрди. Асрор бўйнига осилган жилдини рансга берди. Хуршид чироқ ёнига бориб, жилддаги икки-учта дафтарни олди. Остида ҳар бири жўхоридай дона-дона буғдой кўринди: «Ўша! Бу ўша уруғликдан! Акам тўғри айтган экан. Энди Муқим тоға районга ҳайдаб кетган «пичанли» араванинг изини қувиш керак...».

— Балли Асрорвой, — Хуршид боланинг нозик, суяклари бўртиб турган елкасига қўлни қўйди.

* * *

Хуршид билан муаллиманинг обрўи ошаётганидан шубҳаланган Азимзода халқ маорифи бўлими мудрига шикоят қилди. «У қиз билар-билмас кўп номаъқул ишлар қилган, бошқа қишлоққа юборсанглар яхши бўларди. Ўқувчилар ҳам, ота-оналар ҳам ҳурмат қилмай қўйибди».

Мудир эса, Жамилани зудлик билан чақиртирди.

— Биз сизни муаллимликка юборганмиз. Сиз эса деҳқонларни бир-бирига гижинглатиб юрибмишсиз, — деди мудир Жамилага. — Энди у жойда туришингиз одобдан эмас. Бошқа қишлоққа ўтказамиз.

— Нега? Энди калаванинг учини топиб, ишни бошлаяпмиз-ку.

— Йўқ, бошқа қишлоққа ўтасиз. Нарсаларингизни йиғиштириб қўйинг. Арава ё фойтун юборамиз.

— Ҳеч бўлмаса ёзги таътил бошлансин.

— Э, гапни кўп чўзаверманг. Юқоридан айтишди. Азимзода ҳам шу фикрда.

— Азимзода! — Жамила енгига қурбақа ўрмалаб киргандек сесканди: «Демак, 1ўгри. Сувни ўша лойқалатиб юрибди. Қўрқибди. Мендан ҳайиқа бошлабди. Меҳнатим зое кетмабди. Болалар, катталар ҳам ўқийдиган бўлиб қолишди. Сепилган уруғлар амал олиб, униб чиқа бошлабди. Зулайхо, Санобар, Асрор... Хуршидни қандай ташлаб кетаман. Ишларни охирига етказмасам, қўрқиб қочди, дейишади. Кўк кўздайларга ҳам баҳона топилади. «Қаерга борса, ўқитиш ўрнига жанжал чиқаради. Тўполон бошлангач, читтакдек бошқа шохга қўнади» дейди.

— Бир-икки йил Ламондан кетолмайман...

Мудирнинг жаҳли чиқди:

— Синглим, ўша Ламондан ёмби топган бўлсанг ҳам кет. Сенга бари бир эмасми қайси қишлоқ бўлса ҳам.

— Йўқ, энди кетолмайман. Бари бир эмас.

Мудир ўрнидан турди. Йўғон бармоқлари билан столни чертди:

— Узинг биласан бу ёғини. Майли, қайсарлигинг фойда берса, қол... Бош котибга ҳам бир кир-чи.

Жамила райком секретарига ҳамма воқеаларни айтиб берди. У Жамилани эшиккача кузатди:

— Қолхозда комсомол ячейкаси тузасиз. Яқинда районга яна бир келасиз.

* * *

Жамила бугун уйдан эртарақ чиқди. Мактаб жимжит. Болалар ҳали келишмаган. Синфхонада ёлғиз Асрор ўтирган экан. Муаллимани кўриши билан югуриб супага чиқди.

— Жамила опа, менга жавоб беринг.

— Нима қиласан?

— Уримга бормоқчийдим.

«Қишлоқ болаларини бундай қувончдан бебаҳра қолдириб бўладими?» хаёлидан кечди қизнинг.

— Бор, чоригингни кийиб кел.

Асрор «оёғини қўлига олиб», шаталоқ отиб кетди.

Ким отасининг чоригинни, ким икки оёғига икки хил калиш кийиб келди. Йўлга тушдилар. Атрофда сарғиш, бўлиқ бошоқлар шовуллайди. Соф ҳаво, шиша осмон, тўқ бошоқлар кўнгилда илиқ, қувончли ҳислар уйғотади. Болаларнинг ҳам баҳри-дили очилган. Асрор ғаллазорга кириб кетиб, бир ҳовуч дон олиб чиқди. Болалар чуғурлашиб, унинг ҳовучидаги дондан олиб, қитир-қитир чайнашди.

Хуршид ёқаси очиқ оқ сурп яктак кийган. Енглари тирсагигача шимарилган. У шавқ-завқ билан чалғи торганида бошоқлари эгилиб турган арпа шағ-ғ-шағғ кесилиб, оёғи остига кўндаланг ётарди. Ҳар замон қаддини ростлаб, қумғон остига ўт қалаётган Жамилага қизариб-бўзариб қараб қўяди.

Тушга яқин аёллар дастурхонларда иссиқ нон, хурмачаларда қатиқ келтиришди. Уроқчилар ариқ ёқасидаги тут соясида чўзилдилар. Аёллар сузма қатиқдан товоқ-товоқ чалоп қилишди. Парча-парча мой сопол товоқларнинг устида сузиб юрарди.

Чарчаб, беллари қотган ўроқчилар тушликдан сўнг жой-жойларида ухлаб қолишди. Атрофда ҳеч ким қолмаганда Хуршид қаддини кўтариб, белини ростлади. Қўйлагини жиққа тер босиб, ёқасига, куракларига ёпишиб қолибди. Урнидан туриб, пайкал четидаги тут остида турган араванинг устига чиқиб ётди.

Кечки овқатдан кейин болалар хотинлар билан қишлоққа қайтиб кетишди. Зулайхо чайлада ошпаз кампирнинг ёнида ухлаб қолди. Эркаклар чой ичишаётганда, Хуршид отни суғоргани етаклаб кетди.

Қирғоқда Жамила Асрор билан юрган экан.
— Ҳа, нима қилиб юрибсизлар?— сўради Хуршид.

— Томоша қиляпмиз.

Асрор чопиб келиб, отнинг жilовини Хуршиднинг қўлидан олди. Суғориб, миниб олди:

— Чу, чу, амаки мен кетдим.

— Майли.

Жамила ҳам кетмоқчи бўлиб, бир-икки қадам қўйганида, Хуршид:

— Зап кеча бўлибдими, — деди.

— Ҳа, — қиз тўхтади.

— Келинг, бир оз ўтирайлик,— Хуршид қирғоқдаги майсага ўтирди.

«Одамлар нима деркин?» — Жамила ўйланиб қолди. Лекин бу ердан жилгиси келмасди. Хуршиддан икки-уч одим нарироққа бориб ўтирди.

Ой тиккага келди. Атроф сокин, осойишта. Жамила бошини кўтариб, юлдузларга термилди:

— Шундай тунларда ёввойи ғозлар жуфт-жуфт бўлиб, сомончи йўли бўйлаб, Аму қирғоқларига, Оролга учишаркан. — Қизнинг текис, оппоқ тишлари ойдинда ялтираб кўринди.

Хуршиднинг қувончи ичига сиғмайди. Сомончи юлдузлардан ҳам узоқда гуялган қиз ёнгинасида ўтирибди-я. Ҳозир унинг учун дунёда шу қиздан бошқа ҳеч нарса йўқ, жаҳонни шу қиз тўлдириб турибди. Ўрим-йиғим ҳам, деҳқонлар ташвиши ҳам унутилган. Энтикиб:

— Қанийди менинг ҳам қанотим бўлса, — деди.

— Нима қилардиз?

Хуршид ҳаяжонланди. У ёнидаги юмшоқ майсаларга қўл чўзиб, силади:

— Айтсам мендан кулмайсизми?

— Нега куларканман?

— Учардим. Сизни олиб учардим.

— Қаёққа?

«Қаёққа? Чиндан ҳам қаёққа?»— Хуршид ўйланиб қолди.

— Сизни биринчи марта кўрганимдан буён хаёлим ўша ғозлардан ҳам баландроқда учиб юрибди. Сиз эса ундан ҳам баланддасиз. Лекин ундан олдин ҳам сизни кўргандайман. Хаёлимдами, билмайман.

Қиз қизарди: «Мен ҳам сизни кўрмасимдан олдинроқ учрашгандайман».

— Мен ҳам... — Жамила лабини тишлаб қолди.

— Биладан, мен сизнинг тенгиз эмас, саводсиз, қишлоқи. Сиз ўқимишли... шу сабабли...

— Бўлди, бўлди, — Жамила Хуршидга яқинроқ сурилиб, унинг лабини иссиқ, мулойим бармоқлари билан бекитмоқчи бўлди. Ноз ила, — бошқа ундай деманг, — деди.

Хуршиднинг димоғига қизнинг хушбўй ҳиди урилди. Ҳаяжонланиб, қизга ўгирилди:

— Менга сизни кўриб туришнинг ўзи кифоя. Бошқа ҳеч нарса керак эмас.

— Зевар-чи? — Қиз йиғитни синамоқчидек зимдан тикилди. — Нима бўлади Зевар?

Хуршид қаддини ростлади:

— Жамила... — қиз Хуршиднинг оғзидан биринчи марта ўз исмини эшитиб, эти ёқимли жимирлади. Хуршид ҳам энг асосий гапини айтиб олгандек, енгил нафас олди, — худо ҳақи, уни эслатманг, Зевар билан менинг орамда ҳеч гап бўлгани йўқ. Ҳаммасини опаси ўйлаб топган.

— Биладан.

Иккови ҳам жим бўлиб қолишди. Енгил шабада майсалар бошини силаб ўтади, тутнинг майда япроқ-

ларини шивирлатади. Қиз бошини эгиб, табассум қилди: «Боплаб бир қўрқитдим».

Йигит уялиб, оёғи остидаги ўтлардан биттасини узиб олди: «Рашк қилибди. Демак, севаркан. Севаркан!»

Улар бир-бирларига меҳр билан жилмайиб қарашди. Хуршид бир ҳовуч хушбўй ўтларни узиб, унинг елкасига сочди. Жамила йигитнинг қўлини ушлаб, кафтлари орасига олди...

* * *

Ламондаги гаплар бирин-кетин районга етиб келаётган эди. Энди уларнинг йўлини тўсиб бўлмайди. Бугун Баттолов кабинетига ўтирганида суд раиси қўнғироқ қилди. У Ламон воқеаларидан гап очиши билан Баттолов:

— Ҳозир бўшман. Келинг,—деди товуши юмшаб.— Бафуржа гаплашамиз. Ишим кўп дейсизми? Майли, майли, мен бора қолай, ўзимни ҳам ўша ёқда ишим бор эди.

Доим кишиларни кабинетига чақиртириб, буйруқ оҳангида гапирадиган Баттолов бугун биринчи марта суд раисининг кабинетига борди. Унинг гапларини эшитиб бўлгач:

— Мен бу қишлоқни яхши биламан, — деди. — Хуршид яхши йигит, шунинг учун мен уни раисликка тавсия қилган эдим. Лекин, акаси бор уни, ёмон, хавфли. Ушанинг ногорасига ўйнаяпти шекилли. Муаллима ҳам хушёрликни йўқотиб, ўшалар томонига оғиб кетган.

Судья икки кундан кейин ўзи ёки жиноят қидирувчилардан бировини юбормоқчи бўлди.

Баттолов у ердан ўйга ботиб, хомуш чиқди: «Жамила ҳамма гумонларини бош котибга айтган. Уларни ту-

тиб келишса, сўроқ пайтида ҳамма гап очилиб қолади. Фош бўламан. Чораси...»

Уйга кирди. Ювиниб, хизматкорининг қўлидан сочиқни олаётганда, у:

— Хўжайин, одамлар юборган экансиз, — деди.

— Қанақа одамлар?

— Билмадим. Уйларни ремонт қилиш керак экан. Қайси хонадан бошласак, деб ошхона, омбор, меҳмонхоналарни кўриб, чиқиб кетишди.

— Танимадингми?

— Йўқ. Илгари ҳеч кўрмаганман.

«Тамом! Исковичлар ҳидни сезибди,— Баттоловнинг юраги ваҳимадан гуп-гуп уриб, бошига қон югурди. — Бирдан бир йўл фош этадиган тилларни кесиш!»

Ёғларни сотиб бўлган Муқим тоға, Азимзоданикига кирди. Эгнига чопон кийган, бошида чуст дўппи, қайроғоч остидаги курсида газета ўқиб ўтирган Азимзода ўрнидан туриб, унинг ёнига келди:

— Тўғри қишлоққа кетасизми, амаки?

— Ҳа...

— Мана шу хатни Акмалга бериб қўйинг. Биров кўрмасин.

Уша кун Оловхон хатни олди.

«Маслаҳатимиз пишмади, — деб ёзилганди унда.— Энди ўша теракни тез йиқитасиз. Экинларга сояси тушиб, халақит беряпти. Енидаги бутаб қўйилса етар».

«Шайтон, — деди Оловхон. — Бировларнинг қўли билан олов тутқазиб, тандирни қизитяпти. Лекин бу «маслаҳат»га кўнмасдан илож ҳам йўқ. Йўқ десам, Азимзода мени ғиппа бўғиб, жаҳаннамга итариб юборади. Унга ишонишади, менинг гапим инобатга ўтмайди, туҳматчи, деб ҳамма гуноҳларини менинг бўйнимга ортади-қўяди. Энди... Шунча галланинг ҳидини чиқармай ҳазм қилди. Санобар можаросини тинчитиб қўйди.

Муаллиманинг нафасини ичига тушириб юборди. Раҳмонни томири билан қуритди. Той-той қоракўл териларни саранжомлади. Ҳозир пичоғи мой устида, тутганини кесади. Бу ёғни ҳам ўйлаб қўйгандир... «Енидагиси бу таб қўйилса етар...» дебди-ку. Ҳа, йўлини топган! Лекин, қазилган гўрга мени итармоқчи бўлса, ўзини ҳам тортиб кетаман!..»

XI

Эгри-бугри сўқмоқдан бир йигит ўйчан қадам ташлаб келяпти. У катта йўлга чиққанда бир оз иккиланиб турди-да, ўнг қўлдаги тор кўчага бурилди. Икки табақали дарвозанинг зулфини қоқди.

— Ким? — Ичкаридан енгил оёқ шарпалари яқинлашиб келиб, эшик очилди.

— Хуршид амаки, киринг-киринг, — Зулайхо Хуршидни ичкарига тортди.

Ошхона эшиги олдида катта сопол тоғорада сочини юваётган Жамила тўлқинланиб ўрнидан турди. Киприклари пирпиради. Юзига қатиқ суртган экан. Сочини сидириб, кулча қилди. Еқасини ушлаб:

— Вой-й, — деганча ошхонага кирди. Офтобадан юз-қўлини ювиб, эшикка осиб қўйилган сочиққа апилтапил артинди. Тезда уйга кириб, сочларини ёйиб, таррадди. Икки ўрим ҳўл сочи белидан пастга тушиб, учлари юқорига қайрилиб турарди. Бошини пушти дурра билан танғиб, кўрпача кўтариб чиқди. Супага полос солди. Устига кўрпача тўшаркан:

— Мусофирларни унутиб қўймабсиз, раҳмат, — деди. Узун қора киприклари бир кўтарилиб, шаҳло кўзларига парда бўлиб тушди.

Йигит «Сизни унутиб бўладими, кафтимда олиб юраман, кафтимда» деган фикрни хаёлидан ўтказиб, ютиниб қўйдди.

— Тинчмисизлар, — деди кўрпачага ўтираётиб, қизга суқланиб тикиларкан. Йигитнинг термилиб турганидан қиз уялди. Қулоқлари қизариб, кўзлари ички бир нурдан ёришиб кетди. «Тирноғидан сочигача — бутун борлиғи, бутун гўзаллиги билан меники бўлармикин? Бўлади. Дунёда бу дилбардан мени ҳеч ким жудо қиллолмайди...» — дилида пичирлади ўзига у. Бахт ва илиқ ҳислардан йигитнинг юраги орзиқиб кетди. Ҳозир айтади, юрагида тугиб юрган ҳамма гапларни айтади!

— Жамила... — қиз йигитга ялт қаради. Хуршид кўнглида қайнаб-жўшиб ётган, бироқ мияда ҳали шаклланиб пишмаган сўзларни тўкиб солмоқчи эди-ю, айтолмади, ошхонадан Зулайхо келиб қолди:

— Амакижон, мени отга миндирасизми? Асрорвой минибдилаку.

— Ҳа-ҳа, албатта, — деди Хуршид кўнглидагини айтмаганига ҳам қувониб, ҳам афсусланиб. Йўқса, сўзлар чала қоларди.

Жамила йигитнинг юрагидагини кўзларидан, ёлворувчан боқишларидан тушундим, ёки Зулайхога қилаётган меҳрибонлигидан меҳри товланиб кетдим, оқмағиз юзига қирмизи ранг югурди. Улар бир-бирларини кўзлари, боқишлари билан эркалашарди.

— Бир нима демоқчийдизми? — сўради қиз ибo билан бош эгиб, дастурхон бурчагини қайираркан.

— Ҳа, районга чақиртиришибди, сессия бўларкан.

— Ие, мени ҳам райкомга чақиртиришибди. Колхозда комсомол ячейкаси тузиш масаласида.

Йигит суюнди. «Ҳамма гапни ўшанда айтаман», деб қўйди ичида.

— Жуда соз, шаҳарни бирга томоша қиларканмизда...

Қиз лоладек қизарди. Урнидан туриб, уйдан косаларни олиб чиқмоқчи бўлганда, Хуршид:

— Овора бўлманг,— деди.— Мен шундай кирувдим, вақт зиқ.

— Ҳечқиси йўқ, ширчай тайёр.

Жамила ўчоқ бошига бориб, оташкурак билан оловни тортди. Косаларни совуқ сувга чая бошлади. Супада Зулайхо билан гаплашиб ўтирган Хуршидга зимдан тикилиб қўйди. Унинг бу қарашида шу содда йигитга бўлган ширин бир ҳис, зориқиб кутиш ифодаси бор эди. Йигитнинг дўнг пешанаси, катта қўй кўзлари, буғдой ранг юзи, содда, улуғвор боқиншлари унга ёқарди. Фарови ятак кийиб, белни қийиқча билан боғлаб олганидан унинг бўйи янада новчароқ кўрнарди.

Шу пайт Хуршид ҳам қаради. Кўзлар тўқнашди. Хуршиднинг қошлари бир силкинди. Иккови ҳам кўзларини олиб қочинди.

Жамила дастурхонга иккита нон, сутчай келтириб қўйди.

— Қани, ўтирнинг ўзиз ҳам, — деди йигит.

Жамила Зулайхонинг ёнига ийманиб ўтирди. Овқатланиб бўлишгач, Жамила дарвозагача унинг орқасидан эргашиб борди. Йигит орқасига ўгирилди:

— Эрта не вақт жўнайсиз?

— Тушдан кейин.

— Мен тонгда кетаман, — деди Хуршид севиниб. — Эҳтимол учрашармиз шаҳарда...

* * *

Жамила синфдан чиқди. Мактаб боғидаги кузда экинган дарахтлар мушукча қулоғидек барг ёйишибди. Чинорлар ҳам «тутибди». Муаллима суюнди. Уйга бориб ўзининг, Зулайхонинг кийимларини йиғиб, ташновга тўдалаб қўйди. Сўнг деворга осилган календарнинг «10 май» деб ёзилган варағини узди. Қип-қизил лолалар расми солинган варақ очилди: «Лола сайри».

Кийим-кечакни ўраб, ошхонадаги тоғорага элтиб ташлади.

Ариқ лабидан этагига майса юлиб келиб, гулмихда боғлиқ турган эчкига ўт бераётган Зулайхога:

— Зуллихон, сен қўшниларникида ўйнаб тур, мен шаҳарга бораман. Кеч қолсам эрталаб келарман, — дея йўлга чиқди.

Қиз қишлоқ четигача унга эргашиб борди.

— Мен ҳам борай.

— Йўл узоқ, чарчайсан.

— Майли.

— Йўқ, дедим-ку! — Жамила қизчани елкасидан қучоқлаб, пешанасига юзини босди. — Чарчайсан. Сенга совғалар келтираман.

Зулайхо унинг ортидан ёлворувчан термилиб қолди.

Жамила дарёдан чиқарилган ариқ ёқалаб кетди. Ариқдан бўтана сув тўлиб оқаётган эди. «Оқаркан-ку! Бўлмайди дейишувди». Жамиланинг кўнгли бир оз ёришди.

Чўл безанган. Ранго-ранг ўтлар кўзни қамаштиради, қушлар сайрайди. Баҳор шамоли қизнинг рўмолини тортқилаб, этакларига бош уриб, тўхта, йўлингдан қайт, дегандек ғувиллайди.

Қиз бошини кўтарди. Қоратўриқ устида кул ранг лут қуёш юзини бутунлай тўсиб олди. Дарё томонидан от дупури эшитилди. Номаялум бир хавф қизнинг танига титроқ солиб, одимини тезлаштирди. Юраги типирчилаб, гуп-гуп ура бошлади. Қиз сесканди. Оёғи остида чарх илонга ўхшаш қамчи кўндаланг ётарди:

— Қани, қамчини олиб бер, рўйхатчи қиз.

Қиз бошини кўтарди. Қоратўриқ устида кул ранг чакмон кийган, носранг дўппили Оловхон қоп-қора чиройли қошларини чимириб турарди.

Жамила енгидан илон кириб, юрагига ўрмалаб бо-

раётгандек титради. Энгашди-ю, яна бирдан қаддини тиклади. Йўл чеккасига чиқиб, отнинг орқасидан ўтиб кетмоқчи бўлди. Отлиқ жиловни буриб, йўлни яна тўсди. Унинг совуқ кўзига кўзи тушиб, қизнинг эти жи-мирлаб кетди. Лаблари пирпиради:

— Йўлимни тўсманг, кеч қоляпман.

— Қамчинни олиб бер, ўзим элтиб қўяман.

Қиз энгашиб, қамчинни олаётганда отлиқ унинг пан-ранг кўйлак ичида тўлқинланиб турган гавдасига суқ-ланиб боқди. Қиз юзини ўгириб, ўнг қўли билан қамчин-ни узатди. Товуши ғазаб, нафратдан қалтиради:

— Манг-г!

Отлиқ унинг билагидан ушлаб, бир тортишда эгар-нинг қошига ўтқазиб олди. Отнинг биқинига жигарранг этигининг пошнаси билан ниқтаб, чайла томон йўртди-риб кетди.

— Қўйворинг, қўйворинг. Қўйинг деяпман! — Қиз қўл-оёқларини типирчилатиб, унинг чанғалидан чиқиш-га уринди. Қўйлагининг ёқа тугмаси узилиб, оппоқ кўк-раги кўринди. Сочлари тўзғиб, кўзларини ёпди.

Оловхон чайла олдида отдан тушиб, қизни белидан кўтариб ичкарига кириб кетди. Анча вақтдан кейин қизнинг хириллагани, оёқларини тапирлатиб, ёлворга-ни эшитилди.

— Ўлдирманг, ўлдирманг...

— Унда сен бизларни ўлдирасан-да! — деди Олов-хон хансираб.

— Йўқ, ҳеч кимга айтм...— қизнинг товуши ўч-ди...

Оловхон чайладан чиқди. Қизнинг катта очиқ кўз-лари, жон ҳолатда юзига чанг солган панжалари кўз олдидан нари кетмасди. Гўё уни биров кузатиб турган, ҳозир келиб ғиппа кекирдагидан бўғадигандек олаза-рак бўлиб йўлга тушди...

Райижроком йиғилишидан қайтаётган Хуршиднинг вақти хуш эди. Сессияда қишлоқ ободончилигига, мактаб қуришга маблағ ажратиш ҳақидаги қарор тасдиқланди. Ҳатто Баттолов ҳам у билан илиқ кўришди. Табриклади. Ламон обод бўлиб кетади, деди. Хуршид қишлоқнинг келажаги ҳақида хаёл суриб келарди.

Кўкдаги ой қора булут орқасига яширинди. Юлғин ва жийдалар қора шарпаларга ўхшарди. Бир юлдузча лип этиб дарё томонга сакради-ю, узун из қолдириб, товушсиз сўнди. Жийдазор оралаб бораётган от қашқирни кўргандек қулоқларини диккайтириб, бирдан орқага тисланди. Хуршид қалқиб кетиб, отнинг ёлидан маҳкам ушлаб қолди. От шовурли кишнади. Хуршид йўл четидаги жийда шохи силкинганини, унинг остида кундадай бир нарса дўппайиб турганини кўрди. Танига титроқ югуриб, нафас олиши тезлашди.

— Чу-чу-чу-в! — Бу ердан тезроқ ўтиб кетиш учун отнинг биқинига этигининг пошнаси билан ниқтади.

Жийда остида биров намоз ўқиб ўтирарди. У ўнг ва сўл кифтига бурлиб, ассалому алайкум, ассалому алайкум, деди-да, юзига фотиҳа тортди. Сўнг бош кўтарди.

— Ассалому алайкум, ҳэ, астағфирулло, йўталмай-сиз ҳам, а, мулла! — деди Хуршид дадилланиб.

Оловхон ҳаяжонини сездирмаслик учун аввал томоқ қириб йўталди. Жойнамоз ўрнига ерга тўшаган белбоғини силкиб-силкиб қоқди, айлантириб белига боғлади. Одоб билан алиқ олди.

— Ваалайкум, ваалайкум ассалом. Қишлоққа борувдим. Намоз қазо бўлмасин деб, йўлда бўлса ҳам... — унинг товуши қалтираброқ эшитилди.

— Йўлга кеч чиқибсиз-да, — деди содда Хуршид мулланинг товушидаги саросимани сезмай.

— Ҳа, от сабил ўлғирнинг оёғига ем тушибди. Пиёда чиқдим.

От қари ва ориқ бўлгани учун Хуршид унга бир оз дам бериб, ўтлатиб олиш учун эгардан тушди. Бир оздан кейин от жиловидан ушлаб:

— Қани, миннинг мулла — деди.

— Йўғ-э, мен мингашаман.

— Беодоблик бўлади-да.

— Зарари йўқ.

Оловхон отнинг сағрисиغا мингашди. От устига махлуқ ёпишгандек бесаранжомланиб, қулоқларини диккайтириб, лўкиллаб, сўнг тасар-тасар йўрғалаб кетди.

«Бирор нарсани сезганмикин? Орқасидан одам эргаштириб келаётган бўлса-я» деб хавотирланган Оловхон йигитнинг от устида силкиниб бораётган кенг елкалари, бақувват бўйнига кўз югуртириб, қўйнига қўл солиб кўрди:

— Ўзларидан сўрасак энди?

Йигит орқасига ўгирилмай жавоб берди:

— Районга борувдим. Йиғилиш бўлди. Янгиликлар кўп.

Оловхоннинг ташвиши бир оз босилди. У шу пайт қоронғи тушиб қолганидан ҳам хурсанд эди. Хуршид унинг афти-ангорини кўролмади.

От ҳамон бир йўрғалаб, бир лўкиллаб борарди.

— Ҳов, секинроқ, йиқитасиз!— Оловхон эгар қорсонидан ушлаш ўрнига Хуршиднинг белидан маҳкам қучиб олди. У баҳона билан пийпаслаб, Хуршиднинг қуроли йўқлигини билди.

Улар жим борардилар. Майин шамол эсарди. Қашқа томондан қашқалдоқнинг инграб чирқиллагани эшитиларди. Хуршид дарё томонга тикилди:

— Ҳаво ҳам исиб боряпти. Эртадан ғалла топшира бошлаймиз.

Оловхоннинг кўз олдидан эса экинзорлари, жувози, боғлари ўтарди: «Мана шу, панжалари орасида турган шу киши эмасми уни шулардан маҳрум этган!» Шу сабабли у гап нима ҳақда бораётганини ҳам тез фаҳмламади. Сергаклиниб:

— Ҳа, — деди. Хуршиднинг биқинига ботиб турган панжалари асабий титради. Хуршид бошини бурди:

— Биқинимни ўйиб юбордингиз, мулла... Ҳазиллаш-яписизми?

— Йўқ, Хуршид! — Мулланинг товуши равон эшитилди. — Мен ўч олмоқчиман! — деди-ю, Хуршиднинг бўйин томирига мушти билан урди. Йигитнинг боши қарахт бўлиб, ерга ағдарилиб тушди. Бошини кўтариб, ўрnidан кўзгалаётганда Оловхон мушукдек сакраб, нағалли этиги билан унинг белига, бўйнига устма-уст тепди. Йигит ерга қапишиб қолди. Оёғи остидаги ер, атрофдаги жийдалар, от кўз олдидан гир-гир айлана бошлади. Мулла қаддини бир оз кўтариб, заҳарханда илжайди:

— Акмалнинг мол-мулкига кўз олайтирган сенми-сан ҳали! Ерларимни олдинг, иссиқ бағримдан хотинимни юлиб олдинг. Яна қаматмоқчисан, ҳали. Энди ўч оламан, хони-монингни куйдираман ҳаммангнинг!

— Уч?

— Ҳа, ўч!

Хуршид ўрnidан сапчиб турди. Оловхон ўзини икки қадам орқага олди. Иккиси ҳам бир оз энгашган, мушга тугилган қўллар кўкракда, пайт пойлаб бир-бирини ёриб ташлашга тайёр. Мулла Хуршиднинг, Хуршид мулланинг ташланишини кутади.

Хуршид чидай олмади, зарб билан олдинга ташланиб, Оловхоннинг чаккасини мўлжаллаб муштини кўтарди. Оловхон писиб, ўгирилди. Хуршиднинг қўли муаллақ қолиб, ўз зарби билан турган жойида айланди.

Бундан фойдаланган Оловхон йигитнинг қорнига зарб билан урди. Қўлини тортиб олишга улгурмасдан чаккасига тўқмоқдек мушт тушиб, қулоқлари зинғиллаб кетди. Хуршид ўзини орқага олиб, мулланинг биқинига зарб билан тепди. Оловхон ётиб қолди. Хуршид оғизбурнини енги билан артиб, от томон бораётганда, ерга ёпишиб дам олаётган Оловхон, хириллади:

— Ҳезалак, қочма!

— Қочаётганим йўқ. Ўзинг кўтаранг эшакдек ётиб олдинг-ку. Мана бўлмаса! — Хуршид ўнг оёғини кўтариб, бир тепишда рақибини ерга қапиштириб қўймоқчи бўлганда, Оловхон сапчиб туриб, унинг оёғини қўли билан маҳкам тортди ва йигитнинг нозик жойига этигининг пошнаси билан тепди. Хуршиднинг юзи бужмайиб, «о» деди-ю, тиззалари букилиб, инграб йиқилди. Оловхон унинг кўкрагига, бўйни, юзига тепди. Йигитнинг кўзига бутун борлиқ эриб, атрофни қора балчиқ ўз комига тортаётгандек кўринди. Оловхон унинг қўлини орқасига боғлади. Оч бўридек атрофга аланглади. Жийда, юлғинлар нафасини ичига ютгандек жим. Ўн қадамлар нарида шўранинг учини чимдиб турган отнинг жиловидан етаклаб келиб, ҳушсиз ётган Хуршидни қоп судрагандай белбоғидан тортиб, эгарга ортди. Узангига оёқ қўйиб, ўзи ҳам миниб олди. Чайлага қайтиб борди. Отдан тушиб, Хуршидни кўтариб мурда олдига кирди. Бошига яна уч-тўрт муштлаб, сўнг қўлини ечди. Унинг қўлларини қийиқча билан ушлаб, мурданинг бўйни, биқини, кўкракларини эзғилатди. Бунга ҳам қаноат қилмади: этиги қўнжидан пичоқ олиб, йигитнинг жағини айирди. Тилининг учини тишлаб олишгандек тилди. Қорини қилмоқчи бўлди-ю, Азимхоннинг хатидаги «бутаб қўйилса бас» сўзларини эслади. Йигитнинг бир қўлини қизнинг яланғоч қорнига қўйиб, ташқарига чиқди. Отни миниб йўлга тушди. «Нима

бўларкин? — ўзича мулоҳаза юритди у. — Азимхон йўлини топарми? Улимдан хабарим бор, бундан йўқ, деб ўтирса... Ҳозир падари-бузрукворингга ҳам ишонмайсан.

...Вақт борида жуфтакни ростлаб қочсамми бирор ёққа...».

Дарё бўйига етганда эгардан сакраб тушиб, отнинг қорнига бир тепиб, ҳайдаб юборди. Нариги соҳилга ўтиб, қамишзорда боғлиқ турган қора тўриқни миниб, катта хотинниқига от сурди...

* * *

От туни билан дарё соҳилларида ўтлаб, эртаси куни чошгоҳда қишлоққа кириб борди. Кўчадаги пастқам тутлардан бирига бўй чўзиб, эгилиб турган шохлардаги барглари сидириб чайнаётганда дарвозадан ит вовуллаб чиқди. От ҳуркиб, тарс-тарс чопганча мактаб олдидан ўтиб кетди. Девор ёнида тизилишиб, офтобда оёқларини иситиб турган болалар унинг орқасидан чуғурлашиб чопишди:

— Хуршид акамнинг оти, ҳов-ҳо-ҳов, ушланглар.

Хонадонлардан эркак, аёллар чиқишди. Кўча бир зумда гавжум бўлиб қолди. Болалардан бири олдин колхоз идорасига югурди. Идора қулф бўлгани учун Хуршиднинг уйига чопиб кетди. Ғала-ғовур устида кампирнинг дод-фарёди осмонга чирмашди:

— Болагинам, болагинам, қани? Оти келиб ўзи келмаган болагинам қани?

Қишлоқ қариялари йнғилишиб, маслаҳат қилишди. Районга чопар юбориб, одам чақиришди. Олти киши бўлиб, от изидан йўлга чиқишди. Уларнинг орасида Бозор ҳам бор эди. Из қирғоққа яқинлашиб, йўл четидagi юлғун ёнидан ўтиб, охири чайлага олиб борди. Улар ичкарига қадам қўйишлари билан икки изтопар бирдан

қотиб қолди. Доктор билан милиционер пастқам эшикдан бош эгиб киришди. Чайлани шўртанг қон ҳиди қоплаган, уч-тўрт хира пашша ғинғиллаб учиб юрарди. Бозор ҳайратдан оғзини очиб, нафаси ичига тушиб, лаблари кўкариб кетди. Чайла ўртасида ётган мурдага яқинроқ бориб, унинг ёнида ётган гавдани кўрди. Кўзлари шокосасидан чиқиб кетди.

— Жигар, жигарим... — у Хуршиднинг устига ўзини ташлаб, ҳўнграб юборди. Сўнг танани ўнгариб, юрагига қўлини қўйди. Йўғон, қабарган бармоқлари йигитнинг қовурғаси остида мушгдек нарса сезилар-сезилмас дук-дук уриб турганини сезд:

— Тирик, тирик экан!!! — у кўзларини енгги билан артиб, ташқарига отилиб чиққанда чекка сочлари оқариб кетган эди. Бунга ҳеч ким сезмади ҳам. Буғдой ранг юзи кулранг тусга кирди. Ҳамма вақт дик бурилиб турадиган мўйлови ҳўл бўлиб, лабининг икки чеккасида ҳорғин осилиб турарди.

Чайлани, мурдани суратга олишди. Хуршидни икки киши Бозор билан бирга районга, касалхонага жўнатишди.

Шу ернинг ўзида протокол тузишди:

ПРОТОКОЛ

Мурда суд-медицина текширувидан ўтказилди.

«1931 йил. Майнинг 11-куни. Қилич-Қўрғонча қишлоғи. Соат 4. Кеч.

Бизлар, протоколга имзо чекувчилар — Қарши район милицияси бошлиғининг ўринбосари Р. Б., район (о) п бошлиғи М. Т. ва тиббий ҳамшира биргаликда қиз кишининг жасадини текшириб, қўйидагиларни ениқладик:

Мурда осмонга қараб ётибди. Бир оёғи чўзилган, бир оёғи букилган. Эгнида паранг кўйлак. Этаклари кўтарилган. Кўзлари очиқ. Бўйнида бармоқ излари бор. Сочни ёзилиб, ерга тўшалган. Чап ёнбошида оқ рўмол. Боши чап томонга бир оз эгилган. Қия очиқ лабининг чеккасида қон сизиб, қулоғи орқасидан ерга оқиб

тушган. Мархума кўринишидан 16—17 ёшларда. Сочи қоп-қора, тупроққа беланган. Юзи шишинқираган. Лаблари қорайган. Тирноқларининг атрофи кўкариб турибди. Катта очиқ кўзларини оқиш парда қоплаган. Бўйнининг олди томонида 6 верш узунликда ипсимон чизиқ ўрни бор. Кўкрагида уч панжали қўл изи.

Унг ва сўл кўкрагининг ости кўкарган. Кифти, бўйни, оёқлари мўматалоқ бўлган. Ёнида оғзи тўла қон, чалажон эркак ерга қапишиб ётибди.»

Х У Л О С А

«Мархума 16—17 ёшларда. Қиз бўлган. Азоб бериб, номуси булғакан. Қиз қаттиқ қаршилиқ қилиб, ўрнидан туришга уринган. Бошининг орқа томонида шишлар бор. Ерга урилган. Уч панжаси бўлган қўл томоғидан бўққан».

...Лекин шу уч панжалли қўлнинг устида қандай қўлнинг изи бор? Буни текшириш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади.

Мурдани аравага ортиб, қишлоққа олиб кетишди.

Қашқа томондан эсган шамол чайланинг бўғатига, томдаги қамишларга бош уриб, мотам тутгандек мунгли ғувуллайди, аламга чидолмай фарёд чекиб йиғлайди. Чайлани гир айланиб, томнинг ўйилиб ётган жойидан ташқарига чиқади. Югуриб-елиб қишлоққа боради, бу фожнани соқов тиллари билан кишилар қулогига шивирлайди... Лекин, ҳеч ким унинг сўзларига тушунмайди. У «тили»га тушунадиган кишини қидириб яна ўзини чор атрофга уради, югуради-елади...

* * *

Ламон ҳали ўз тарихида ҳеч кимга бундай катта мотам тутмаган эди. Чол-кампирлар, гўдаклар ҳам кўчага чиқишган. Хўш, Жамила улар учун ким эди? Қариндошми? Тобут қўлдан-қўлга, елкадан-елкага ўтиб, одамлар дарёси устида қайиқчадек тўлқинланиб сузиб кетди. Орқароқда қолганлар югуриб олдинга ўтишади.

— Қани, менга, — дея қўл алмашишади.

Дуч келган йўловчилар отлардан, эшаклардан тушиб келиб, тобутни ўн-ўн беш қадам кўтариб боришади.

Оқим ярим соатлар чамасида қишлоқнинг кунботар томонидаги мазорга етиб борди. Гўрков жасадни тобутдан қабрга тушириб, лаҳад оғзига гувала қалади. Тиззасини гўр четига тираб, ташқарига чиқди. Кишилар бир сиқим, бир сиқимдан тупроқ олиб, гўрга ташладилар. Ҳадемай қўнғир тепача пайдо бўлди. Кечагина гулдай яшнаб турган қизни ер ўзининг қўшиқ ва нурсиз, гул ва юлдузсиз, меҳр ва муҳаббатсиз зимзиё комига тортди. Уйда дафтарлар, ҳали чизиб улгурилмаган расмлар қолди. Қўнғир сочларнинг ҳиди бурқсиб турган ёстиқ қолди. Мактаб, болалар бўталокдек бўзлаб қолди. Энди болалар унинг товушини сира-сира эшитмайдилар. Энди у Зулайхонинг бошини силаб, эркаламайди. Душман қалбига ғулғула, дўстлар дилига қувонч солиб, қишлоқ кўчаларидан юрмайди. Кетди... Энди у ҳеч вақт қувонмайди, кулмайди, изтироб чекмайди, йиғламайди. Энди у тонгда туриб қуёшни қутламайди, майсалар қулоғидаги шабнам томчиларини кўриб қувонмайди. Қушлар қўшиғи, дарё куйларини тингловмайди... Хуршидини кўрмайди.

Кишилар фотиҳа ўқиб, ўринларидан турдилар. Оқсоқол орқасига ўгирилиб, бўйинини чўзди:

— Халойиқ, Жамилахон қандай одам эди?

— Яхши одам эди!

— Жаннати эди! — дейишди кишилар. Шу аснода Зулайхонинг: — Опа-опажон, опа! — деган фарёди эшитилди. Ҳамма товуш эшитилган томонга ўгирилди. Қизча:

— Опа, опажон, опажонимни ташлаб кетманглар! Кўрқади! Олиб беринглар! — дея гўр устига тиззаси билан чўккалаб, кичик қўлчалари билан тупроқни кав-

ларди. Мурғак гавдаси изтироб, ҳаяжон, қўрқувдан дағ-дағ титрар, киприklarидан думалаб тушаётган ёшлардан қўлларигаги тупроқ лой бўлар эди. Асрор:

— Зулли, Зулли, юр, кетдик, — деб этагидан тортса ҳам қизча ўрнидан турмасди.

Осмонни қоплаб турган лахтак-лахтак булутларнинг ҳам бардоши қуридим, тўлғаниб, ўпкаси тўлиб, дув-дув кўз ёш тўкди. Осудалик бағрини тилиб, момақалди роқ фарёд чекиб, қалдираб гулдиради. Уфқда ялғ этиб чақмоқ чақнади. У қора булутларни чок-чокидан йиртиб, далаларни, қишлоқни ёригди. Ғам ёшидан кўзлари туманлашган кишилар бораётган сўқмоқларни ҳам чароғон этди.

Энг орқада бошини эгиб, икки қўлини орқасидан ўтказиб бораётган Ғулум тоғанинг дийдаси эзилиб, изига қайтди. Зулайхони қўлидан ушлаб, ўрнидан турғазди, юз-кўзларини яктагининг этаги билан артди:

— Юр, қизалогим, — елкалари силкиниб, уни эргаштириб кетди.

* * *

Бу орада ҳаёт дарёсидан йигирма йил оқиб ўтди.

* * *

Қатта кўчадан мошгуруч соқолли, новча, ориқ киши бош эгиб борарди. Эғнида ёқалари, еғлари титилиб кетган эски шинел. Бошида малла ранг қулоқчин. Чекка сочлари оқ, елкасига ташланган юк халтасининг оғирлигидан нос ранг гимнастёркасининг ёқаси тарағ тортилган. Бўйнидаги ажинлар янада бужмайиб кўрилади. Чуқур кўзлари атрофида майда-майда ажинлар. Машиналарнинг «ду-ду»сига ҳам, кишиларнинг товушларига ҳам бепарво, ўз ўйлари билан банд борар эди у: умр соядек ўтиб кетди. Ўтганда ҳам ёмон, жуда расвои-

радди бўлиб ўтди. Йўқ, ўтмади, куйиб кул бўлди, дайди шамолларга соврилди.

Қишлоқ йўлига бурилганда бошини кўтариб, атрофга термилди. Далалар... Ҳуу, уфқда экинзорларни қўриқлаётгандек, Қўнғир тоғлар тизмаси ёнбошлаб ётибди. Бундаги ҳар бир ниҳол, гиёҳ яшариб кетгандек туюлди кўзига. Эгри-бугри, сақич лойи сувсизликдан торс-торс ёрилиб ётган ариқлардан нишон ҳам йўқ. Фақат шохлари кесилган эски балх тут дарахтлари мункайиб турар, унга ўша дамларни эслатарди.

Йўловчи четга чиқиб, ариқ лабида оёқларини узатиб ўтирди. Шинелининг чўнтагидан қолган-қутган тамакиларни қоқиб олиб, қоғозга пингичка қилиб ўради. Гугурт ёқиб, тутатди. Аччиқ тутунни ютиб, кўзларини қисиб, узоқларга тикилди. Шудгордан майин буғ кўтариларди. Нам кесаклар орасида ўтган йилдан қолган экин илдизлари қорайиб турибди. Плуг кесиб ўтган чуқур излардаги ҳали чириб битмаган япроқлар бетида шудринг милтирайди. Оёғи остидан «8»га ўхшаган чумолилар чилвирга тизилгандек карвон бўлиб ўтиб кетишяпти. Бир чумоли йўлдан четроққа чиқиб, омбурдек оғзи билан йўлга тушиб қолган арпани тишлаб судрай бошлади. Сўнг атрофга аланглаб, югурганича тўдасига бориб қўшилди: «Тўдасига қўшилди. Менчи?»

Йўловчи энгашиб, ариқ лабидаги ўтлар орасида ётган қорамтир япроқларни олди. Тамакиси тугаб, лабида пахиллаб ёнаётган қоғозни туфлаб ташлади. Тиззасига қўлини тираб, ўрнидан турди, узоқ-узоқларга ўйчан тикилди. Қўнғир тоғи этагидан буралиб-буралиб оқаётган Қашқа кумушдек ялтирайди. Осудалик. Далалар ҳам, дарахтлар ҳам хаёлларга чўмган, жим. Қуёш борлиқ устига илиқ нурларини сочиб турарди. Вазмин ер, қанча-қанча кишиларни комига тортган шу қора тупроқ

қуёшнинг ҳароратли нурларини эмиб, гул, олтин бошоқ, мевалар бунёд этар, ўзига оро берарди.

Йўл четида зарғалдоқлар сайрайди. Боши устидан бир сўфитўрғай жўшиб-жўшиб куйлаб, ҳавога кўтарилди-да, сўнг мушдеккина бўлиб ўзини ерга отди. Ерга тегай-тегай деганда чуғурлаб, чағ-чағлаб яна осмонга кўтарилди. Буларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб, ҳаёт деб аталмиш мўъжиза бўлади. Ҳаёт...

Унинг кўзи ариқ қирғоғидаги шўрага ин қурган ўргимчакка тушди. Ўргимчак оғзидан ипак толасидек майин ип чиқазиб, тўрларини мустаҳкамлаш билан овора.... «Табиат қизиқ, шунга ҳам умр ато этган-а. Яшайди, ёмғир, қорни сезади, ин қуради. Менинг ҳаётим-чи? Шу ўргимчакдек, ўзимни тўрларга ўрамадимми. Кетди... Сувга отилган тошдек изсиз чўкиб кетди».

Энди нима қилсин? Нима? Қишлоққа бормай изига қайтмоқчи ҳам бўлди. Ҳа, унга шу кенг дунёнинг ҳамма бурчаги бир эмасми энди? Йўқ, чидолмади. Уни тупроқ тортиб келаётган эди. Оёқлари уни ихтиёрсиз қишлоқ томон судраб кетди. Дунёнинг бир чеккасида, кўм-кўк осмон остида кафтдеккина жойни эгаллаб турган тупроқ йигирма йил кўз олдидан нари кетмади. Йигирма йил бу қирлар майсага кўмилиб, дарахтлар усиз йигирма марта япроқ ёзди. Ўша кўчаларни, ёшлиги ўтган дарё соҳилларини бир кўриб, ўлса армони қолмайди. Майли, одамлар юзига тупуришса ҳам боради, кўради. Одамлар кечиршса, ҳали танида кучқуввати бор. Меҳнат қилади. Нимани буюришса ҳам, хўп, дейди.

Текис йўл янги қишлоққа кириб борди. Унинг тасавуридаги кўчалар йўқ. Томидан қамиши осилиб турган илгариги пастқам уйлар, гувала деворлар ўрнида равон кўчалар. Йўловчи бир зум ташвиштаниб қолди: Ламонми шу? Болаларнинг ўйин-кулгиси, қий-чувидан

боши бир лаҳза карахт бўлди. Уни бирор киши ҳам танимади. Велосипед минган болалар «салом, салом» деб, ёнидан шамолдек ўтиб кетишади. У бу ерга нотаниш юртдан келиб қолгандек. Чорраҳага етганида, четроққа чиқиб ўйланиб қолди: Нима қилдим? Ҳа, мен нима қилдим?

Ойнаванд катта магазин олдидаги гулзорда тўрт гишт устига чойдиш қўйиб, чой қайнатаётган кенг яғринли, хушқомат мўйсафид энгашиб оловни пуфлайди. У оловни гуриллатиб ёқиб, секин ўрнидан турди, йўловчи томон юрди.

— Кимни қидиряпсиз, биродар?

Йўловчи индамади. У атрофга аланглади. Ҳа, кимникини қидиряпти ўзи? Қимни? Йўловчининг ўзи ҳам буни билмасди.

Қоровул қўлини белбоғига тираб, бошини бир оз чапга эгиб, йўловчининг бемоврид оқарган сочларига, тикандек соқолига қаради-да, яна сўради:

— Қариндошларингиз бормиди бу қишлоқда?

Сўради-ю, бегонанинг кўзига-кўзи тушиб, бирдан орқасига тисарилди. Ранги қув ўчиб кетди. Йўғон бармоқлари титради. Аллақачонлар суюги чириб, тупроққа қўшилиб кетган, деб юрган кишиси рўпарасида турарди: капан кийган қайтмайди, кўйлак кийган келаркан. Кўзи шокосасидан ирғиб чиқди, оқ оралаган қалин қора қошлари қуш қанотидек ҳурпайди:

— Олов, Оловхон... — томоғига бир нима тикилгандек товуши хириллаб эшитилди.

Йўловчи бошини кўтариб, оғзини очганча қоровулга аламли тикилиб қолди. Салқи қовоқлари, пешанасидаги ажинлар мижигланган қоғоздек тиришди. Лаблари титради.

Йўловчидан садо чиқмади, унинг назари қоровулнинг вужудига суқилиб қолган эди. Шу пайт дарё то-

мондаги тор йўлдан, катта йўлга одамлар оқими қуйлиб, магазин томон кела бошлади. Олдинда тобут қалқиб бормоқда. Йўловчи тобутнинг бош томонидан кўтариб келаётган узун бўйли қотма, қорақош йигитни таниди: «Асрор!.. Момоси қазо қилибдимиз?».

Бозорбой индамай бориб, унинг елкасидан тобутни олди. Йигирма қадамлар кўтариб борди. Сўнг йўлнинг четига чиқиб, нафасини ростлади. Оловхон ҳам тўда орасига бир-икки суқилиб кирди. Лекин, одамлар уни туртиб-ўтиб кетишди. Қўли тобутга етмай қолди.

* * *

Уша тун Бозор Оловхонга қоровулхонадан жой берди. Чой қилди. Лекин, ламонликлардан бирови келиб, уни сўрамади, отини тутмади.

Бир-бирини чорак асрдан буён кўрмаган икки таниш нима ҳақда гапиришни билмай, жим ўтиришди. Ниҳоят, Оловхон қариндош-уруғларини суриштирди.. Катта хотинидан қолган қизи ўзидан кўпайиб, уйли-жойли бўлиб кетган. Санобар қишлоқ мактабида муаллима бўлган, ҳозир докторантурада экан.

— Менга энди қариндош-уруғ, мол-ҳол ҳам керак эмас, — деди Оловхон чой ичатуриб. — Бир газ ер бериб, устимга бир сиқимдан тупроқ сочишса бўлгани. Ортиқча ҳеч нарса...

Уйланиб қолган Бозор унинг сўзини бўлди:

— Билмадим, ламонликлар сенга бир газ ерни раво кўришармикан?

— Менга ҳам осон бўлмади, Бозор. На еганимда, на ичганимда маза бор, шу йиллар мобайнида итдай тентираб юрдим.

— Нима, бизларга осон бўлдимиз? Итдай тентираб қийналганинг учун энди сени бағримизга босиб кутишимиз керакми?

— Йўқ, йўқ,— Оловхоннинг кўзига ёш қуйилиб келди. Шинелининг чўнтагидан эски латга олиб кўз, бурнини артди. — Бу дунёда, энди нима қилмоқчисан деб ҳол сўрайдиган, тирик юрганимга қувониб боқадиغان бирор кимсам йўқ, шуниси алам қилади...

— Ахир, ўзинг умрингда бирор киши эслайдиган, кулиб боқса арзийдиган иш қилганмидинг?

— ...

* * *

Оловхон тонг ғира-ширасида уйғонди. Бозорнинг кечаги гапидан, қишлоқ мазористонидан унга бир газ ҳам ер беришмаслигини сезган эди. Шу сабабли кишилар кўзига кўринмай чиқиб кетмоқчи бўлди. Биров: «Кет, кўзимга кўринма» деяётган бўлмаса-да, Оловхон одамларнинг қарашидан, ўзини озода ҳовлига адашиб кириб қолган дайди итдай сездн. Одамлар уни индамасдан ҳайдашяпти.

Бозор уйига бориб қайтиб келганда Оловхон ҳужрада йўқ эди: «Қочибди! Қочган!» Бозор шошиб елкасига милтиқни осди: «Йўқ. Энди қочиб қутулолмайсан! Чайнаб, ғажиб ташлайман! — Бозорнинг қалбида неча йиллардан буён кулга ўралиб ётган чўғ ловиллаб ёнди.— Йўқ. Энди қутулолмайсан! Шунча кишиларнинг ошига оғу солдинг. Укамнинг ҳаётини заҳарладинг. Сен бўғизлаган Жамила ҳасратида ҳали ҳам куйиб, ҳаётдан яккабош ўтяпти. Йўқ, қочолмайсан. Осмонга учсанг оёғингдан, ерга кирсанг қулоғингдан тортиб чиқараман! Шунда мен ҳам юрагимдаги доғни ювган бўламан. Виждоним тоза бўлади». У дарё қирғоғидаги чакалакзор томон югурди.

Оловхон жийдазор оралаб қирғоққа чиқди. Этигини ечиб, дарёга кирди. Нариги қирғоққа ўтиб, майсалар устига чўзилиб ётди. Қушларнинг қўшиқларига қулоқ тутди. Бахмалдай юмшоқ, хушбўй майсаларга суқла-

ниб тикилди: «Майсалар... Ниҳоятда нозик, ингичка бўлишига қарамай қаддини алифдай рост тутиб, қуёшга тик боқиб туришади. Чунки, булар бир-бирига суянишади... Мен ақалли бир майса ҳам бўлолмадим-а! Тақирда ўсган алафлигимча қолдим...».

У этигини кийди. Майсалардан кўз узолмай, секундаста Қўнғир тепалигига кўтарилди.

Ана, пастда: Кумушсимон Қашқа, ям-яшил Ламон, Жамила, Хосиятлар ётган мозористон. Районга чўзилиб кетган кенг, текис асфальт йўл. Қанча-қанча одамларни беминнат боққан қора ер, меҳнаткаш далалар. Шўх, эрка еллар, қайтарилмас ёшлик, хотиралар.

Оловхоннинг нафаси бўғилиб, ўпкасига ҳаво етмай қолди. Қишлоқ унинг бегоналигини сезиб, ҳавосини ҳам ютиб юбордими? Юраги типирчилаб, кўзлари тинди. Жийдазор оралаб югуриб келаётган Бозор шу пайт уни кўрди. Қўнғир устидаги нуқтани нишонга олди. Тепкини босди. Ламон устида ўқ садоси янгради. Оловхон йнқилди.

Чарчаб, аъзойи-баданини тер босган Бозор этигини ечмай, дарёдан кечиб ўтди. Тепаликка кўтарилиб, «ўлжаси»нинг ёнига чўккалади. Пешанасидаги, бўйишларидаги терларни сидириб ташлаб, унга қаради. Оловхон нафас олмас, катта, чиройли кўзлари бақрайиб ётарди. Бозор унга қараб жирканди: «Одам ҳам шундай осонлик билан жон берадими? Чувалчанг ҳам тўлғанади, қимирлайди... Бу, бу эса...».

* * *

— Бозорбой бир мусофирни отган эмиш!

Милиция ходимлари етиб келгунча бу хабар бутун қишлоққа ёйилди. Одамлар тўпланишди. Оловхон бошини чапга буриб, ерни қучоқлаб ётар, катта очиқ кўзларининг кипригида ёшми, шабнамми осилиб турарди.

У, ниҳоят шу тупроққа бош қўйдим, дегандек мамнун ётарди.

Милиционер билан келган табиб жасаднинг у ёқ-бу ёгини ағдариб кўрди. Ҳайрон бўлиб:

— Ҳеч жойига ўқ тегмаган, — деди.

Бозор елкасидаги милтиқни силтаб қўлига олди:

— Отдим. Мана шу милтиқ билан отдим.

— Йўқ. Юраги ёрилиб ўлган...

Нуров Самар.

Чақмоқ. Қисса. Т., «Еш гвардия».
1970. 144 бет. Тиражи 30 000.

Нуров С. Молния. Повесть.

Уз 2

На узбекском языке

САМАР НУРОВ

МОЛНИЯ

Повесть

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1970

Редактор М. Саломов
Рассом В. Сталинговский
Расмлар редактори К. Назаров
Техн. редактор Л. Шишкина
Корректор М. Рустамов.

Босмахонага берилди 30 VII-1970 й. Босишга рухсат
этилди 21/XII-1970 й. Формати 70×108^{1/2}. Босма лис-
ти 4.5. Шартли босма листи 6,3. Нашр листи 5,86.
Тиражи 30 000. Қўғоз № 1 Р—016846.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
„Ёш гвардия“ нашриёти,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кўчаси, 26.
Заказ № 2662. Баҳоси 25 т. Шартнома 25—67.